БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ
МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ
4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1989 ЙИЛ

27 ОКТЯБРЬ
№ 44 (3044)
ЖУМА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси

Илгари хабар қилинганидек, ўтган ҳафтанинг 20—21 октябрь кунларида Тошкентда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия кун тартибига «Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ва «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида» қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, қонунлар қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалалар, хусусан «Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида»ги қонунни қабул қилишга келгунча ўтган вақт жумҳуриятимиз кишиларига жуда катта сабоқ бўрди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг бу сессияси жумҳуриятимиз тарихида қоладиган анжумандир. Анжуманда ўзбек тили тараққиётининг қонуний асослари белгиланди. Бу воқеа жуда катта тарихий аҳамиятга моликдир. Лойиҳа муҳокамасида қатнашган жуда кўплаб депутатларнинг нутқларида ана шу фикрларни уқиш мумкин. Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, депутат И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама этишда ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик намояндалари ҳам қатнашдилар. Асосий қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда ўзбек тилига давлат мақомини бериш хусусида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. СССР халқ депутатлари — Одил Ёқубов ҳамда Абдулла Ориповнинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқларини эълон қилмоқдамиз.

Депутат И. А. КАРИМОВ нутқи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Азиз ўртоқлар!

Аввало, тил тўғрисидаги Қонуннинг кечадан буён муҳокама қилинаётган лойиҳасини тайёрлаш устида беқиёс катта иш олиб борган мутахассисларга, тилшунос олимларга, ёзувчиларга, ўз хатлари ва таклифлари билан Ўзбекистонда яшаётган аҳолининг тақдирини, келажагини белгилайдиган, ўзбек тилининг нуфузини оширадиган мана шу олижаноб ишга ҳисса қўшган ҳамда ушбу катта сиёсий ҳужжатни тайёрлашда иштирок этган бошқа ҳамма ўртоқларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Холисона айтганда, матбуотда илк бор эълон қилинган лойиҳа кўпчиликни қониқтирмаган эди. Шуни очиқ айтишимиз керакки, қонуннинг биринчи лойиҳасини бугунги сессиямиз муҳокамасига қўйганда, кўпчилик халқимизнинг талани оёқ-ости қилгандек бўлардик.

Шуни эътиборга олиб, бугун муҳокамага қўйилган янги лойиҳани тайёрлашга мажбур бўлдик. Иккинчи лойиҳани тайёрлашда миллионлар қатнашди десак ҳам бўлади. Аҳолининг кўпчилиги иккинчи лойиҳани маъқул топди. Бундай хулоса ҳаммамизга бугун аён. Ҳақиқатан ҳам, ўртоқлар, у ҳамманинг талабига жавоб беради, қолаверса, барча халқлар манфаатига ҳам тўғри келади.

Очиғи, ушбу иккинчи лойиҳадан ҳам норози бўлганлар топилди. Бунга тушуниш мумкин, албатта. Ҳамма жиҳатдан мукаммал битта лойиҳани тузиб, ҳаммага баб-баравар манзур қилиш қийин, бу ҳеч кутилмаган фавқулодда бир ҳол ҳисобланади.

Шу ўринда бир масалага аниқлик киритиб кетишимиз керак. Бу ҳам бўлса, ўзбек тилини қарор топтириш ва ривожлантириш ҳақидаги шиорлар остига яширинган ҳолда маҳаллий аҳолини рус тилида гапирадиган аҳолига нисбатан қарши қўяётган, шуни ўзларига мақсад қилиб олган кимсаларнинг ҳаракатлари тўғрисида гаплашиб олишдан иборатдир. Бундай ҳаракатларга, энг аввало, сиёсий калтабин, айтишим керакки, ўртоқлар, очиқдан-очиқ худбинлик йўлига ўтиб олган кишилар қўл урмоқдалар. Улар халқлар ўртасига нифоқ солиб ўзларининг нопок ниятларига эришмоқчи бўлаяптилар.

Хуллас, улар ҳар бир халқда ҳозир энг таранглашиб турган дил торларини, яъни осонгина қўзғатиш мумкин бўлган торларни чертишга ҳаракат қиляптилар. Буни очиқдан-очиқ айтиш керак. Бу торлар ҳаммага маълум: миллий ғурур тушунчаси, ор-номус тушунчаси, қайси бир миллатга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати тушунчаларидан иборат.

Агар ишларимиз шу тарзда давом этаверса, бунақа ахмоқчилик, бунақа зўравонлик эртага нимага олиб келишини шу залда ўтирган ўртоқлар, бизнинг активларимиз аниқ тасаввур этишлари ва ҳозирги аҳволнинг кескинлашиши қандай оқибатларга олиб келишини очиқ-ойдин айтишлари лозим. Кейинги йилларда, бусиз ҳам ўзбек халқининг бошига, ҳаммангизга маълумки, не мусибатлар, не туҳматлар ёғилмади, дейсиз. Бизларни порахўр ҳам дейишди, ўғри ҳам дейишди, бизлар зўравон деган ном ҳам олдик. Энди эртага ҳаммамиз миллатчи деб ҳам аталишимиз керакми?

Ўртоқлар, менинг фикримча, бу гапларнинг илдизини қирқиш керак. Буларни ташкил қиладиган, уюштирадиган одамларни топиш керак.

Ҳозирги аҳволнинг кескинлашишида майдонларга чиқиб намойиш ўтказадиган ёшларимизнинг айби йўқ. Бунга, аввало ўзимиз айбдормиз. Биз, аввало бу болаларни, бу йигитларимизни тарбиясига, уларнинг аҳволига эътибор бермаганимиз, уларни кўп вақтларда алдаб юрганимиз, уларни кўп жойларда онгига баъзи нопок одамлар таъсир этаётганининг салбий оқибатларини сезмаганимиздир.

Айрим кишилар бу хилдаги ножўя хатти-ҳаракатларда «Бирлик» уюшмасининг қўли бор деган фикрда бўлишди. Ушбу сессиямизда «Бирлик» вакиллари ҳам иштирок этишяпти. Шу масала бўйича мен яна такроран қуйидаги гапларни айтишни лозим деб топаман. Уларнинг орасида халқимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган, порлоқ келажагимиз учун курашадиган, жонкуяр, ақлли йигитларимиз ва ёшларимиз кўп. Шу йигитлар билан ҳамкорликка, биргалашиб ишлашга ҳаммамиз тайёрмиз. Лекин, бу ҳаракат байроғи остига нопок, тубан ниятли кимсалар йиғилганки, ёш йигитларни майдонга чиқариб, «уларни ур» деган шиорлар билан бошқаларга қарши кўтараётган бундай одамларга нисбатан биз қандай муносабатда бўлишимиз керак. Бунақа ҳаракат нимага олиб келади? Очиғини айтганда, бу бизга, Ўзбекистонда яшаётган халқларга тўғри келмайдиган нарса эмасми?

Ўртоқлар, ўзбек халқининг яхши ҳикматлари борки, қайси оилада бир кун жанжал бўлса, қирқ кунлик баракаси қочади, дейилади. Тўғри эмасми? Мана, қаранг, менимча кейинги йилларда биздан барака қоча бошладики, бу баракани энди қачон оилаларимизга киритамиз?

Демоқчиманки, олдимизда иккита йўл турибди, ўртоқлар. Агар баъзи нопок ниятда юрган одамларнинг гапига кириб жанжал кўтариб, кўчаларга чиқиб намойиш уюштирсак, ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйсак — бу ҳам битта йўл. Агар бирон-бир ўртоқ шу йўлга чақирадиган бўлса, шунга интиладиган бўлса, у тамомила адашади.

Биз иккинчи йўлдан борамиз. Шунга кўра ўз ақлимизга иш буюриб, камчиликларимизни тўғри тушуниб, ишларимизни холисона таҳлил қилиб, Советларга бўлажак сайловларда халқ тақдирини ўйлайдиган, халқ билан бирга қадам ташлайдиган, унга ҳамдард ва ҳамнафас бўладиган ўртоқларни сайлаб олайлик. Имоним комилки, улар ишончимизни оқлайди, кўзлаган марра сари йўлимизда муваффақият қозонишимиз осонроқ бўлади. Мана шу йўл билан борсак, ўртоқлар, мен ўйлайманки, тарих олдида юзимиз шувут бўлмайди.

Тил ҳақидаги баъзи мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман. Биринчи навбатда шуни айтмоқчиманки, ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса керак. Бу аллақачон юз бериши лозим бўлган ҳодиса эдики, аҳолимиз кўпчилигининг қонуний талаби ҳам шундай эди.

Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади.

Лекин она тилимизни билиш йўлидаги интилишларимизни, ҳаракатимизни рус тилига қарама-қарши қўйиш, рус биродарларимиз билан алоқани бузиш мутлақо нотўғри бўлур эди. Нимага деганда, ўртоқлар, рус халқи билан дўстлигимиз бир кунда пайдо бўлиб қолгани йўқ, бу катта-катта синовлардан ўтган дўстлик-биродарлик ҳисобланади. Рус халқи ҳали Россиянинг ўзи катта қийинчиликлар гирдобида ётган ўша 1920 йилда энг кўзга кўринган, таниқли олимларни ўлкамизга юбориб, ўзбек халқига ёрдам қўлини чўзган эди. Дўстлигимиз Улуғ Ватан уруши йилларида душманга қарши жанг майдонларида, урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ва айниқса зилзиладан вайрон бўлган Тошкентни тиклаш чоғида синовлардан ўтгандир.

Бир-биримиз билан шунақа аҳил ва дўст бўлиб яшаётган бир пайтимизда халқларни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, улар орасига нифоқ солишга уринишлар яхшиликка олиб келмайди. Ҳар қайси миллат, каттами ё кичикми эканлигидан қатъи назар ўз она тилини ҳурмат қилади. Ўзбеклар ўзбек тилини ҳурмат қилса, тожиклар тожик тилини, қозоқлар қозоқ тилини, айтайлик бошқа миллат вакили, у катта ё кичик бўлишига қарамай, ўз тилини ҳурмат қилади. Лекин ана шу халқларнинг ҳаммасини бирлаштириш учун, уларнинг бир оила аъзолари каби иноқ ва ҳамжиҳат бўлишларида рус тили муҳим восита ҳисобланади. Бу тил бошқа бирор миллат тилининг нуфузини камситмаган, ўша миллат ғурурига тегмаган ҳолда ягона оилага бирлашган халқлар тараққиётига, турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга, қўйилган мақсадларга эришишга бебаҳо ёрдам бериши мумкин. Умуман, ўртоқлар, агар рус миллатига мансуб киши ўзбек тилини билса, ўзбек эса рус тилини билса, бунинг устига ҳозирги ёшларимиз яна учинчи тилни ҳам билсалар нур устига аъло нур бўлмасмиди?!

Тил тўғрисида гапирарканман, яна битта нарсага эътиборингизни жалб қилишни истардим. Агар, иқтисодиётимиз яхши бўлса, яхши ривож топса, бундан маданиятимиз ҳам мадад олади, ривож топади. Агар келажагимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, келажакда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, унинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак. Мумкин қадар кўпроқ иқтидорли ёшларимизни Иттифоқнинг энг илғор корхоналарига, шулар жумласидан ҳатто хорижий мамлакатларга, керак бўлса янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америкага ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларнинг ўқишига, тажриба орттиришига имконият яратиш лозим. Иқтисодимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шуни қилмасак, ўртоқлар, бу юришимизда катта йўлга чиқишимиз қийин бўлади.

Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйлайманки бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди.

Кадрларимизни аксарияти юксак талаблар даражасида ишлаяпти. Улар ўзбек халқи бошидан кечирган катта синовлардан поклиги ва ҳалол меҳнати билан ўз шанига гард юқтирмай чиқдилар. Бундай кишиларга ишонч катта. Улар бундан кейин ҳам ана шундай ишлашади, деб умид билдирмоқчиман. Ишонаманки, ҳозир муҳокама қилинаётган масала бўйича ҳам ҳурматли депутатларимиз тўғри, оқилона қарорга келади, албатта.

Одил ЁҚУБОВ, СССР халқ депутати,
Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Ҳурматли депутатлар!

Кеча эрталаб, бу муҳим тарихий анжуманга келар эканман, кўнглим аллақандай ғаш эди. Шаҳарда тарқалган ҳар хил мишмишлардан, гўё сессияда тил атрофида қаттиқ жангу-жадал бўлади, деган ваҳимали гаплардан ташвишда эдим. Аммо кечаги нотиқларнинг нутқларини, айниқса, рус биродарларимизнинг халқимиз шаънига айтган илиқ гапларини эшитиб, кўнглим сув ичгандай равшан тортди. Мени хушнуд қилган яна бир нарса шундаки, мажлисимиз фақат тил масалалари доирасида чекланиб қолмасдан, авлодлар олдидаги масъулият, ўтмишимиз, тарихимизни эъзозлаш, боболаримиз қолдириб кетган бебаҳо меросга муносабат масалалари ўртага ташланмоқдаки, шу маънода бу сессияни Жумҳуриятимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа деб аташга ҳақлимиз. Шунинг учун ҳам бугун бу мажлисда биз учун ҳаммадан аввал бир ҳис, бир юксак туйғу ҳоким бўлмоғи лозим. У ҳам бўлса — масъулият туйғусидир. Ўйлайманки, бу туйғу — масъулият туйғуси фақат биз ўзбеклар учунгина эмас, тил муаммосини муҳокама ва мушоҳада қилишга йиғилган барча миллат вакиллари учун ҳам зарур бўлмоғи даркор. Чунки халқимиз Жумҳуриятимизда яшаётган барча катта-кичик халқлар тилларини ҳимоя қилар экан, бу халқлар ҳам бизнинг тилимиз ҳақидаги ташвишларимиз, қийинчиликларимиз, дардларимизни тўғри тушунмоқлари даркор.

Дарҳақиқат, сўнгги ярим аср давомида биз тилимиз, маданиятимиз, ўтмишимизга омиларча беҳурмат, beписанд қарадик. Биз тарихимизни қоралашдан, ўтмишда ким эдик — нодон эдик, йўқсил эдик, гадо эдик, руҳидаги шеърлардан нари ўтмадик. Биз узоқ ўрта асрда ноҳақликни қоралаб (борингки, диний ниқоб остида бўлса ҳам) инсонни адолатга чақирган буюк шоиримиз Аҳмад Яссавийни мистик шоир деб айбладик, жаҳонгир тан олган Бобурни ўпоқ дедик, Машрабни сўпоқ дедик, дунё адабиётидаги энг ёруғ ва энг маъюс севги достонларидан бири Отабек — Кумуш биби достонини яратган Қодирийни миллатчи дедик, йигирманчи асрнинг буюк лирик шоири Чўлпонга тушкунлик куйчиси деган машъум қора тамға босдик.

Муҳаббатнинг саройи кенг
экан йўлим йўқотдим-ку!
Асрлик тош янглиғ бу
хатарли йўлда қотдим-ку!
Карашма денгизин кўрдим,
на нозли тўлқини бордур
Ҳалокат бўлғусин билмай
қулочни катта отдим-ку!

Хўш, бори-йўғи саккиз мисрада, саккиз ўлмас сатрда инсон ҳаётини бутун зиддиятлари билан ифода этолган бу ноёб фалсафий қатранинг нимаси тушкунлик? Ахир қайси биримиз ёшликда хавф-хатар нималигини билмай ўзимизни ҳаёт денгизига урмаганмиз, ҳалокатни хаёлимизга ҳам келтирмай қулочни катта отмаганмиз?

Хайриятки, Партиямизнинг янги миллий сиёсати, демократия ва ошкоралик программаси шарофати билан биз бу ноёб хазинани халқимизга қайтариб беришга муяссар бўлдик.

Эндиликда тарихимиз, тилимиз, маданиятимиз борасида йиллар давомида илдиз отган яраларни тузатиш масъулияти сиз билан бизнинг зиммамизга тушди. Биз оталаримиз йўл қўйган хатони оғир бир дард билан тан олишга мажбурмиз. Уларни тузатиш — келажак авлодлар олдидаги энг катта бурчимиздир. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати бу хатоларни тузатишга қаратилган улуғ бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги ва Қодирий таваллудининг юз йиллигини нишонлаш ҳақида катта қарорлар қабул қилдики, улар ер ҳақида қабул қилинган муҳим қарор баробарида заҳматкаш халқимизнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

Бири халқимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилса, иккинчиси жафокаш деҳқонларимизнинг моддий турмушини жиндек бўлса-да, кўтаришга ёрдам беради.

Тил ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида кўп яхши гаплар билан бирга анча-мунча кишини ранжитадиган фикрлар ҳам айтилди. Баъзи биродарларимиз, айниқса айрим журналист ўртоқларимизнинг гапларига қулоқ соладиган бўлсак, ўзбек тилига давлат тили ҳуқуқини бериш ҳақидаги қонуннинг ташаббускорлари бир ҳовуч миллатчи зиёлилар, қолаверса, ҳозирги раҳбарларнинг иши эмиш. Бундан ҳам бемаъни гап бўлиши мумкинми? Ҳолбуки, агар партия, бу масалада янги сиёсат, янги платформа эълон қилмаганида қайси бир зиёли, қайси бир раҳбар бу ишга журъат эта олар эди? Наҳот рус матбуот органларидаги баъзи журналистлар платформадаги қуйидаги сатрларни ўқишмаган бўлса:

«Республикаларнинг туб аҳолиси ўз тилини давлат тили деб белгилашга, бошқача қилиб айтганда, уни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга тўла ҳақлидирлар. Бу фақат юридик масала эмас. Бу сиёсий масаладир, чунки гап халқларимизнинг ўзларини қандай ҳис қилишлари, уларнинг ўз миллий ўзига хослигини сақлаб қолишга ҳақли интилиши тўғрисида бормоқда.» «СССР миқёсида рус тилига умумдавлат тили мақомини бериш мақсадга мувофиқ» дейилган. Эътибор беряпсизми? Республикаларда — туб аҳоли тили, СССР миқёсида — рус тили умумдавлат тили бўлиши ғояси илгари сурилмоқда. СССР миқёсида рус тили умумдавлат тили бўлар экан, демак, 15 қардош жумҳурият орасида рус тили «миллатлараро муомала воситаси» бўлиб қолаверади. Бинобарин, ҳар бир миллий жумҳурият ичида туб аҳоли тили давлат тили бўлиб қолади.

Мен қонун лойиҳаси устида моддама-модда тўхталиб ўтирмайман. Лойиҳа муаллифлари айрим нуқсонларга йўл қўйишса қўйишгандир, бенуқсон парвардигор, дейди халқимиз, лекин умуман олганда лойиҳа анча пухта ўйланган, энг муҳими — унда бирорта тил камситилган эмас. Айниқса, рус тилининг жамиятимиз ва маданиятимиз борасида тутган ўрни яхши айтилган. Фақат битта гап: эндиликда бу қонун фақат оғизда, тилда жорий этилмай, кеча Шукрулло Раҳматович Мирсаидов айтганларидек, амалда жорий этилмоғи даркор. Биз кўп йиллардан бери ишчилар синфи сафида фарзандларимиз озлиги ҳақида бирда куйиниб, бирда ўксиниб гапириб келдик. Буни жиддий ўйлаб кўрайлик, ўртоқлар: бир томондан мактабларда, айниқса қишлоқ мактабларида рус тили, Пушкин ва Толстой, Достоевский ва Чехов тилини ўқитиш, минг афсус, ўлда-жўлда бўлса, иккинчи томондан идораларда ўзбек тили ўгай фарзанд бўлса — қандай қилиб қишлоқ болалари заводларга кириб ишласин?

Турғунлик йилларида собиқ раҳбарларимиз бу муҳим ишга мутлақо эътибор беришмади. Мамлакатда ишчи кучи танқис бўлган бир вазиятда кўп министрларимиз қурилган заводларга узоқ жойлардан одам таклиф қилишиб, уларни дарҳол уй, жой билан таъмин этишса-ю, шундоқ ён қишлоқларда ишсиз юрган навқирон, забардаст йигитларни ўқитиб, ишга жалб этишни исташмаса? Умид қиламизки, тилимизнинг идора ва корхоналарда жорий этилиши бу соҳада йўл қўйган катта хатоларимизга ҳам чек қўяди.

Яна бир муҳим гап, ўртоқ депутатлар! Кеча бу ерда тил масаласи жуда нозик масала, уни ҳал қилишга шошилмайлик, етти ўлчаб бир кесайлик, деган гаплар айтилди. Мен етти ўлчаб бир кесишга қарши эмасман. Лекин шошилмайлик, деган гапга мутлақо қўшилмайман.

Ҳозир ўчоққа ўт қаланди. Қозонда савзиси-ю, гўшт-пиёз жизиллаб қайнаб турибди. Демак, гуручни ҳам вақтида солиб, вақтида дамлашимиз керак. Агар шундай қилмасак, ошимиз ланж олиб, шавлага, балки бўтқага айланади.

Яна бир масала — эски ўзбек ёки араб алифбосини ўрганиш масаласи бор. Бу масалада ўзбек бадиий зиёлилари докладда айтилган гапларга тўла қўшилди. Минг йиллик тарихимиз, буюк боболаримиз яратган бебаҳо асарлар ана шу алифбода ёзилган. Бу меросни яхши билмаган инсон ўзини маданий деб ҳисоблаши қийин. Шундоқ экан, бу алифбони ўрганиш ўрта мактаблардан бошланмоғи зарур. Ва ниҳоят яна бир муҳим масала — бу туркий тиллар графикасидаги тафовутларни бартараф этиш масаласидир. Араб ва лотин алифбоси қўлланган 20—30-йилларда бу тафовут йўқ. Шунинг учун ҳам қозоқ, қирғиз, озарбойжон тилларида бир-биримизни бемалол ўқий олар эдик. Рус графикасига ўтгач, бу тафовутлар кучайиб кетди-ю, ҳозир бир-биримизни тушунмай қолдикким, бу хатони ҳам тузатиш пайти келди.

Ниҳоят охирги фикр; маълумки, адабиёт билан тил бамисоли эгизак фарзанд. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Инсоф билан айтганда, ўзбек ёзувчилари партиямизнинг миллатлар тили ва маданияти масалаларидаги платформасини тарғиб ва ташвиқ қилишда жуда катта жонбозлик кўрсатдилар. Шу маънода кечаги таҳрир ҳайъати рўйхатига Сарвар Олимжонович Азимовдан ташқари бошқа бирорта катта адибнинг киритилмагани мени таажжубга солди. Билмадим... қарорни ўзгартириб бўладими, йўқми, агар ўзгартириб бўлса мен бу комиссияга улкан адибларимиздан Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповни киритишларини илтимос қилардим...

Ҳурматли ўртоқ депутатлар!

Шундай қилиб, биз бугун тарихий кунда тарихий қонунни қабул этиш учун тўпландик. Яна айтаман: «Тарихий» деган сўзга урғу беришим бу баландпарвозлик, дабдаба белгиси эмас. Бу кунимизнинг, анжуманимизнинг, қабул қилаётган қонунимизнинг нечоғли даражада қонуний бўлиши бизнинг ақлидрок даражамизга боғлиқ. Бугун қабул қилаётган қонунимизни, айтайлик, 50 йилдан сўнг авлодларимиз қандай баҳолайдилар, миннатдорлик билан эслайдиларми, ё таъна-маломатлар билан тилга оладиларми? Умуман, бу қонун ўзгармас ҳолда ярим аср яшай оладими ё кўп ўтмай таҳрирлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритила бошланадими? Биз ҳаммамиз ана шу саволларга жавоб беришимиз ва қабул қилинган қонун учун масъулликни зиммага олишимиз керак.

Тил ҳақидаги бу қонунимизга юқорида қайд этилган баъзи тузатишлар киритилишини ва тузатилган қонун лойиҳаси учун овоз беришларингизни сўрайман.

ТЮМЕНЬ ОБЛАСТИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Мана бир ҳафтадирки, Тошкент областининг шаҳар ва туманларида Тюмень области маданият кунлари давом этмоқда. Ўтган бир ҳафта давомида қардошларимиз шаҳар ва туманларимизнинг диққатга сазовор жойларида, музейларда бўлдилар. Ўзбек хонадонларида урф-одатларимиз анъаналаримиз билан танишдилар. Тюмень областидан келган кўплаб халқ ансамбллари мезбонларга Ғарбий Сибирь халқ ижодиётининг энг ажойиб намуналарини намойиш қилдилар. Улар орасида Тюмень область Сибирь ғижжакчилари ансамбли, Сургут шаҳар мусика мактабининг «Билина» рус халқ чолғу асбоблари ансамбли, Ханти-манси автоном округи Шимол халқлари округ Маданият уйининг «Мисиз» фольклор коллективи, «Хорам», «Сира-сэв» рақс ансамбллари бор. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри ва бошқа театр ҳамда маданият саройларида халқларимиз бой маданияти, санъати, адабиёти, фидокорона меҳнати тараннум этилди. Қардош халқлар тасвирий санъати вакилларининг ижодларидан намуналар Ўзбекистон ССР санъат музейи ва бошқа музейларда намойиш этилди.

Маданият кунларида меҳмонлардан 200 дан зиёд киши иштирок этди. Улар орасида Тюмень область партия комитетининг биринчи котиби Г. Богомяков (делегация раҳбари), Тюмень, Нягань шаҳар партия комитетлари котиблари — В. Токарь, Н. Переладова ва бошқа партия, совет ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Тошкент областида бўлиб ўтаётган Тюмень области Маданият кунларида иштирок этаётган бир гуруҳ ижодкорлар Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасида бўлишди. Уларни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби О. Ёқубов қабул қилди.

— Шу кунларда халқимиз ҳаётида жуда катта воқеа юз берди, — деди О. Ёқубов тўпланганларга. — Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинди. Шахсга сиғиниш даврида, ундан кейинги турғунлик йилларида ўзбек тили, тарихи бир четга суриб қўйилди. Унинг нуфузи пасайиб, рус тилининг нуфузи оша бошлади. Бу тенденция неча ўн йиллар, ҳатто шу кунларгача тўхтамади. Шаҳарларда ва туманларда аҳолининг кўпчилиги ўзбек бўлишига қарамай иш рус тилида юритилди. Рус тилини пухта эгалламаган шахсларни, она тили равнақи учун ҳаракат қилганларни қарийб миллатчи деб аталишига йўл қўйиб келдик. Қайта қуриш шарофати билан ана шу хатоликларга секин-аста чек қўйилмоқда. Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши ҳам ана шу қайта қуришнинг шарофати.

Йиғилишда Тюмень областидан келган шоирлар — Бўлат Сулаймонов, Николай Шамсутдинов, Пётр Суханов қайта қуриш ишлари Тюмень областида қандай амалга оширилаётгани, Ғарбий Сибирь ер-сувини, табиатини муҳофаза қилиш шу бугунги долзарб муаммолардан бири сифатида майдонга чиқаётгани ҳақида, адабиётлар ҳамкорлиги хусусида гапирдилар.

СУРАТДА: Сибирлик санъаткорлар.

Бўлот Сулаймон Сибирда яшаб ижод қилаётган таниқли татар шоири. Унинг кўплаб шеърий тўпламлари чоп қилиниб, эл орасида кенг ёйилган. Шоирнинг шеърларида инсон руҳий кечинмалари нозик идрок этилади.

Бўлот СУЛАЙМОН

●

Ҳар бир дарахт —
яшил булут,
Булутланиб қуйган ўрмон.
Яшил булутлар остида
Ёшлигим — яшил бўрон!
Ҳар бир япроқ,
ҳар бир куртак
Ёшлигим ўрмонида.
У ҳам,
мен ҳам,
буткул дунё ҳам
Муҳаббат бўронида.

●

Ёзлар билан ёз бўлди у,
Кузлар билан куз бўлди у,
Дўстлар билан дўст бўлиб
Ётлар билан ўз бўлди у!

Тилак ЖЎРА таржималари

7-БЕТ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА

Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Социализмни, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, халқларнинг миллий ва байналмилал ўзлигининг ўсиши миллий тилларни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ушбу Қонун ўзбек тилининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг бутун худудида (майдонида) давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ўз заминида тилга оид барча масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ССР худудида яшовчи барча гражданлар, қайси тил уларнинг она тили эканлигидан қатъи назар, тенгдирлар.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республикада яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг ўз она тилларини қўллашдан иборат конституцион ҳуқуқларига монелик қилмайди.

Ўзбекистон ССР гражданларнинг республика давлат тилини, СССР халқлари тилларини ҳамда чет тилларни ўрганишга бўлган интилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ушбу Қонун норасмий муомалада, ҳарбий қисмларда ва диний маросимларда қўлланадиган тилларга тадбиқ этилмайди.

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таминлайди.

Ўзбекистон ССР худудида рус тилини СССР халқларининг миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланиш таъминланади.

Миллий ва рус, рус ва миллий тилларда мулоқот қилишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилади.

Ўзбекистон ССР ўз худудида яшаб турган барча миллат ва элатлар тилларининг эркин амал қилишини таъминлайди, ушбу тиллар равнақ топиши, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиниши учун тегишли шароит яратади.

2-модда. Ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Ўзбекистон ССР давлат тилининг равнақи, қўлланиши ва муҳофазасини ҳар томонлама таъминлашга оид барча масалалар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳуқуқий доирасига киради.

Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида ўз худудида тилга оид ҳар қандай масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

3-модда. Ўзбекистон ССРда яшайдиган ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига иш юзасидан таклиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида мурожаат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади. Гражданларнинг бошқа тилларда ҳам мурожаат этиш ҳуқуқлари, давлат тили ва миллатлараро муомала тилида жавоб олиши имконияти таъминланади.

4-модда. Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт.

Ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини билмайдиган гражданларга республика давлат тилини бепул ўргатиш ва ўқитишни таъминлайди.

5-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида, съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар республиканинг давлат тилида олиб борилади ва айнан таржимаси таъминланади.

Меҳнат коллективларида мажлислар давлат тилида, шунингдек, мажлис аҳли танлаган тилда олиб борилади.

Мажлис иштирокчилари истаган тилда сўзга чиқишлари мумкин: уларнинг нутқлари мажлиснинг иш тилига таржима қилинади.

Ўзбекистон ССРда ўтказиладиган халқаро, умумиттифоқ ва республикалараро симпозиумлар, конференциялар, кенгашлар ва мажлисларда республика давлат тили ва мажлис аҳли танлаган тил қўлланади.

6-модда. Ўзбекистон ССР олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлари республика давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади ва эълон этилади. Расмий нашрларда уларнинг рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа тиллардаги таржимаси берилади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика давлат тилида ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.

7-модда. Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тилида юритилади.

Меҳнат аҳлининг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган корхона, муассаса, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тили билан бир қаторда рус тили ёки бошқа тилларда ҳам олиб борилади. Бундай корхоналарнинг рўйхати халқ депутатлари район, шаҳар Советларининг тақдимига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланади.

Умумиттифоқ тасарруфидаги корхоналарда иш республика давлат тили билан бир қаторда рус тилида ҳам юритилади.

8-модда. Ўзбекистон ССРдаги корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари республика давлат тилида, шунингдек миллатлараро муомала тилида тайёрланади, республикадан ташқарига жўнатиладиган ҳисобот ва молия ҳужжатлари эса рус тилида ёки тегишли томонга мақбул тилда ёзилади.

9-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умумиттифоқ ташкилотлари билан муносабатларда миллатлараро муомала тилини қўллайдилар.

Иттифоқдош ва автоном республикалар, шунингдек хорижий давлатлар билан бўладиган алоқаларда тарафлар учун мақбул тил қўлланади.

10-модда. Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек, қорақалпоқ тилларида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни судда қатнашувчи кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон ССРда давлат ҳакамлиги маҳкамаларида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда ўзбек тили қўлланади. Зарурат бўлганда хўжалик низолари миллатлараро муомала тилида ҳам қараб чиқилиши мумкин. Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда ҳам миллатлараро муомала тили қўлланади.

11-модда. Ўзбекистон ССР давлат нотариал идораларида, халқ депутатлари шаҳар, қишлоқ ва қўрғон Советлари ижроия комитетларида нотариал ишлар республика давлат тилида юритилади. Мурожаат этувчи киши талабига кўра, расмийлаштирилаётган ҳужжатлар матни давлат нотариуси томонидан ёки нотариал ишни бажараётган бошқа мансабдор шахс томонидан рус тилига ёки имконият доирасида унга мақбул тилга таржима қилиб берилади.

12-модда. Ўзбекистон ССРда гражданлик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар ҳамда турли шаҳодатномалар республика давлат тилида ёзилади, миллатлараро муомала тилида таржимаси такрорланади.

13-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи гражданларга ўқишда тилни эркин танлаш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон ССР ўз худудида республика давлат тилида, шунингдек рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман тилларида ҳамда республикада зич яшайдиган бошқа миллатларнинг тилларида умумий ўрта маълумот олишни таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда, мавжудлари билан бир қаторда, ўзбек тилида, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда эса уларнинг тилида мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини очиш таъминланади.

14-модда. Ўзбекистон ССРнинг ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, улар қайси маҳкама ихтиёрида бўлишидан қатъи назар, республика давлат тилида, шунингдек рус тилида, шароитлар мавжуд бўлган жойларда бошқа тилларда ҳам мутахассислар тайёрлаш таъминланади.

Ўзбекистон ССРда давлат тилида, шунингдек, миллатлараро муомала тили ва республикада қўлланилаётган бошқа тилларда ҳам мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таъминланади.

15-модда. Ўзбекистон ССР дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва группаларида ўзбек тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди, бу фандан битирув имтиҳони топширилади.

Ўзбекистон ССР дарслар рус тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди. Бу фандан битирув имтиҳони топширилади.

16-модда. Араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзувини ўзбек умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлимларида ўқув плани фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади. Ўзбекистон ССРда бу ёзувни ўрганишни истайдиганларга ҳар томонлама имконият яратилади. Бунинг учун тегишли илмий-педагогик кадрлар ва дарслик ҳамда методик ўқув қўлланмалари тайёрланади, қадимий ўзбек ёзувида адабий-тарихий ёдгорликлар, китоблар ва журналлар нашр этилади.

17-модда. Ўзбекистон ССР республика давлат тилида, шунингдек миллатлараро муомала тилида дарсликлар, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар нашр этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда бошқа республикалар билан муайян шартномалар тузган ёки келишган ҳолда рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа тилларда ўқитиладиган мактаблар дарсликлар, ўқув-методик, бадиий ва илмий-техник адабиётлар билан таъминланади. Шунингдек, қардош республикаларда яшаётган ўзбекларни ўзбек тилидаги ўқув-методик, бадиий ва илмий-техник адабиётлар билан таъминлайди. Ўзбекистон ССР республикадан ташқарида ҳам ўзбек тилини асраш ва ривожлантиришга, маориф ва маданиятни тараққий эттиришга ёрдам беради.

18-модда. Ўзбекистон ССР илм-фаннинг ҳамма соҳаларини республика давлат тилида ривожлантириш учун лозим бўлган барча шарт-шароитни яратиб беради. Республикада илмий ишни ўзбек тилида тақдим этиш, ҳимоя қилиш ва нашр қилиш ҳуқуқи таъминланади. Республикада илмий асарларнинг рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа тилларда ёзилиши, нашр этилиши ва ҳимояга қўйилиши мумкин.

19-модда. Ўзбекистон ССРда ўзбек халқининг илм-фан тилини такомиллаштириш учун ўзбек тилида илмий-техник ҳамда ижтимоий-сиёсий атамаларни яратиш ва ривожлантириш таъминланади.

Ўтмишнинг ижтимоий, иқтисодий, тарихий, адабий-бадиий, маданий ва илмий меросини кенг тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш учун ўзбек халқининг тарихий-маданий ёдгорликлари асл нусхада нашр этилиши таъминланади, шунингдек рус ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинади.

20-модда. Ўзбекистон ССРда чиқадиган китоблар, газета ва журналлар, даврий хабарномалар асосан давлат тилида нашр қилинади. Шунингдек, адабиёт ва даврий нашрлар эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда рус тили ва бошқа тилларда ҳам чоп этилади.

Телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари асосан республика давлат тилида олиб борилади. Шунингдек, эшиттиришлар рус тилида ва Ўзбекистон ССР худудида зич яшовчи бошқа миллатларнинг тилларида ҳам тайёрланади ва олиб борилади.

Марказий телевидение ва умумиттифоқ радиоси кўрсатув ва эшиттиришларини олиб бериш таъминланади.

21-модда. Ўзбекистон ССРда сценарийлар, фильмларни ва бошқа томошабоп асарларни республика давлат тилида ҳамда миллатлараро муомала тилида яратиш таъминланади. Бошқа иттифоқдош республикалардан, чет эллардан олинадиган кинофильмлар, саҳна асарлари ва бошқа томошабоп асарлар ўзбек ва рус тилларига таржима қилинади.

22-модда. Муассаса, корхона, давлат ва жамоат ташкилотларининг расмий муҳрлари, тамғалари ва иш қоғозларининг матнлари республика давлат тилида бўлади, русча таржимада такрорланади.

Миллий-маданий жамиятлар ва марказларнинг муҳрлари, тамғалари ва иш қоғозларининг матнлари улар танлаган тилдан ташқари республика давлат тилида бўлиши шарт.

Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот воситалари республика давлат тилида ёзилади ва эълон қилинади ҳамда рус ва бошқа тилларда такрорланади. Ўзбекистон ССР корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ёрлиқлари, корхона белгилари, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари ўзбек тилида ҳамда миллатлараро муомала тилида бўлиши таъминланади.

Мамлакатнинг бошқа республикаларидан ёки чет эллардан келтирилган маҳсулотни савдо идоралари ва ташкилотлари ўзбек тилида ва миллатлараро муомала тилида битилган йўл-йўриқлар билан таъминлаши лозим.

23-модда. Ўзбекистон ССРда почта-телеграф хабарлари гражданларнинг хоҳишига кўра республика давлат тили ёки рус тилида расмийлаштирилади.

24-модда. Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жўғрофий-худудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади.

СССРдаги ва хорижий мамлакатлардаги барча жўғрофий номлар ўзбек миллий-тарихий анъаналарига ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ўзбек тилида рақам этилади.

Ўзбекистон ССРда барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

25-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи гражданлар миллатидан қатъи назар ўз исмини (бир ёки бир неча), ота исми ва фамилиясини (бир ёки бир неча) тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар. Исмлар, ота исми ва фамилияларининг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилиялар бошқа тилларда берилганда, айни чоғда, дунёга машҳур кишиларнинг ота исми ва фамилияси ўзбек тилида берилганда уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақланиб қолади.

Исмлар, ота исми ва фамилияларни ёзишда ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига риоя этилади.

26-модда. Ўзбекистон ССРда яшовчи барча миллатлар миллий-маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оз сонли миллий гуруҳлар учун ҳам ўрта умумий таълим мактабларида ўз она тилини ўрганишга шароит яратилади.

27-модда. Ўзбекистон ССРда давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади. Мансабдор шахсларнинг республика давлат тилини ёки миллатлараро муомала тилини билмасликни рўкач қилиб, таклифлар, аризалар ва шикоятларни олишдан ёки кўриб чиқишдан бош тортиши ман этилади; гражданларнинг ўзаро муомала, таълим-тарбия ва ўқиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир бўлса, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунлари белгилаган тартибда жавобгарликка тортилади.

28-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув муассасаларининг, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари ўзларига тобе соҳа доирасида ушбу Қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгардирлар.

29-модда. Давлат тили расмий амал қиладиган соҳаларда ўзбек адабий тилининг мавжуд илмий қонун-қоидаларига тўла риоя этилади.

30-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ҳақидаги мазкур Қонуннинг турмушга тадбиқ этилишини назорат қилиш Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг Доимий тил комиссияси зиммасига юкланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА

Тошкент шаҳри, 1989 йил 21 октябрь

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ги ҚОНУННИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

1. Қонуннинг қоидаларини жамият турмушининг ҳамма томонларига босқичма-босқич жорий этиш мақсадида белгилаб қўйилсинки, Қонуннинг 4, 7 ва 8-моддалари 8 йил давомида, 5 ва 24-моддалари—3 йил давомида, 16-моддаси—1991/1992 ўқув йилидан кучга киради, 22-моддаси 1991 йилдан амал қила бошлайди.

Қолган барча моддалар Қонун қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети олти ойлик муддат ичида «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунини амалга ошириш юзасидан давлат программасини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР ҳукуматининг қарорларини мазкур Қонун билан мувофиқлаштириб чиқиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА

Тошкент шаҳри, 1989 йил, 21 октябрь

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИ 75^1-МОДДА БИЛАН ТЎЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни) қуйидаги мазмундаги 75^1-модда билан тўлдирилсин:

«75^1—модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон ССР ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида давлат ғамхўрлигини амалга оширади ва унинг давлат ҳамда жамоат органларида, маданият, маориф ва бошқа муассасаларда қўлланишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССРда тенгҳуқуқлилик асосида мазкур органларнинг барчасида рус тилининг миллатлараро муомала тили сифатида, шунингдек Ўзбекистон ССРда яшайдиган СССРнинг бошқа халқлари тилларининг эркин қўлланиши таъминланади.

У ёки бу тилларни қўллашда бирон бир имтиёз ёки чеклашларга йўл қўйилмайди».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА

Тошкент шаҳри, 1989 йил 21 октябрь

Абдулла ОРИПОВ, СССР халқ депутати

АВЛОДЛАР ОЛДИДАГИ ҚАРЗ

Биз айни чоқда муҳим тарихий ҳужжатни муҳокама қилаётирмиз. Чунки масаланинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Она тилимизнинг обрў-эътибори учун кураш беш аср муқаддам ҳам мавжуд бўлиб, у Алишер Навоийнинг умр мазмунига айланган эди. Халқимизни якқалам қилгунча фидоий шоиримизнинг сочи оқариб кетмаганмиди? Она тилимизни ғоят ардоқлаган Бобур ҳатто ўзи босиб олган чет ўлкаларда ҳам ўз тилини тиқиштирмади, балки, танҳоликда бўлса-да, ўзи билан ўзи гаплашиб, ўзбек туркий тилимизнинг равнақига асарлари билан бебаҳо ҳисса қўшди.

Босқинчилик ҳамда феодал парокандалик туфайли уч хонликка бўлиниб кетган ўлкамизда ватанпарвар фарзандларнинг ақалли тил борасидаги хизматлари ҳам қадрланмаган эди. Инқилобдан кейинги даврларда эса марказлашган давлат сиёсатининг бирёқлама талқини сабабли тилимиз иккинчи ва ва ундан кейинги паст ўринларга тушиб қолди. Ўзбек тилининг луғат бойлиги кескин ғариблашди. Қайта қуриш ва ошкоралик шарофати билан бу муаммо яна кун тартибига чиқди.

Аслида бу ҳолатни муаммо деб аташнинг ўзи жоиз эмас. Бу, ниҳоятда табиий, қонуний бир жараёндир. Ўйлаб кўринг, ҳар бир сайёранинг ўз номи бўлганидек, мана бу Зуҳра, мана бу Аторут ва ҳоказо деб аталганидек, биз яшаб турган мана шу замин ҳам, мана шу минбар ўрнатилган жой ҳам ўз номи билан Ўзбекистон деб аталади. Ўзбекистоннинг ўз миллий байроғи, муҳри, гимни бор. Тўғри, Ўзбекистон гимнининг матнини қайтадан кўриб чиқиш зарур.

Модомики Ўзбекистоннинг ўз байроғи, ўз гимни, муҳри бор дедик. Бас шундай экан, нега унинг ўз давлат тили бўлмаслиги керак? Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳар кимнинг ўз ота-онаси қўйган исми сингари табиий бир кўринишдир. Модомики тил миллатни бирлаштирувчи куч экан, модомики тил миллий тараққиётнинг кўзгуси экан, модомики тил, авлодларнинг авлодларга қолдирадиган ягона олтин калити экан, ўзбек тилига давлат мақоми берилишига қандайдир фавқулодда ҳодиса деб қарамаслик керак. Ва ниҳоят, яқин-узоқда яшайдиган биродарларимизнинг тилига ҳам ўз диёрларида давлат мақоми берилаяпти экан, биз ҳам ўз навбатида бундан ҳеч ажабланмаймиз. Аксинча, биз уларни чин юракдан қўллаб-қувватлаймиз. Демак, ушбу жараёнга холис назар билан қаралса, миллатчилик сингари тамғалар ўз-ўзидан йўққа чиқади.

Баъзи ўртоқлар ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига бирмунча ҳадиксираб қараётганга ўхшайдилар. Мен буни кечаги музокараларда баъзи нутқлардан жиндек бўлса-да, пайқадим. Баъзи ўртоқлар кўпроқ ўз манфаатларини ўйлаб фикр юритаётганга ўхшайдилар. Дилда дардинг бўлмаса дард дафтаримни кавлама деган экан Машраб. Биз жаҳондаги қадимий бир тилнинг тақдири ҳақида ўйлаяпмиз. Биз яқин 10—15 йил ичида эмас, балки 100 йиллардан нарида тилимизнинг ҳоли нима кечади, авлодларга биз нимани мерос қилиб қолдирамиз, — шу ҳақда ўйлаётибмиз. Бизнинг рўпарамизда бамисоли рангпар бир бемор турибди, уни оёққа турғиза оламизми ёки йўқми? Гап ана шу ҳақида бораётир. Кенг қамровда ёндашадиган бўлсак, она тилимизга давлат мақоми берилишини муҳокама қилиб ўтиришнинг ўзиёқ эриш туюлади. Бу ҳолат одам ўз туққан онасини махсус қарор билан тасдиқлатиб олаётганга ўхшайди.

Нетайликки биз ана шу кунга қолдик, бошқа миллат вакиллари бизни тўғри тушунсинлар. Ахир уларнинг ҳам ўз она тиллари бор-ку, ахир лойиҳада бошқа тиллар камситилаётгани йўқ-ку! Агар одамнинг ўзида иштиёқ бўлса, у ҳар қандай тилни 10 йилда эмас, 10 кунда ҳам ўрганиши мумкин бўлур эди. Рус тилининг аҳамиятини эса ҳеч ким инкор қилаётгани йўқ. У умумдавлат миқёсида миллатлараро сўзлашув воситаси бўлиб қолажак. Биз энди бундан буён ҳозирги лойиҳа асосида қабул қилинажак қонунимизни тезроқ амалга ошириш ҳақида бош қотиришимиз керак. Назаримда кўрсатилган муддатларни ихчамлаштириш зарур, агар моддий сарф-харажатлар етишмаса тилимизнинг хизмати учун банкларда махсус счётлар очайлик, ана шунда муддат ҳам қисқаради.

Шу ўринда айтишим кераки, модомики мен ҳам она тилимда шеър ёзиб, қалам ҳақи олиб юрган эканман, камбағаллашиб қолган онажонимга баҳоли қудрат ёрдам беришга бурчлиман.

Қадрли дўстлар, ниҳоятда савобли бу ишнинг атрофида ҳар хил паст-баланд гапларни кўпайтирмайлик. Ортиқча эҳтирос ақл кўзини хиралаштиради. Умидвормиз, сиздек азиз депутатлар лойиҳа учун якдиллик билан овоз бергайсизлар:

Сиз тилни асрангиз ҳар
неdан ортиқ
ягона заминни
асрагансимон.
Боболардан қолган ноёб
бу тортиқ,
токи авлодларга етолсин
омон.

Саломат бўлингизлар.

ЯНГИ РУБРИКА: *ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!*

КЕЛАЖАК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ўзбекистон жумҳурият давлат бош санитар врачининг қарори билан шу йил 30 октябрдан бошлаб пахта йиғим-теримида болалар, 18 ёшга етмаган ўсмирлар ва ҳомиладор аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланди. Мухбиримиз М. АБДУЛЛАЕВ Ўзбекистон соғлиқни сақлаш министри ўринбосари, жумҳурият Давлат бош санитар врачи Т. ИСКАНДАРОВга шу хусусда бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Тўлқин Искандарович, сизга маълумки, газетамиз кўп йиллардан буён пахта билан боғлиқ ишларга ўқувчиларни жалб этмаслик, аёллар меҳнатини эса қатъий чегаралаш учун жон куйдириб келади. «Ўқувчи қачон ўқийди?», «Дераза ортидаги болалар», «Аёл меҳнатининг қадри» сингари ўнлаб мақолаларимиз бунга далил. Гарчи, энди, кечроқ бўлса-да, бу борада муайян дастурга эга бўлдик. Сизни янги лавозимда иш бошлаган дастлабки кунларингизданоқ бундай қарор қабул қилишга нима даъват этди?

— Тўғриси, аввал ҳам болалар, ўсмирлар, аёллар меҳнатини чегараловчи қоида-тартиблар бор эди. Аммо уларга мутлақо амал қилинмасди. Сабаби, биринчидан, шундай қоидаларни бузганларга нисбатан жавобгарлик белгиланмаган эди. Иккинчидан эса, бу тартиблар аксарият ҳолларда маҳаллий партия ва совет органларининг оғзаки буйруқлари билан бузиларди. Ҳуқуқ органлари ҳам етарли қатъият кўрсатмасди. Ўлиб тирилсак ҳам пахта берамиз, дердик.

Бугунга келиб эса битта ёки иккита раҳбарнинг шахсий обрўйига, тўғрироғи, унинг нуноқлиги ва ишни ташкил эта билмаслигини яширишга хизмат қилиб келган бундай услуб халқимиз соғлиги учун жуда қимматга тушди. Қишлоқ хўжалигида болалар ва ўсмирлар, ҳомиладор аёллар меҳнатидан аёвсиз фойдаланиш оқибатида турли оғир асоратли касалликлар кўпайди. Болалар ва аёллар ўртасида ўлим ҳоллари ҳам юқори.

Оғир жисмоний меҳнат ўсиб келаётган болалар организмининг имкониятларига номутаносибдир. Шу боис у болалар ва ўсмирлар организмининг функционал ривожланишига салбий таъсир этиб, турли асоратлар қолдиради. Сурункали хасталиклар, организмда баъзи аъзоларнинг нотабиий ривожланиш ҳолларини келтириб чиқаради. Масалан, пахта экиладиган районлардаги тиббий кўрикдан ўтказилган болаларнинг 86 фоизида турли хасталик аломатлари кузатилган. 18 фоиз болалар эса уч ва ундан ортиқ сурункали касалликлардан азият чекади, 15 фоиз болаларнинг эса жисмонан носоғлом ривожланаётганлиги аниқланган.

Пахтани қўлда териш ўсмирларнинг жинсий ўсишига бевосита алоқадор системалар ривожини ҳам издан чиқаради. Айниқса, қиз болаларнинг жинсий балоғатига жиддий футур етказади. Масалан, қишлоқ мактабларида таҳсил олаётган 12—17 ёшдаги қиз болалар тиббий текширишдан ўтказилганда уларнинг 68 фоизида нормал ривожланиш жараёни бузилганлиги аниқланган.

Энди ҳомиладор аёлларнинг пахта теришда қатнашишига келсак, бу мутлақо чидаб бўлмайдиган ҳол. Ҳозир қишлоқ жойларидаги 29 фоиз аёллар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидаги заҳарланиш, камқонлилик, буйрак ва юрак қонтомир касалликларига чалинган ҳолда кўзи ёрийди. Тирик туғиладиган ҳар минг чақалоқнинг етмишга яқини хасталик билан, улардан бештаси туғма касалликлар билан дунёга келади. Бундай хаста болаларнинг юзтасидан тўққизтаси эса ҳар йили турли сабаблар билан ҳаётдан кўз юмади.

Чақалоқларнинг чала туғилиш ҳоллари эса 4,2 фоизни ташкил этади. Болалар ўлимининг кўплиги ҳам мана шу сабаблар билан боғлиқ. Аммо шунга қарамай, пахта йиғим-теримида болалар, ўсмирлар, ҳомиладор аёллар меҳнатидан фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Сўнгги пайтларда ижара шартномалари, оилавий пудрат, хўжалик юритишнинг кооператив усуллари ривожланиши, терилган пахтага тўланадиган иш ҳақининг ошиши муносабати билан пахта теримида болалар, ўсмирлар ва ҳомиладор аёллар кучидан фойдаланиш нисбатан кучайди. Шунинг учун ҳам биз бу ҳолни тақиқлаш учун махсус қарор қабул қилишга мажбур бўлдик. Аниқроғи, қўлимизда бир неча илмий-тадқиқот институтлари ва амалиётчи шифокорларнинг илмий асосланган хулосалари бўла туриб бундай қарор чиқармасликка бизнинг маънавий ҳуқуқимиз йўқ эди.

— Бу қарорнинг ҳам аввалгиларидек бажарилмай қолиш эҳтимоли йўқми?

— Йўқ. Аввало, биз ўз қароримизнинг ижроси учун қатъий курашамиз. Сизлар, журналистлар ҳам қараб турмассизлар. Қолаверса, бугун жумҳуриятимизда вужудга келган ижтимоий-маънавий муҳит ҳам унинг қоғозда қолиб кетмаслигига кафолат беради, деб ўйлайман.

— Қарор ижросини амалда рўёбга чиқариш учун қандай муҳим чоралар белгиланган?

— Пахтани қўлда теришда болалар, 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва ҳомиладор аёллар меҳнатидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги қарорни бажариш юзасидан бутун масъулият колхозлар, совхозлар, кооперативлар, ижара коллективлари, деҳқон хўжаликлари, ижарачи кооперативлар, оилавий пудратчиларнинг раҳбарлари, ота-оналар, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумларнинг директорлари, олий ўқув юртларининг ректорлари зиммасига юкланади.

ҚҚАССР, жумҳурият областлари, шаҳарлари ва районларининг давлат бош санитар врачлари бу қарорнинг бажарилишини қатъий назорат остига оладилар. Қарорни бузганлар эса маъмурий жавобгарликка тортилади.

Шу қарорда айтилганидек, бу муҳим тадбирга оғишмай риоя қилиниши юзасидан бутун масъулият турли ташкилотларнинг раҳбарлари билан бирга бевосита **ота-оналар зиммасига ҳам тушмоқда.** Бу бежиз эмас. Айнан сўнгги пайтда кўпчилик ота-оналарнинг йўл қўйиб беришлари туфайли болалар ва ўсмирлар меҳнатидан оилавий ва ижара пудрати ишларида, йиғим-теримнинг бошқа соҳаларида ҳаддан зиёд фойдаланилмоқда. Энди бундай ҳоллар билан муроса қилиб ўтирилмайди. Ўйлаймизки, ўз фарзандларининг соғлом ва баркамол бўлишини истаган ота-оналар бу борадаги қонунбузарликни ҳам ўзларига раво кўрмайдилар. Келажак авлодимиз соғ-саломатлиги ўз қўлимизда.

ИШЧИ ГРУППАСИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссияси қошидаги студент-ёшлар билан ишлаш ишчи группасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ёшлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, малакали билим олишларини таъминлаш, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш, дам олиш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш тадбирлари хусусида фикрлашиб олинди.

Тошкент шаҳар ижроқўми раисининг ўринбосари Қ. Рафиқов, республика маданият министрлиги кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Е. Степанова, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Қодиров, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири А. Мелибоев, Тошкент Политехника институти архитектура факультетининг декан Ҳ. Убайдуллаев, Тошкент область халқ маорифи бўлимининг бўлим мудири Ш. Жалилов ва бошқалар ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ таклиф мулоҳазаларини баён қилдилар.

Йиғилишда ишчи группасининг иш плани тасдиқланди. Йиғилишни группа раиси, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори Ш. О. Алимов олиб борди.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ 575 ЙИЛЛИГИ

Азиз ҚАЮМОВ

ЖОМИЙ ВА ЗАМОНАМИЗ

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ 817 ҳижрий ёки 1414 милодий йили Жом вилоятида дунёга келди. Унинг ота-боболари ўз замонасининг ўқимишли мўътабар зотларидан бўлганлар. Бўлажак шоирнинг болалик йиллари шу шаҳарда кечди. Сўнгра у Ҳиротга келиб Низомия мадрасасида таҳсил қилди. Жомийнинг Ҳиротга келувига сабаб унинг ўз шаҳрида эътибор топмагани эди.

Жомий Ҳиротда ўқиган чоғларида ўз даврининг улуғ алломалари Саъдиддин Кошғарий, Шайхи Баҳоуддин Умар, Мавлоно Боязид Пурони, Мавлоно Муҳаммад Асрат каби зотларнинг таълимини олган. Сўнг Жомий Самарқандга келиб, бу ерда Улуғбек мадрасасида ўқийди. Билимга ташна, табиатан пуристеъдод бу толиби илм тезда устозлар эътиборини қозонади. Машҳур қонуншунос олим Хўжа Фазлуллоҳ Абуллайс, машҳур астроном мударрис Қозизода Румий ёш толиби илмнинг истеъдодига юксак баҳо берадилар.

Жомийнинг шеърий тўпламлари, достонлари, фалсафа, филологияга оид илмий тадқиқотлари кўп. Навоий бу асарлардан 39тасининг рўйхатини ўзининг Жомий хотирасига бағишлаб ёзилган «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайратда қолдирувчилар») асарида санаб ўтади. Бошқа манбалар Жомий қаламига мансуб 52 асарнинг рўйхатига эга.

Булар орасида Жомийнинг «Ҳафт авранг» («Етти тахт») номи билан танилган асарлар тўплами, айниқса, шуҳрат топган. Бу китоб Жомий яратган «Панж ганж» («Беш хазина») китоби ва унга қўшилган икки достондан иборат. «Панж ганж» ёки «Хамса»нинг («бешлик») биринчи асари «Туҳфат ул-аҳрор» («Эркинларга тортиқ»)дир.

«ТУҲФАТ УЛ-АҲРОР». Бу асар 20 мақола(боб)дан иборат. Уларда шоир ўз қалбидаги энг эзгу ҳис ва туйғуларни ифода этган. Бу туйғулар эзгулик, адабиёт, ҳақиқат тантанасини таъминловга қаратилган «Туҳфат ул-аҳрор»нинг бошланиш қисмида Жомий шеърнинг қандай бўлмоғи кераклиги тўғрисидаги фикрларни баён қилади.

Жомий яратган «Панж ганж» ёки «Хамса» асарига яна унинг «Сибҳат ул-аброр» («Яхшилар тасбеҳи») асари ҳам киради. Бу асар маснавий йўлида ёзилган. Жами 40 бўлакдан иборат. Ҳар бир бўлак икд (гавҳарлар туркуми) деб аталади. Ҳар бир икд назарий фикрлар изҳор этилган бўлим, ҳам ибратли мазмундаги ҳикояча ва якундан ташкил топган.

Жомий «Сибҳат ул-аброр»ни 1482—1483 йилларда ёзиб тугаллаган ва ўша фурсатдаёқ «Юсуф ва Зулайхо» достонини ёза бошлаган. Бу достон ҳам 1483 йили ёзиб тугалланди.

«ЮСУФ ва ЗУЛАЙХО». Достоннинг анъанавий кириш қисмидан сўнг севги фазилатининг баёни келади. Унда шоир ёзади:

Ишқ дардидан фориғ дил дил эмасдир,
Юраги дардсиз тан бор хору хасдир.

Оламда юзингга келсин ишқ ғами,
Қандай яхши олам севги олами.

Шундан кейин сўз таърифи келади, сўнгра шоир «Энг гўзал қисса» Юсуф ва Зулайҳо тўғрисидаги ҳикояни бошлайди.

Зулайхонинг Юсуфга бўлган оташин муҳаббати барча имтиҳонлардан ўтди. Жомий севгувчи аёл қалбида барқ урган изтироблар туғёнини гўзал бадиият билан тасвир этади.

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН». Жомий қаламига мансуб яна бир гўзал асар «Лайли ва Мажнун» достонидир.

Достон севгини улуғловчи бир асар. Муҳаббат оташида покланган кўнгулларнинг бахтиёрлиги ижтимоий шароитнинг ночорлиги, тубан тасаввурларнинг даҳшатли қаршилиги туфайли ер билан яксон бўлди. Аммо Лайли ва Қайс каби олийжаноб зотларнинг ўлмас муҳаббати барча авлодларга чин севги, вафодорлик, садоқат тимсоли сифатида ибрат бўлиб қолди.

«ИСКАНДАР ХИРАДНОМАСИ». Жомий «Хамса»сининг биринчи китобидир. У 1485 йили ёзиб тугалланган. Асарда Искандардан ташқари Арасту, Афлотун, Суқрот, Буқрот, Файсоғурс, Ҳурмус хирадномалари келтирилган. Ҳар бир хираднома ҳикматли ўгитлардан иборат. Улар ортидан шу ўгитларни исботловчи кичик ҳикоялар берилади. Искандар хирадномаси ана шу ўгитларнинг якуни деб қаралса бўлади.

Бир киши Искандардан сўрайди: «Нега отадан устозни юқори тутасан?». «Отам сув билан лойимни қорган, устоз жону дилимни ўстирган», — деб жавоб беради Искандар. Устоз туфайли киши абадийлик касб этади.

Жомийнинг бу асари турмуш тажрибаларидан олинган доно якунлар, ибратли хулосалар, фойдали панду ўгитлар билан тўлиб-тошган. Улар ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликни ташвиқ этишга қаратилганлар.

«Искандар хирадномаси» билан Жомийнинг «Хамса»си тугалланади. Шоир бу китобни «Панж ганж»(«Беш хазина») деб атаган.

«СИЛСИЛАТ УЗ-ЗАҲАБ» («Олтин занжирлар»). Ўша беш достон ёзилмасдан олдин Жомий «Силсилат уз-заҳаб» асарини ёзган эди. Унинг 1-дафтари 1472 йили ёзилиб битган ва китобхонлар орасида кенг ёйилган эди. Жомий 1485 йили «Силсилат уз-заҳаб»нинг иккинчи дафтарини ёзди. Учинчи дафтар ҳам тахминан шу фурсатда ёзилган. «Силсилат уз-заҳаб» асарида Жомий сўфийлик фалсафаси ва амалиётининг асосий масалаларини ёритади. Сўфийлик таълимотининг маънавий муҳитдаги тушунчаларини баён қилади. Учинчи дафтарда эса мамлакатни қандай бошқарув кераклиги тўғрисидаги панду ўгитлар берилади.

«САЛОМОН ВА АБСОЛ». Жомий 1480—81 йили «Саломон ва Абсол» достонини ёзган эди. Унда ёш гўзал йигит Саломон ҳамда унинг мураббияси Абсол ўртасидаги мажозий муҳаббат кўрсатилади. Достон хотимасида Жомий ундаги орбазларнинг моҳиятини кўрсатган. Подшоҳ — ақли фаол, Саломон — руҳ, Абсол — жисм, жисм жонни севади. Чунки жонсиз у ўлик танадир. Жон эса жисмсиз ўз вазифасини адо эта олмайди. Денгиз — ҳирс ва унинг интилишлари Саломоннинг Абсолдан совумоғи етуклик касб этмоқ, гулхан — тубан ҳирслардан тозаланув, Зуҳра — олий маънавий камолот.

Кейинчалик Жомийнинг «Панж ганж» деб аталган китобига «Силсилат уз-заҳаб» ва «Саломон ва Асбол»ни қўшиб бу етти асардан иборат китобни «Ҳафт авранг» деб атай бошладилар.

Жомий лирик шеърларининг кўпчилигини ғазаллар ташкил этади. Улар ошиқона ва орифона ғазаллар. Муҳаббат мавзуида ёзилган, севгучи қалбининг барча кечинмаларини, нафосат ва самимият билан ифода этувчи шеърларни ошиқона шеърлар деймиз. Бундай шеърда ёр жамолининг гўзаллиги, бу гўзаллик туфайли вужудга келган оловли севги, унинг тафтида ёнмоқда бўлган ошиқ қалбининг ҳарорати, чекаётган изтироблари, ҳар қандай аламли дардларга ҳам тоб берувчи фидокор ва садоқатли ошиқнинг мураккаб ҳолати аён бўлади.

Жомий ўз даври шеъриятида қўлланилган барча шеърий шаклларда лирик асарлар яратган. Унинг девонида ғазаллар билан бирга мураббаъ, таржеъ, қитъа, рубоий, қасида, марсиялар ҳам анча бор. Жомий шеърларининг мундарижаси ғоят ранг-баранг. Шеърий шакллари хилма-хил. Уларда эзгуликка чорлов, кишиларни турли фазилатлар касб этмоққа ундов бош ўрин тутади.

Жомий девонида эзгуликка, ошиқларга мурувват, раҳм-шафқат кўрсатмоққа ундовчи орифона шеърлар кўплаб учрайди. Жомий ўз шеърларида катта ижтимоий масалаларга ҳам мурожаат қилди. У подшоҳлар, амалдорларнинг зулмкорлигини қоралади.

Жомий умр бўйи ёзган шеърларини уч девонга жамлади. Бу иш 1482-1483 йилларда амалга оширилди. Биринчи девонга ёшлик йилларида ёзилган шеърлари киритилди. Унга «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшлик оғози») деб от қўйилди. Иккинчи девони етуклик йилларида йиғилган ҳаёт тажрибаси маҳсулотларидан ташкил топган. Шунинг учун унга «Воситат ул-иқд» («Марварид шодалари») деб от қўйилди. Учинчи девонга ҳаётининг охирида ёзилган шеърлар киритилгани учун унинг номи «Хотимат ул-ҳаёт» («Турмуш якунлари»).

Жомий қаламига мансуб насрда ёзилган кўп асарлар бизгача етиб келган. Улардан «Баҳористон» ҳикматли ҳикоячалардан ташкил топган. Айни замонда унда улуғ шарқ шоирлари Рудакий, Дақиқий, Унсурий, Асжадий, Фаррухий, Фирдавсий ва бошқалар ҳақида қисқача, аммо мароқли маълумотлар бор. «Баҳористон» ўзи унча катта бўлмаса-да, қомусий бир асардир. Унда китобхон ҳаёт дарсини ўқийди. Алломалар тўғрисида тасаввур пайдо қилади. Эзгулик таълимини олади.

Жомийнинг айрим асарлари турли фан соҳаларига оид. Чунончи, «Нақши фусус» («Узук кўзининг безаги»), «Нақд ин-нусус» («Аниқланган далиллар»), «Лавомеъ» («Шуълалар»), «Ашшиат ул-лаъмоат» («Шуълалар зиёлари»), «Таҳқиқ ул-мазоҳиб» («Мазҳабларни аниқлов») каби асарлар (охиргиси араб тилида ёзилган) фалсафага доир. Жомийнинг бир қанча асарлари араб тили қоидалари, шеър назарияси, мусиқа назариясига тааллуқли. Жомий қаламига мансуб бир асар Шарқ фалсафаси, тафаккури тарихида муҳим ўрин тутган мутафаккирларга бағишланган. Икки йиллик меҳнат самараси бўлган бу китобни Жомий «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» деб атади. Бунинг таржимаси «Муқаддас ҳузурлардан эсган дўстлик шаббодалари» бўлади.

Абдураҳмон Жомий 1492 йили 8 ноябрда Ҳирот шаҳрида вафот этди. Унинг мотамига доир барча тадбирларга Навоий бош-қош бўлган. Буларнинг тафсилоти Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин» китобида келтирилган.

УЛУҒ ШОИР ва мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг порлоқ хотираси асрлар давомида авлодлар қалбида яшаб келмоқда.

1989 йилда мамлакатимиз жамоатчилиги Абдураҳмон Жомийнинг 575 йиллигини нишонламоқда. Асрлар ўтади. Халқларни бирдамлик ва биродарликка чорлаган, инсон ва инсонийликни улуғлаган бу ижодкорнинг муборак номи абадий яшайди. Унинг мўътабар сиймоси ва нурли ижоди назм ва тафаккур қуёши сифатида маърифат дунёсига чароғонлик бахш этиб порлайверади.

«Мураққаъи Алишер Навоий»нинг Кобул нашри

«ФАН» НАШРИЁТИ 1982 йили «Абдураҳмон Жомийнинг «Мураққаъи Алишер Навоий»дан олинган дастхат мактублари» китобини рус тилида чоп қилган эди. Таниқли шарқшунос Асомиддин Ўринбоев нашрга тайёрлаган бу асардан Жомийнинг 337 дастхат мактубининг фотофаксимилеси(айнан нусхаси), мактубларнинг русча таржимаси, ноширнинг сўзбошиси ва батафсил шарҳ-изоҳлари, зарур кўрсаткичлар ўрин олган. Бу нашрга ўз вақтида илмий жамоатчилик юксак баҳо берди.

Абдураҳмон Жомийнинг дастхат мактублари Алишер Навоий томонидан ўша даврда жамланган. Илмий адабиётда «Мажмуаи муросилот» ёки «Мураққаъи Алишер Навоий» деб номланиб келаётган, XV аср иккинчи ярмида Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган ўн олти нуфузли шахс томонидан битилган 594 дастхат мактубдан иборат ноёб қўлёзма ЎзФА Шарқшунослик институти фондида сақланади. Мураққаъдаги аксарият мактублар Алишер Навоий номига битилган. Уларда ўша даврнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий масалалари хусусида сўз юритилади. Мажмуа Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV аср иккинчи ярмидаги ҳаётини ўрганишда беназир тарихий манбадир. У Шарқшунослик институти фондига 1938 йили бухоролик йирик олим ва китоб шайдоси Садр Зиё номи билан машҳур Шарифжон Махдум (вафоти 1935 йил) кутубхонасидаги нодир қўлёзмалар сирасида қабул қилинган.

«Мураққаъи Алишер Навоий» кўпдан буён олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келарди. Жумладан, ажойиб хаттот ва Шарқ қўлёзмаларининг тенгсиз билимдони Ибодулла Одилов 1939 йили ушбу ноёб қўлёзмадан яна иккита нусха кўчирган бўлиб, улар ҳам институт фондида сақланмоқда.

1982 йилнинг ноябрь ойида Шарқшунослик институтига ташриф буюрган афғон олимлари ҳам Абдураҳмон Жомий дастхат мактубларига жуда қизиқиб, мажмуани Афғонистон пойтахтида нашр қилиш истакларини изҳор этдилар. Нашрни икки мамлакат олимлари — Асомиддин Ўринбоев ва йирик афғон олими Мойил Ҳиравий ҳамкорликда амалга ошириши хусусида келишиб олинди. Натижада ушбу ҳамкорлик самараси ўлароқ Абдураҳмон Жомий дастхат мактублари Афғонистон Республикаси Фанлар академиясининг Тиллар ва адабиётларни ўрганиш маркази билан ЎзФА Шарқшунослик институти ҳамкорлигида ўтган йили чоп этилди.

Китоб АР ФА президенти Сулаймон Лойиқ ва ЎзССР ФА мухбир аъзоси Музаффар Хайруллаев сўзбошиси билан очилади. Муаллифларнинг таъкидлашларича, бу нашр Афғонистон ва Ўрта Осиё XV аср иккинчи ярми иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳаётини, шунингдек,дастхат мактублар муаллифи Абдураҳмон Жомий ҳамда аксарият мактублар йўлланган Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини, ижтимоий фаолиятини, устодларимизнинг ижодий ва ижтимоий ҳамкорлигини ўрганишда аҳамияти беқиёсдир.

Афғон олими Мойил Ҳиравийнинг нашрга ёзган сўзбошисида Шарқда мураққаъ — альбом тузиш анъанаси хусусида сўз юритилиб, XV асрда нафис мўъжаз расмлар — миниатюралар, ҳуснихат намуналари — қитъа ва муфрадотлар, мактублар, иншолар ва фармон — нишонлардан иборат мажмуа сифатида мураққаълар яратилгани эслатилиб, уларнинг машҳур шоирлар, хаттотлар, рассомлар, олимлар, давлат арбоблари ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги аҳамияти махсус таъкидланади. Абдураҳмон Жомийнинг дастхат мактубларига афғон олими юксак баҳо бериб, ёзади: «Жомийнинг дастхат мактубларида ҳам муаллифнинг унга хос юксак бадиий маҳорати намоён бўлган. Мактубларнинг бадиий хусусиятига келганда, улар қофияланган наср — сажъ ва назмда битилганлигини таъкидлаш зарур. Жомийнинг мактублари форсий тилдаги адабиёт тарихида янгича ва юксак воқеликдир».

Мойил Ҳиравий тошкентлик ҳамкасби хизматларига муносиб баҳо бериб, қайд этадики, Жомийнинг мактублари, яъни унинг эпистоляр меросини келгусида ўрганишда А. Ўринбоев тадқиқотларига мурожаат қилмаслик мумкин эмас.

Китобда А. Ўринбоев тадқиқоти 17—58-саҳифаларни эгаллайди. Бу олимнинг рус тилидаги тадқиқотининг ўзи томонидан дарий тилига таржимасидан иборат. Унда муаллиф Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва ижоди хусусида мухтасар маълумот бериб, мактубларнинг асосий манбаларини тавсифлайди. Кейин «Мураққаъи Алишер Навоий»нинг палеографик тавсифи баён этилган, мактублар муаллифлари тўғрисида, мажмуанинг ўрганилиш тарихи ҳамда Жомий мактублари ҳақида сўз юритилади. Дастхат мактублар матни эса 59 — 157-саҳифалардан ўрин олган.

Нашрга илова сифатида мактубларнинг илмий шарҳи, кишилар исмлари, географик номлар ва китоблар номлари кўрсаткичлари келтирилган. Кобул нашрида «Мураққаъи Алишер Навоий»дан олинган турли муаллифларнинг етти дастхат мактуби фотоси чоп этилган. Унинг муқоваларида эса худди Тошкент нашридаги каби Навоий ва Жомийнинг миниатюра портретлари эълон қилинган. Бу портретлардан бири ўша давр улуғ мусаввири устод Камолиддин Беҳзод асаридан Ҳиндистонда кўчирилган нусха эканлиги ва иккинчиси эса Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан яратилганлиги билан қадрлидир.

Кобул нашрининг Тошкент нашридан афзаллиги шундаки, унда Жомийнинг дастхат мактублари фотофаксимилеси эмас, балки матн босма ҳарфлар билан терилганидадир. Бу эса мактубларнинг ўқилишини ва тушунишни ҳозирги китобхон учун осонлаштиради. Чунки Жомий дастхат мактубларининг баъзиларини асл нусхада ўқиш ва тушуниш кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Умуман, ушбу нашрни ҳам илмий, ҳам ҳамкорлик самараси сифатида юқори баҳолаш билан бирга, ундаги айрим жузъий нуқсонларни эслатишни лозим топдик. Янги нашрда Жомий мактублари янгидан рақамлаб чиқилган. Дастхатлар мураққаъда ва Тошкент нашрида, бошқа муаллифлар дастхат мактублари билан аралаш ҳолда келганлиги учун бошқача рақамланган эди. Кобул нашридаги тадқиқот асли Тошкент нашрига мўлжалланганлиги учун ўқувчига муайян қийинчилик ва ноқулайликни келтириб чиқаради. Матннинг Кобул нашрида баъзи ўринларда маънонинг бузилишига олиб келадиган айрим хатолар ҳам мавжуд. Ушбу хатоларни аниқлаш учун мутахассислар Тошкент нашридаги мактубларнинг асл нусхаларига қарашлари керак бўлади.

Абдураҳмон Жомий дастхат мактубларининг Тошкент ва Кобул нашрларини қиёсий ўрганиш жараёнида уларнинг келгусида яна қандай тадқиқотлар учун асос бўла олишига ҳам эътибор бердик. Бизнингча, бу мактублар умуман «Мураққаъи Алишер Навоий»дагилар қаторида XV аср иккинчи ярмидаги китобат санъатига дахлдор маълумотларга ҳам эга. Айниқса, мураққа ги бир мактубда Мова наҳрдан Хуросонга с учун жўнатилган уч харвор (бир эшак юки носида) қоғоз жўнати лиги диққатимизни тортди. Шунда хотирам улуғ хаттот Султон Али ҳадийнинг Самарқанд зини мақтаганлиги к Қолаверса, ҳозирги Шарқшунослик инсти фахри ҳисобланган шер Навоий ва Абду мон Жомийнинг XV ас кинчи ярмида Ҳиротда тилган аксарият мўъ қўлёзма асарлари ма Самарқанд қоғозига б ганлиги ҳам эътиборга зовор.

Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийга ёзган тубларининг бири маз қуйидагича: «Жаноб му лид(муқовасоз) мав Шайх Абу Саъид «За нома»га муқова қилган муқова учун тайинла пулнинг озгина қисми ланмай қолган экан. У дан илтимос қилмоқд сиз олижаноблик кўрс (марҳамат қилиб) қо пулини ҳам ундириб шига ёрдам берсангиз, ки у пулга жуда муҳт Ушбу мактубнинг диқ сазовор томони шунд унда Навоий ва Жом замондош яна бир му лид — муқовасоз номи этилган.

Жомийнинг бошқа мактубида машҳур ха Жаъфар Бойсунқурийн меросхўри манфаатини моя қилишни Алишер воийдан сўрайди. Яна А раҳмон Жомий кўплаб теъдодли ёшлар, жумла Ҳожи Муҳаммад Наққош Жалолиддин Йусуфга ёрдам кўрсатилишини и мос қилган. Кейинчалик жи Муҳаммад Алишер воийнинг шахсий китобд бўлиб хизмат ҳам эт эди. Жалолиддин Йу эса мусаввир бўлиб етиша Умуман, Жомийнинг А шер Навоийга ёзган и мосномаларининг салмо қисми унинг истеъдодли умидли ёшларга мадад раганлигидан дарак бера

АБДУРАҲМОН ЖОМ дастхат мактублар мутолаа қилган киши дида шу кунгача яратил Алишер Навоий билан дураҳмон Жомий ҳаёти фаолиятига оид моног фик тадқиқотлар, айнин уларнинг илмий биограф лари, ушбу мактублард янги фактларни ҳисо олиб, тўлдириб, қайта я тилиши зарур. Шунингд «Мураққаъи Алишер На ий»даги Алишер Навоий мига битилган мактубла ўзбек тилига таржима либ нашр этиш, ҳатто А шер Навоий тўла ас ларининг йигирма жилд гига қўшимча том сифат чоп қилиниши мақсадга вофиқдир.

Абдумажид МАДРАИМО
Шоҳниёз МУСО

ЎзССР ФА Абу Райҳ Беруний номидаги Шарқш нослик институтининг илм ходимлари

ТАНҚИДНИНГ ФАОЛИЯТ МАЙДОНИ

23 октябрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси танқид кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда республика нашриётларида танқид ва адабиётшуносликка доир асарларнинг чоп этилиши, СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш раиси Озод Шарафиддинов йиғилишни очиб, айни пайтда адабий жараёнда танқиднинг ўрни, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирди. Унинг таъкидлашича, умуман, танқидчилигимизда жиддий бурилишлар сезилмаётган бўлса-да, фаолиятимиз тўхтаб қолгани йўқ, адабий-танқидий китоблар чоп этилиб турибди, тақриз ва мақолалар эълон қилинаётир. Бироқ танқидчиликдаги силжишлар давр нуқтаи назаридан талабга жавоб бермайди. Бунинг устига айрим газета ва журналлардаги чиқишларни кузатиб бирор-бир янгилик ололмайсиз. Мисол учун, «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган М. Ҳасановнинг «Чўлпон ва Горький» сарлавҳали мақоласида Чўлпон «Она» романини таржима қилган, деган маълум гап атрофида жўн мулоҳаза юритилади, холос. Ёзувчи О. Отахоновнинг «Ёш куч» журналида (10-сон) босилган мақоласида муаллифнинг масъулият ҳисси сезилмайди. Умуман, мана шундай мақолаларни эълон қилиш шартми? Ёки адабиётшунос И. Мирзаевнинг яқинда чоп этилган адабиётда меҳнат мавзуининг ёритилишига бағишланган рус тилидаги китобидан ам янгилик топиш қийин. Бу олларни келтиришдан мақ шуки, танқид ва ётшунослик соҳаси оир нашр ишлари изнинг доимий эътиборида бўлмоғи керак. Бироқ айни пайтда нашриётлар Ёзувчилар уюшмасининг танқид кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб боришдан ўзларини четга тортмоқда.

Очил Тоғаев Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида танқид ҳамда адабиётшуносликка доир асарларнинг нашри ҳақида ахборот берди. Унинг кузатишларига кўра, нашр жараёнида бир қадар саёз тўпламлар, кенг илмий, адабий жараёнга танилиб улгурмаган, адабий жараёндан йироқ муаллифларнинг китоблари ҳам нашриёт планларидан жой олган, айримлари эса чоп этилган. Унинг фикрини кенгаш иштирокчилари ҳам тасдиқладилар ва кейинги мажлисда қўлёзмаларнинг муайян қисмини кенгаш аъзолари орасида муҳокама қилишга келишилди.

О. Тоғаев бугунги адабий жараёндаги танқидий чиқишлар ҳақида гапириб, О. Шарафиддиновнинг ёзувчи О. Отахонов мақоласи юзасидан билдирган танқидий фикрларига эътироз билдирди. «Ёш куч» журнали О. Отахонов мақоласини нега босади, дейиш нотўғри. Умуман айтганда, бу мақолада жиддий мулоҳазалар бор, ахир, биз 20 — 30-йиллар адабиётинигина эмас 40 — 50-йиллар, яқин ўн йилликлар адабиётимизни ҳам қайта тадқиқ қилишимиз, янги давр нуқтаи назаридан қайта баҳолашимиз лозим-ку!

Абдуғафур Расулов «Ёш гвардия» ва «Юлдузча» нашриётларида танқид ҳамда адабиётшуносликка доир асарлар нашри бир қадар қониқарли йўлга қўйилганини таъкидлади. Унинг ахборотига кўра, «Ёш гвардия» нашриёти бу соҳада китоб чоп этишда муайян анъаналарга эга ва бу анъаналар давом этаётир.

Нинель Владимирова ахборотидан «Фан» нашриётида филология соҳасига ажратилган имконият бир қадар чекланганини, бироқ шу чекланган имкониятдан ҳам талаб даражасида фойдаланилмаётгани аниқ бўлди.

Танқид ва адабиётшуносликка доир асарларни чоп этишда республикадаги етакчи нашриётларда Ёзувчилар уюшмаси, унинг танқид кенгаши билан ҳамкорлик қилишга хоҳиш сезилмаяпти. Бир неча марта таклиф этилганига қарамай, ушбу кенгаш йиғилишига ҳам нашриётлардан бирор вакил қатнашмагани шундан далолат беради. Танқидчилик соҳасида юзаки, бир ёқлама асарларнинг нашр этилишининг олдини олиш, бу соҳада таниш-билишчилик ҳолларига йўл қўймаслик учун кенгашнинг фаолиятини, таъсирини кучайтириш лозим. Шу маънода, Матёқуб Қўшжоновнинг нашриётлардаги қўлёзмаларни кенгаш йиғилишларида муҳокамасини уюштириш лозим, деган таклифини йиғилишнинг барча иштирокчилари маъқулладилар; ноябрь ойида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида танқид ҳамда адабиётшуносликка доир китоблар нашрига бағишланган давра суҳбати ўтказишга қарор қилдилар.

Танқид кенгаши СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига берилган аризаларни кўриб чиқди ва яширин овоз бериш йўли билан икки кишини қабул комиссиясига тақдим этди.

Мажлисда адабиётшунос олимлардан Н. Худойберганов, Б. Назаров, С. Мамажонов, Ҳ. Абдусаматов, А. Ҳайитметов ва бошқалар иштирок этдилар.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИНИНГ АМЕРИКАЛИК БИЛИМДОНИ

ЭРТАКЛАР — ХАЛҚНИНГ асрлар давомида йиққан тажрибаси ва донишмандлигининг инъикосидир. Эртак ҳар бир халқнинг орзу-армони, интилишлари, халқона гўзаллик, маданият, жамики маънавий бойликларнинг умумлашмасидир. Ўзида мана шундай хислатлар мужассамлашган дунёдаги барча халқ эртаклари каби ўзбек халқ эртаклари ҳам кўп тилларга таржима қилинганлиги бежиз эмас, албатта. Шунинг учун ҳам халқимиз эртаклари немис тилига таржима қилинди. Улар севилиб ўқилиб, ардоқланиб эртак ихлосмандлари меҳрини қозониб келмоқда.

1984 йили Германия Федератив республикасининг Кёльн шаҳридаги «Ойген Дидерих» нашриётида «Дунё адабиёти эртаклари» сериясида «Ўзбек эртаклари» китоби чоп этилди.

Тошкент билан биродарлашган АҚШнинг Сиэтл шаҳрида истиқомат қилувчи таниқли туркийшунос олима профессор Илза Лауде-Сиртаутас бу китобни нашрга тайёрлади ва эртакларни ўзбек тилидан бевосита немис тилига катта меҳр билан таржима қилди.

Китоб 283 саҳифадан иборат. Унга 47 ўзбек халқ эртаги киритилган. Эртаклар асосан 6 гуруҳга ажратилган: 1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар — «Тулки билан товус», «Қўй билан бўри», «Чўлоқ бўри» ва бошқалар; 2. Қаҳрамонлик эртаклари — «Ботир Болтакай», «Жасур Тўрабекахоним», «Паҳлавон Гўрўғлининг туғилиши» ва бошқалар; 3. Жодугарлар ҳақидаги эртаклар— «Илон пари», «Эгри ва Тўғри», «Ялмоғиз», «Кенжа ботир» ва бошқалар; 4. Ижтимоий эртаклар — «Қаҳрамоннинг хотини», «Эралихон ва уч ўғри» ва бошқалар; 5. Саргузашт эртаклар — «Тоҳир ва Зуҳра» ва бошқалар; 6. Эртак-мақоллар — «Олтин олмалар», «Саломатлик—туман бойлик» ва бошқалар.

Туркий тилда сўзлашадиган халқлар яшайдиган географик харита ҳам китобдан ўрин олган. Таржимада эртак услуби ҳамда миллий руҳни сақлашга катта эътибор берилган. Масалан, ўзбекча эртакларда кўп учрайдиган «подшоҳ», «вазир», «ялмоғиз», «жодугар», «алвасти» каби сўзларнинг немисча нусхада ҳам ўзгаришсиз қолдирилиб, уларга керакли изоҳлар берилганлиги китоб қимматини оширган. Бу билан таржимон немис ўқувчиларининг ўзбек эртаклари ҳақидаги тасаввурларини бойитишга ундаса, иккинчидан, эртаклардаги воқеа-ҳодисалар тасвирининг таржимада ҳам жонланишига эришган.

Китобнинг учдан бир қисмидан кўпроғини, яъни 205—275-бетларни «Сўнгсўз» ташкил этади. «Сўнгсўз» муаллифи профессор Илза Лауде-Сиртаутас эртаклар ва умуман, ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақида қимматли фикрлар билдирган. Бу билан туркийшунос олима ўзбек халқ оғзаки ижодининг чуқур билимдони сифатида намоён бўлган.

Олима Совет Иттифоқидаги туркий халқлар, жумладан Ўзбекистон тарихи, географик шароити, ўзбекларнинг халқ сифатидаги шаклланиши тўғрисида тўхталади. Мақоланинг «Ўзбек эртаклари» қисмида эртакларни тўплаш тарихи ҳақида сўз боради.

Маълумки, дунё халқларининг барча эртаклари каби, ўзбек халқ эртаклари ҳам даставвал оғзаки шаклда бўлиб, улар оғиздан-оғизга кўчиб, авлоддан-авлодга ўтиб бизгача етиб келган. Уларни ёзиб олиб нашр этиш катта меҳнат талаб қилади. Шу боисдан Н. Остроумовнинг 1892 йили Тошкентда чоп этилган «Народние сказки сартов» китобининг аҳамиятини олима алоҳида таъкидлайди.

Ўзбек эртакларини немис тилига таржима қилиш ўзининг узоқ тарихига эга эканлиги ҳам китобда яхши кўрсатилган. Бу хайрли ишга асримизнинг бошидаёқ қўл урилганлиги, айниқса, 1906 йили Г. Юнгбауэр 15 ўзбек эртагини ўзбекчадан немис тилига ўгирганини ҳам олима ҳурмат билан тилга олади.

ЎзФА Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими олимларининг бугунги кундаги эртаклар борасидаги илмий-тадқиқот ва ташкилий ишлари ҳақида китобда анча батафсил сўзланади. Шуниси диққатга сазоворки, олима эртак хусусида олиб борилаётган ҳар бир тадқиқотни эринмай кузатиб боради. У ҳатто «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилинган кичик бир мақолани ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Масалан, «...ўзбек фольклоршунос олимларининг сафи ёш, умидли олимлар ҳисобига кенгаймоқда», — дейди у. Мана шундай ёш олимлардан бири сифатида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти фольклор бўлимининг илмий ходими Маматқул Жўраевнинг номи тилга олинади. Филология фанлари номзоди Маматқул Жўраевнинг тадқиқотлари америкалик олиманинг эътиборини тортгани қувонарли ҳолдир, албатта.

«Сўнгсўз»нинг «Эртак айтувчилар» қисмида эртак айтиш алоҳида санъатлиги, эртак айтувчидан алоҳида истеъдод талаб этилиши уқдирилади. Эртак айтувчилар қизиқчи, аскиячи, созанда каби санъаткор даражасида бўлиши лозимлиги айтилади.

Олима ҳар бир эртакнинг ўзбекчада қандай аталиши, унинг қайси манбадан олинганини ҳам кўрсатади. Асарда эртак айтувчи ҳақида керакли маълумотлар берилган. Ҳар бир эртак қачон ва кимдан ёзиб олингани айтилган. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи ҳақида маълумотлар келтирилиши китобнинг қимматини оширган.

Китобда ўзбекча исмларга «-ой», «-жон» каби суффикслар қўшиб айтилишига ҳам тушунтириш берилган. «Оқсоқол», «алвасти», «бек», «дарвиш», «жодугар», «хон», «хоним», «мастон кампир», «сайил», «палов», «супа», «чориқ» сингари сўзларнинг таржимасидан ташқари, бундай сўзлар қачон, қаерда қўлланиши мумкинлиги тўғрисида ҳам маълумот келтирилган. Натижада немис китобхонларининг ўзбек халқ эртаклари ҳақидаги тасаввури бойишига имкон яратилган.

Китоб ўзбек тили ва адабиёти ихлосмандлари ўрта да шубҳасиз катта қизиқ уйғотди. Ўзбек тили ва а биётининг чет эллардаги дў лари сафининг янада кенгай шига хизмат қиладиган асар ўзбек фольклоршунос ги бўйича олиб борилаж тадқиқотлар учун ҳам илм аҳамиятга эга.

Профессор Илза Лауде-Си таутас ўзбек тили ва адабиё масалалари билан мунтаз равишда шуғулланиб келмо да. Олима бу соҳада авв ҳам кўпгина китоб ва мақол лар нашр эттирган.

1980 йили ГФРнинг Висбад шаҳрида босилган «Ҳозир замон ўзбек адабиёти хрест матияси» (инглиз тилида) к тоби ҳам олима қалами мансубдир.

АҚШлик профессор Ил Лауде-Сиртаутас бир не марта совет Ўзбекистони ташриф буюриб, бу ерда кўпгина ижод аҳли била яқиндан танишиш шарафи муяссар бўлган. Унинг Ўзб кистонда дўстлари кўп.

Илза Лауде-Сиртаутас Ўзбе кистонга кўп марта ташри буюрган. Жумладан, Тошкен да ўтказилган Бутуниттифо туркийшунослар конференци си, халқаро олтойшуносла анжуманида қатнашган. Шуни си диққатга сазоворки, олим бу йирик анжуманларда ўзбе тилида маъруза қилганлиг барча тингловчилар учун ало ҳида қизиқиш уйғотган. Тасав вур этинг, минбарда америка лик таниқли олима соф ўзбе тилида сўзлаяпти, нақадар ёқимли... Илзахоним Ўзбекис тон радио ва телевидениес орқали ҳам ўзбекча сўзла барчани қойил қолдирди.

АЙНИ КУНЛАРДА олим Ўзбекистон ва бу ердаги қайноқ ижодий ҳаёт ҳақид асарлар яратиш иштиёқи би лан банд. Адабиётимизнинг америкалик жонкуяр таржимони Илзахонимга ижодий ва илмий ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ғанижон МАҲМУДОВ

Қутлаймиз!

оли дўстимиз Мустай оға!

иш баҳорни қарши ола- Сиз ажойиб адибимиз- тук, баркамол ёшингиз билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз! Сиз дўстларингиз — Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Асқад Мухтор, Шукрулло, Ўлжас Сулаймоновлар билан бир сафда миллион-миллион ўзбек китобхонлари учун ҳам энг ардоқли, энг севимли ёзувчилардан ҳисобланасиз. Ўзбек адиблари сиздек елкадош, маслакдош, содиқ ва меҳрибон дўсти борлиги билан фахрланадилар. Сиз жумҳуриятимизда жуда кўп меҳмон бўлгансиз, бу ерда сизнинг кўпдан-кўп мухлисларингиз бор. Китобларингиз хонадонларимиз, қалбларимиз тўрида. «Ой тутилган тунда», «Прометей, оловни ташлама», «Ҳокими мутлақ» каби драматик асарларингиз саҳналаримиз кўрки бўлиб, шеъру достонларингиз тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб ҳамиша жаранглаб туради. «Отряд қўзғалди», «Ёзги товушлар» каби илк шеърий тўпламлардан ҳозирги энг йирик асарларингизгача — юзлаб китоблар салкам 50 йил мобайнида сиз яратган бебаҳо хазинадир. Бу китоблар мамлакатимиз халқлари, дунё халқлари тилларига таржима этилган.

Қадрли Мустай оға!

Сизга баҳодирона саломатлик, боқий умр, янгидан-янги ижодий парвозлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҲАЙЪАТИ

Мустай КАРИМ

●

Чингиз АЙТМАТОВга

енинг умрим гўё сўнгсиз бир ўйин:
 кичик одамман, гоҳ йирик арбоб.
и тоқ, гоҳи жуфт, қочиш ё босқин,
рча ютуқларим гоҳ бўлди хароб.
ни топсам, бирни йўқотганман нақд,
р эзгу ишимда жиндай қабоҳат.
р ўзи келмади муҳаббат ҳеч вақт,
Издан етиб келди доимо ҳасрат.
Солиб турди менга диёнат тушов,
Иблис ҳам шумликни туширди ёдга.
Бир марта бошимда янграса мақтов,
Юз марта кўмилдим машъум иснодга.
Зулматни қиёмдан фарқламоқ учун
Шодлик гулдираса ҳамки юксакдан —
Бахт бўлолмаслигин англамоқ учун,
Эҳтимол, бир ҳудуд ўтар юракдан.
Менинг умрим гўё сўнгсиз бир ўйин:
Чекимда бор эди ажиб телбалик.
Гоҳи тоқ, гоҳи жуфт, қочиш ё босқин,
Ютуқ деган нарсам —бир харобалик.
Йигит бўлиб учдим омад отида,
Изладим, жасорат-журъатга етдим.
Фақат ҳасратлардан ва кулфатлардан
Шоирлик овозини кашф этдим.

●

Ўтмишимдан гинам йўқ зарра,
Қувончим кўп, ғамим оз бўлди.
Раҳматим кўп қарғишдан кўра,
Дўстим кўпу ғаним оз бўлди.
Муҳтожликлар келди ва кетди —
Ўтиб кетди бутун зулумот.
Бевақт қордай эриди, битди,
Ўтган ишга бўлсин салавот.
Яралади лаҳзалар баъзан,
Йиллар берди шифо ва сабот.
Сўнг уларни чиқардим эсдан
Ўтган ишга бўлсин салавот.
Маъзур тутинг қилган бир айбим,
Юз бор эзгу иш қилдим бунёд.
Қилгандирман уни ёш пайтим,
Ўтган ишга бўлсин салавот.
Вақти келар — чулғагай уйқу...
Жим ётармиш — пайқарсиз ҳайҳот:
Қўшиларман ўтмишга мангу
Қолганларга йўллаб салавот.
Таъзим сизга, бемисл авлод.

ДЕНГИЗНИНГ ШИКОЯТИ

Қалбимни гумонлар ғижимлар тинсиз,
Эй жон, сенга қандоқ берайин ором!
Соҳилингга келдим, бепоён денгиз,
Балки менга ором этарсан инъом.
Денгиз эса нотинч, денгиз гувиллар,
Тўлқин тошга тегиб синар чилпарчин,
Кучук болалардай оёқни ялар:
Денгиз қулоғимга ёзади дардин:
«Яралгандан буён қалбимда алам...
Ёнаман... Ҳоридим энди бағоят.
Келиша олмадим ўз-ўзим билан.
Сен-чи, сен нимадан тўлғанасан, айт!»
Денгиз қулоғимга пичирлар ҳамон:
«Сен ахир хотиржам зотсан, сабрли.
Мени тий, қалбимни бузмасин исён,
Безовта жонимга бергин тасалли».
Йўқ, денгиз қаршингда мен бир зарротман,
Қандай қилиб сенга берайин таскин!

Сен ўзингни тошга уришинг мумкин,

Мен бундай қилишга яроқсиз зотман.

Менинг бу жонимга гуноҳлар ёрдир,

Унинг на туби, на қирғоғи бордир.

Миразиз АЪЗАМ таржималари

ИҚБОЛ

●

Энг аччиқ қисматга қўлимни бердим:
Энг гўзал дилбарга гулимни бердим.
Бир умр алданиб ўтган андалиб
Дон тилаб келганда тилимни бердим.

Мен ўзим султонман, ўзим гадоман,
Ҳақиқат ўзимман, ўзим хатоман.
Мададни сўрайман қодир худодан,
Бедилман дилдорга дилимни бердим.

Муҳаббат ёлғон деб айтган ким ўзи?

Куйламай, толқон еб қайтган ким ўзи?

Ноумид ким ўзи, шайтон ким ўзи? —

Ўзим англолмаган илмни бердим.

Ўтлиғ бағрим ерга берганим чоғлар

Биқирлаб қайнади зумрад булоқлар.
Ё ўсди ё чўкди қаршимда тоғлар —
Очофат тупроққа кулимни бердим.

Биламан, оламда разолат бисёр,

Ҳали манглайимга тушмаган из бор.

Лек, кўнглим, Гулнора исмли қиз бор—

Ўлимнинг қўлига ўлимни бердим!

ДАШТДА

Бу ердан оҳ уриб ўтган Гўрўғли,
Бу ердан от суриб ўтгандир Намоз.
Бу ерга қисматнинг учта зўр ўғли
Пиёз экаяпмиз,
пиёз.

«Қарғиш теккан ер бу!» — деган
Худоёр,

Фақат ой тунлари чодирин тиккан.
Фақат биз — уч оға-ини ҳар баҳор
Пиёз экканимиз
эккан.

Тирикчилик...
ўзингизга маълум бу ёғи.
Ризқи рўз дегани — титилган тўрва.
Дўконда фалон пул пахта ёғи...
Пиёз бўлса,
қозонда шўрва.

Бу ерни сув ўгай сингил санайди,
Шабада юрмайди —
тилади тикан.
Мен акамга,
болам қўлга қарайди...
Пиёз экканимиз
эккан.

Бу ердан от суриб ўтмайди Намоз...

РАҲИМ ПОЛВОННИНГ МЕНГА АЙТГАНЛАРИ

I

Қирқ йил кетмон чопдим далада,
жигар,
Қирқ йил қайнаб турган тупроқни
кечдим.
Жанаслар ҳосилга кўзини тикар,
Кетмонни ўғирлаб кетмайди ҳеч ким...

II

Суянсам,
кўксимга ботар бу кетмон,
Ҳали сену мендан ортар бу кетмон.
Адл деб сиғиниб ўтганинг ҳаққи
Устингга тупроқни тортар бу кетмон.

СОМОННИНГ ҲАСРАТИ

Омон-омон бўлганда
Бизлар ёмон бўлдикми?
Буғдой хирмон кўрганда
Бизлар арзон бўлдикми?
Белимизни букса-да
Бошоқбойни «сиз»
дедик.
Қурмағурни юксакда
Тутиб турган биз эдик.
Бизни сўриб, қўйиб тан
Ваъдасини унутди.
Тупроқ остида ётган
Отасини унутди.
Бизни еса ҳам эшак,
Уни элтсалар қайга
Қайтиб тушармиз бешак
Отамиз ётган жойга...

НАЗОКАТ РЎПАРАДАГИ кенг ҳовли четида қийғос гуллаб ётган шафтолининг пушти рангларига мафтун бўлиб боқди. Худди гулга тўла шохлар орасидан бир йигит мўралагандай бўлди. Йўқ, ҳаммаси хаёл. Қани энди дунёда уни жон-дилдан севадиган одами бўлса. Шу уйдан тезроқ қутуларди. Поччасининг кўзларига ўрилавериб, тортиниб, қимтинмасди.

«Ҳамманинг ота-онаси бор. Фақат меники йўқ...» У томоғига тиқилган ёшни нари итарди. «Холамни кўриб келаман».

Назокат ўз хаёлидан қувонди. Холасидан онасининг ҳиди келиб туради. Қош-кўзлари, бўй-бастлари онасининг ўзи.

— Опа, келишларингга ошни дамлаб қўйдим. Холамникига бормоқчиман.

— Майли, кўриб ке. Суюниб қолади, — опаси Саломат енгил нафас олди.

«Жойи чиқса, тезроқ узатиб олсам эди, — ўзига ўзи гапирди Саломат. — Бировнинг боласи бировга қолмасин экан. Опага қолса, поччанинг кўнгли кўтармайди. Акага қолса, келин сўмраяди!!»

Назокат тарбиячиликка ўқимоқчи эди. Киролмади. Кейин фақат шунга ўқийман деб, энага бўлиб ишга кирди. Қишлоқдаги боғчаларда жой йўқ экан. Узоқ бўлса ҳам районга жойлашди. Бир-икки жойдан совчи келди. Опаси кўнмади.

— Пича ишласин. Ўқишга кириб олсин. Кейин... сеп қилиш керак, — деди ўйланиб.

Назокат бўлса: «Опажон, кўнглимдаги одамни топсам, кейин... Хўпми», дейди илтижо билан.

У йўл бўйидаги тўхтовда машина кутиб қолди.

— Кетасизми? — Назокат шундайгина ёнига келиб тўхтаган янги, оппоқ «Жигули»га қараб кўзи қамашди. — Районга кетаяпсизми? — ҳайдовчи йигит меҳрибонлик билан сўради.

— Марказга, холамникига.

— Қани, чиқинг.

— Назокат! Мени танимаяпсиз-а? — йигит машинани юргизаркан сўради. — Шунақа-да! Қизлар ўзи шунақа. Бепарво бўлишади.

Йигит ўкингандек жимиб қолди. Пича йўл юриб:

— Мен сизни деярли ярим йилдан бери биламан, — деди оҳиста, эски танишлардай.

— Отимни қаердан биласиз? — қизиқсинди Назокат.

— Пастки маҳаллага, Толтагига тўйга борганингиз эсингиздами?

— Эсимда... Мамлакатди тушириб оборгандик.

— Ҳа, яшанг, тўйда рўпарама-рўпара ўтирганмиз. Ўшандан бери сизни излайман.

— Ниятингизга етибсиз-да, — шўхлик билан деди Назокат.

У йигитга астойдилроқ разм солди. Қуюқ қоп-қора сочлари ўнг томонга таралган. Гапириши ҳам самимий. У яна ўғринча йигитга қаради. Қирра бурни узунчоқдан келган юзига ниҳоятда ярашиб турибди.

— Шу ерда тўхтатинг, илтимос...

Йигит итоаткорлик билан тормозни босиб, машинани кичгинагина ариқ четида тўхтатди.

Назокат ўзига ярашиб турган хушбичим костюми чўнтагидан бир сўм олиб узатди.

— Э... қизиқ экансиз-ку! — йигит қадрдонидек ўпкаланди.

— Раҳмат!

Назокат унинг исмини жуда-жуда билгиси келди. Сўролмади. Омонатгина хайрлашиб, холасининг кўчасига бурилди.

Бир ҳафта ўтиб, йигит яна рўбарў келди. Уч кун ўтиб, икки ҳафта ўтиб, кейин ҳар куни...

— Назокат, юринг, озгина канал бўйида ўтирайлик. Гапим бор.

«Гапим бор...» — Назокатнинг баданига ширин титроқ югурди.

Эҳ, дунёда шундай бир қадрдон одами бўлсаки, Назокатнинг қўлларидан ушлаб, қаёққадир олиб кетса. Озод бўлса... Эркин бўлса... Иккалалари жуфт қушдай аллақайларгадир учиб кетишса...

Назокат индамаган эса-да ўша ширин гапни эшитишни жуда ҳам истади.

— Кеч кириб қоляпти, Тоҳир ака, — у ёнида тоғи тургандай қўрқмаса-да, атроф кўзига қандайдир совуқ ва ҳувиллаган кўринди. — Мен тезроқ уйга боришим керак. Опам хавотир олади.

— Ишдан чиқиб, холамникига кирдим, дейсиз.

— О, баҳона-чи, — эркаланди Назокат.

Улар ўша кеч чўлда қолиб кетишди. Машинанинг ичида тонг оттиришди.

— Энди нима қиламан, — ўкраб йиғлади Назокат.

Поччаси сезиб қолса-я... Акаси-чи... ҳаммаси опасини талашади. Назокатни эса... ўлдиришади.

— Тўйни қачон қиламиз? — Назокат Тоҳирга илтижо билан қаради. Яна ўзига хўрлиги келди. Шу кўйга тушиб қолдими?

— Айтдим-ку! Ҳеч нарсадан хавотирланманг. Ҳаммаси жойида бўлади. — Тоҳир жиддий ўйга толган одамдек жим қолди. Анчагина жимликдан кейин. — Назокат, ўзингизни босиб, у ёқ-бу ёғингизга сал қараб олинг. Ҳеч кимга айтманг. Опангизга «Машина бўлмади, холамникида қолдим денг». Бир-икки кун ўтиб, совчи жўнатаман.

НАЗОКАТ БИРОЗ ДАДИЛЛАНДИ. У ҳар куни ишдан чиқиб, тўхтовда йўлга термулади. Ўша машъум воқеадан бери мана ўн беш кун ўтди. Лекин Тоҳирдан дарак йўқ. «Яхши кўрмас экан...» Бошига тоғ ағдарилаётган Назокат бу хаёлдан нари қочади. «Балки бетобдир. Хабар олиш керак».

Ўн олтинчи куни район марказидан сал четроқдаги, Тоҳир ишлайдиган магазинга қандай бурилганини сезмади.

Икки ой... Уч ой... Бешинчи ойда... қорнида нимадир қимирлади.

— Опа! — у уйқусида босинқираб, бор овози билан чинқирди.

Уйқусираган кўзларини қорнига қадади. Қўллари билан пайпаслади. Каттариб кетгандай... Бола... У болишни маҳкам қучоқлаганча ҳўнграади. «Опажон, тузингга тупурдим. Оқлолмадим. Юзингни ерга қаратдим. Энди ўлганим яхши...»

У йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди. Ерга ёруғ тушмай, ўрнидан туриб кетди.

Ишдан чиқиб, телбадай Тоҳирнинг магазинига йўл олди.

— Назокат, иккимиз ҳам ёшлик, ғўрлик қилдик. Тўғрими? — Тоҳир нигоҳларини ерга қадади.

— Ўзингиз-да! — деди Назокат Тоҳирга қаттиқ гапиргиси келмай.

— Мен сизни ташлаб қўймайман, ишонинг. Сизни жон-дилим билан яхши кўраман. Ўла-ўлгунча сизни дейман. Нима қилишни билмай, бошим қотди.

Иккаласи узоқ жим қолишди. Назокат ғазабини зўрға босди. Тоҳирнинг ширин гаплари қулоғига ёқмади. «Яхши кўрармиш. Беш ойдан бери бир марта «Қаердасан?» демаган одам...»

— Нега бошингиз қотади, — Назокат овозининг баландлаганини сезмай қолди.

— Ростини айтишга мажбурман. Мени ҳам ўйланг, Назокат. Нима қилай, айтинг...

Назокат ҳушёрланиб, қулоқ тутди.

— Иккита болам бор...

Назокат ток ургандай ўрнидан туриб кетди.

— Сиз ҳали... шунақа... алдоқчи, номус ўғриси... Сиз инсофсиз экансиз...

— Йўқ, унақа эмас. Сизни яхши кўраман...

— Ёлғон!!! — бор овози билан чинқирди Назокат. У телбадай Тоҳирнинг оёқларига ёпишиб, ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади. — Дунёда сиздан бошқа дардимни эшитадиган йўқ. Бир ой бўлса ҳам, мен билан яшанг. Поччамга бор гапни ўзингиз айтинг. Бу азоблардан мени қутқаринг. Бўлмаса... ўзимни ўлдираман. Мана кўрасиз, уволимга қоласиз...

— Опангиз биладими? — Тоҳир Назокатнинг гапини бўлди.

Қиз «йўқ» дегандай, ерга қараб бош ирғади.

— Айтолмайман. Поччам ўлдиради мени... Акам эшитса... уларни ҳам шарманда қилдим.

Назокат яна пиқиллашга тушди:

— Мени шармандаликдан қутқаринг, жон Тоҳир ака...

Уч кун ўтиб, шомда эшик тагида машина тўхтади. Поччаси йўғон гавдасини аранг кўтариб, ташқарига шошди. Кўчада узоқ шивир-шивир қилишди.

— Саломат! — Ашурмат поччанинг овози ўта даҳшатли эди.

— Ҳа, лаббай! — Саломат ошхонадан югуриб чиқди.

— Уйга кир! — поччасининг бўралагани ҳовлини тутди. — Неччи марта айтдим. Анови... етимчангни тезроқ эрга бериб, қутул дедимми... Совчилар кепти. Юк-тахтини ҳозироқ тўғрила... Эртага обкетишади.

Саломат ичкаридан чиқиб, молхона томонда ғимирлаётган синглисини чақирди. Қулоғи тагида эрининг гаплари чақмоқ чақарди. Саломат дир-дир титрар, ўзини босолмасди. Юраги ҳовлиқиб халқумига тиқилди. Ёқасини ушлади.

— Нима бало қилдинг, Назо. Наҳотки, шу гаплар рост бўлса? Нима қилиб қўйдинг? Қани тур-чи?..

Назокат бошини эгганча ўрнидан турди. У қорнини қанча яширишга уринмасин, у қаппайиб, эскигина чит кўйлакни кўтариб, зангор камзулини туртиб турарди.

— Шўргинамиз қурсин. Энди нима қиламиз?! Одамлар нима дейди. Сени деб менинг қизимга ҳам биров оғиз очмайди. Уялмадингми? Мени ўйламадингми?

— Биз бир-биримизни яхши кўрамиз...

— Шу яхши кўриш бўлса, қуриб кетсин, илойим. Қуриб кетсин. Сени шарманда қилган яхши кўришга ўт тушмайдими! Яхши кўрса — ўз иззат-икроми билан тушириб олса бўлмасаканми? Энди нима қиламиз. Оладими ишқилиб, ер юткур...

Назокат билинар-билинмас бош силкитди.

НАЗОКАТНИ ТЎРТТА кўрпа, тўртта ёстиқ, икки жуфт болиш, беш-олтита кўйлак билан «ҳеч ким билмас» қилиб, Тоҳирникига ташлаб кетишди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Тоҳирнинг хотини эшитиб, отасиникига кетиб қолди. Қайната уни ишхонасига ёзди, ўзи олиб берган машинани тортиб олиб қўйди. Уни муҳокама қилиб, магазин мудирлигидан, оддий сотувчиликка тушириб қўйишди. «Ўз тинчимни бузиб... каллаварам. Менга ўзи нима етмаётган эди. Айшимни суриб, эркин юрган одам, боримдан айрилиб, шунга термулиб қолдимми. Уни яхши кўраман деб, ўзимни алдабман».

Тоҳир одамларнинг нафратланиб қарашидан толиққандай шу кунлардан қандай қутулсам экан, деб астойдил ўйга ботди. «Болани йўқотиш керак. Бўлмаса...» Тоҳир миясига келган фикрдан қувонди.

— Назокат дўхтирга учрадингизми? — Тоҳир меҳрибонлик билан сўради.

— Йўқ.

— Ўзим олиб бораман. Танишлар бор.

Назокат севинди. «Болалик бўлса, яшаб кетишар. «Оиламни буздинг», деб хотини чанг соляпти. Мен-чи, мен... Биз бир-биримизни яхши кўрамиз».

Тоҳир уни шом қоронғусида докторга етаклади. Ёши қирқлардан ўтган, хушрўйгина доктор уни узоқ текширди.

— Зўрға турибди. Тушиб қолиши мумкин. Майли, энди сиз учун, — у Тоҳирга кулимсираб қаради, — ўзим қарайман. Ҳар куни шу пайтда кела қолинглар.

Эртасига, индинига, роппа-роса ўн кун... Стол устидаги Назокат докторнинг қандай муолажа қилаётганини билмас, лекин ниманингдир «дўқ» этиб оҳиста урилганини эшитар, белида «чим» этган сезилар-сезилмас оғриқ чумоли чаққандай бир лаҳзада ўтиб кетарди.

Назокат ярим кечаси белининг қаттиқ зирқирашидан уйғониб кетди.

— Тоҳир ака... мени тезроқ докторга олиб боринг. Ўлиб қоламан. Чидолмаяпман.

«Хайрият» — Тоҳир ҳадемай ниятига етадигандай шошиб, кўчага чопди.

Матлуба АҲМЕДОВА

— Сурайё Назаровнани чақиринглар... ўша опа даволаётган эди, — Назокат инграганча, ёнидаги уйқусираган оқ халатлиларга илтижо қилди.

Сурайё Назаровна етиб келди. Тундаги иккидан эрталабки саккизгача олишди. Она қорнида қийнала-қийнала жон берган болани аранг тортиб олишди.

— Эсиз, ўғил экан...

— Боламни бир кўрай, — Назокат ҳолсиз бошини кўтаришга уриниб, боласига талпинди.

— Болага нима қилдинг. Бошини қара. Ярага тўлиб кетибди, — навбатчи врач ўлик болани оқ тагликка ўраб, хушламай юзини буриштириб Назокатга кўрсатди.

— Мен ҳеч нарса қилганим йўқ, — Назокат умиди сўнган одамдай бошини пастга туширди.

Сурайё Назаровна «қўяверинг, фойдаси йўқ» дегандай ёшгина навбатчи докторга имо қилди.

Назокат гўё ҳамма нарсага рози бўлгандай, кўзида ёш йилтиллаб, маъюс бош эгди. Боласидан ажралди. Энди Тоҳир ҳам ундан узоқлашиб қочаётганга ўхшади. Деразадан тушаётган қишнинг ожиз нурларини сезмади. Жойига ётганича, бошини ўради. Тоҳир дунёдаги яхши кўрган, ардоқлаган одами эмас экан. «Боламни ўзи ўлдирди. Ўзи ўлдиртирди. Доктор иккови шу ишни қилди». Унинг сутга тўлиб кетган сийнаси зирқиради. Боласини чўпиллатиб эмизаётган палатадошларининг овозини эшитмаслик учун кароватни астойдил ғижирлатиб, бошини ўради.

— Ҳакимова!

Назокат юраги «шув» этиб бошини кўтарди.

— Сизга... хат... — овқат ташувчи аёл букланган қоғозни Назокатга узатди.

Назокат йўлакка чиқди. Дераза ёнига бориб, хатни очди. «Назокат! Ўзингиз бир ой бўлса ҳам мен билан яшанг, деб илтимос қилган эдингиз. Икки ойдан кўпроқ яшадик. Оғир кунингизда ёнингизда бўлдим. Қариндош-уруғ, эл-юрт, ўртоқ-яримларга гапсўз бўлиб, уйимга олиб келдим. Иккита болам, оилам... Ўзингиз ўйланг. Каттаконим менга ичикиб, сариқ бўб қопти. Онасининг қўлида боласи бор. Опангизга ҳаммасини айтинг. Нарсаларингизни ўртоқлардан бериб юбораман. Тоҳир».

Назокат хатни майда-майда қилиб йиртди.

«Боламни сиз ўлдирдингиз. Ҳеч-ҳеч чидолмайман. Бир бечорани бадном қилиб, ярим йўлга итқитиб кетсангиз. Оила дейсиз. Оилани ўйлаган одам, бошқага чанг солмайди. Барибир, барибир... кўрасиз... судга бераман. Газетага ёзаман. Сизга ҳам жазо бордир. Болани ўлдирганга-чи. Бекорга ўлдириб бермагандир. Узатгандирсиз...»

Назокатнинг ғазаби тобора ичига сиғмай борарди.

— Холамникида туриб турасанми? Минг қилса ҳам, бу ер район... Қишлоқда эл оғзига элак тутиб бўладими.

Назокат нима қилишни билмай, ерга қаради. Опаси бир сиқимгина бўлиб, холасиникига жўнади.

— Уйга олиб кетаман, — эртасига опасининг қорача юзи баттар қорамтирлашиб, Назокатга қарамай гапирди.

«Холам кўнмаган. Бети қурсин дегандир-да... Поччамга қандай кўринаман».

— Поччамнинг олдига бормайман.

САЛОМАТ «ҚАЁҚҚА БОРАСАН, ҳозир», дегандай жаҳли чиқиб синглисига қаради.

— Уйдан чиқмайсан. Кўрмайди. Яна бир иложини топармиз...

Назокат кичкинагина, ғариб хонага кириб, ўзини таҳқирлангандек сезди.

— Опа, яхши кўрмай ўлай...

— Яхши кўриш бошқа... Ишониш бошқа. Ишонмаган, билмаган одамга «яхши кўраман» деб, одам ўзини топшириб қўйса... Ҳамма ҳам сенинг ҳолингга тушади.

— Боланинг бошини кўрдингизми? — Назокат учун энг яқини шу опаси экан. У кўнглидан кечаётган сўроқларни яширолмади.

— Биров игна санчганга ўхшаб, яра бўб кетибди.

— Ўша доктор бир бало қилди. Ўзим ҳам билмай қолдим. Мен уни судга бераман. Унга жазо йўқми? Редакцияга бораман. Қанақа иблислар борлигини ёзишсин...

Назокат ўз бошидан ўтганларини бир бошдан қоғозга туширди. Қанақа аблаҳлар борлигини фош этади. Ўзи ҳам шунақалар борлигини энди билди-ку!

Назокат айтганини қилди. Икки ҳафтага қолмай суддан хат келди... «Боланинг жароҳатлари медицина экспертизасидан ўтказилмаган. Айблашга асосимиз йўқ. Назокат Ҳакимова балоғат ёшида бўлгани учун, унинг номусини ўғирлашда Тоҳир Салимбоевга айб қўя олмаймиз. Бу — ҳар икки томоннинг ихтиёрий муносабати».

— Сизни ҳам эзиб ташладим, опа, — Назокат суд қоғозини ушлаганча йиғлаб юборди.

«Ҳаммамиз ҳам эзилдик. Эл ичида бош кўтаролмай қолдик. Мактабга боргим келмайди. Ҳамма менга қараётганга ўхшайди», Саломат кўнглидан ўтганини ичига ютди.

— Ажабмас, — Саломат яна тасалли излади. — Редакциядан келган йигит ҳаммасини ёзиб чиқса... Ахир, хотини, бола-чақаси туриб, бир бечоранинг бошини айлантирганга судда жазо йўқ бўлса, элнинг лаънати бордир.

Назокат кечки овқатга мастава солди. Эшикални тинчитди. Кечки пайт, одатдагидек, пастак, кичкина, қоронғу уйга биқинди. Опасининг шарпаси келди. Назокат унинг ичкарига кириб, «Назо ўтирибсанми?» дейишини кутди. Ҳар куни ишдан келади-ю, унинг олдига киради.

Назокат узоқ кутди. Опаси кирмади. «Биров бир нарса деганга ўхшайди. Яна мен тўғримда эшитиб кепти, шекилли...»

Назокат ташқарига чиқмади. Мана, икки ой ўтяптики, поччасига рўпара келгани йўқ. Бир пайт жияни, тўртинчида ўқийдиган Гулнора кирди.

— Опа, овқат ичдизми?

Назокат вақт ўтказиш учун ғириллатаётган кўл машинасини нари сурди.

— Сизлар-чи... ичдиларингми?

— Биз ичдик. Аям сўрагин-чи, деди. Аям йиғлаяпти. Билмадим нимага? — Гулнора узуқ-юлуқ гапирди.

— Даданг келдими?

— Йўқ.

Назокат ишонч билан ўрнидан турди. «Қачонгача? Қачонгача шунақа қилиб ўтираман?!» У эшикка чиқди. Опасини излади. Кир ёяётган экан.

Шу пайт кўча эшик тарақлаб, зарб билан очилди.

— Поччам! — Назокат ўзини панага олди.

— Ҳой, шармандалар! — Ашурмат почча гандираклаб кириб келди. — Аввал сенларни ўлдираман. Кейин ўзимни... Бошқа чора йў...йў...қ ўқи, анови газетани ўқи! Боплабди. Жуда тўғри ёзибди. «Ёшлик хатоси». Сарлавҳами зўр! Ҳамма менга қараяпти. Кечаги кун ҳам ҳолва экан. Энди юриб бўладими? Йўқ! Ўлдираман! Кейин ўзим...

Саломат, Гулнора, Назокат хашак босилган оғил бурчагига яширинишди. Ниҳоят, поччанинг овози эшитилмай қолди. Учаласи Назокатнинг хонасида тунашди.

— Опа, қани ўша газета, — Назокат ишга боргиси келмай ўтирган опасига юзланди.

— Қўй, ўқима. Бекор борганаканмиз. Эй, ҳаммасигаям ўт тушсин.

— Беринг. Бир ўқий.

— Қўй, — Саломат иш сумкасидаги газетани хушламай олди. — Оғзига келганини ёзибди-да...

Саломат Назокатни юпатди-ю ичидан ўтганини ўзи билди.

Назокат қўли титраганча, газетани ёзди. Ички, учинчи бетдаги катта мақола кўзига урилди: «Ёшлик хатоси».

— Ўқима, қўй. Кўрдинг, етади, — Саломат газетани қайтиб олмоқчи бўлди. Назокат шашт билан орқасига беркитди.

Саломат ишга биров судрагандай йўл олди. Поччаси саҳар чиқиб кетибди.

Саломат кўча эшикка етиб-етмай, Назокат очиққан одамдай газетага ёпишди. Худди қоғоз унинг сарсон тақдирини ҳал этадигандай эди.

Назокатнинг кўз олди қоронғулашди. Поччасининг тундаги овози қулоғига чалинди. «Сенларни ўлдираман... Кейин ўзимни...»

Назокат ўз хаёлига келган ўйдан бир сесканган бўлса ҳам бу унга энг осон йўлдай туюлди.

Қаёқдандир товуш келди. «Енгилтак!».

Назокат мақолани ярмини кўзлари кўриб-кўрмай ўқиди. «Бировнинг оиласининг бузилишига олиб борди».

Назокат газетани жон-жаҳди билан майдалаб-майдалаб йиртди. У ҳозир кўзига ҳар куни қуйилиб келадиган ёш ҳам қалқимаганига ҳайрон бўлди.

— Ўлим! Ҳаммасидан сен яхшисан! — у телбадай пичирлади.

Ўзига бутунлай ёт бўлган шашт билан чаққон ўрнидан турди. Ошхонага кирди. Олазарак нигоҳлари газ ўчоғи ёнида турган гугуртни кўриб, баттар чақнаб кетди.

«Қутуламан, ҳозир ҳаммасидан қутуламан! — Назокат қўлига бир литрли шиша идишни ҳам чангаллади. Оғилга кирди. — Мени қутқар ўлим! Онажонимнинг ёнига олиб бор. Меҳрибонимни бир кўрай. Онажон, сиз мени кечирасизми? Айтинг, онажон, сиз мени кечирасизми? Йўқ, отамнинг юзига қаролмайман. Ҳаммасини сизга, фақат сизга айтаман. Онажон, ўша йигитни яхши кўрдим. Уни меҳрибоним деб ўйладим. Онажон, худо ҳақи, оиласи борлигини билганим йўқ. Кейин айтди. Тўйдим, онажон. Баридан тўйдим. Энди менга ҳеч нарса керакмас. Энди ҳеч ким эшитмасин. Энди фақат сиз эшитинг. Энди фақат сиз кечирсангиз, бас, онажон!»

Назокат ним қоронғу оғил бурчагидаги лампа мойдон гоҳ-гоҳ ўзи ишлатарди. Чироқ ўчиб қолганда, шиша лампага қуйиб чиқарди. Қўлидаги идишни ўйламай-нетмай пақирга ботирди.

У бошига тинмай ёғилаётган маломат тошларидан қочмоқчидай, ҳиди бурқсаб турган мойни жон-жаҳди билан аввал кўксига, кейин ғижимланиб кетган эски атлас кўйлакнинг этакларига шошиб-шошиб қуйди.

Гугурт «дод!» дегандай «чарс» этиб ёнди.

«Жоним, ширингина жоним, қийналиб кетдинг. Ҳозир... ҳозир... қутуласан... Ҳаммаси тугайди, кул бўлади».

«Лоп» этиб қизил тилларини чиқарган олов Назокатнинг кўйлагига маҳкам ёпишди. Уни астойдил қучмоқчидай аста-секин тепага ўрлади.

Йўқ, Назокатни қўрқув босмади. У ҳозир ёруғ дунёдан батамом қутуламан деб, тик турганча кўзларини юмиб олди.

Лаҳза ўтмай, кўйлакларини куйдириб, баданларига ёпишган олов уни жаҳаннамдай ютишга шошилди.

— Опажон! Қутқаринг! Чидолмаяпман! — Назокат баданларининг ачишаётганига, жазиллаётганига чидолмай, оғилдан отилиб чиқди. Кейин ўзини кўчага урди. Қишлоқ кўчалари жим-жит. Ариқ бўйларида битта-иккита дайди итгина кўринади. Канал бошида кир чаяётган аёл югуриб келаётган алангани кўриб, ўзини четга олди.

— Ло илоҳа илобло, ло илоҳа илобло...

Ўт «чув» этиб, ўзини сувга отди. Шундагина аёл ёнаётган одам эканини билди.

Пушти рўмол қалқиб сув бетида қолди. Икки ўрим соч илондек лойқа сувда тўлғонди.

— Войдод, одам ёняпти, ёрдам беринглар!..

Чалажон Назокатни қутқариб, уйга олиб келишганда, эгнидаги кўйлаги куйиб, елкасига ёпишиб қолганди. Баданлари ўтга ташланган гўштдек жизғанаги чиқиб кетибди. Бўйнилари ярим-ёрти куйган, юзлари сарғайиб, ўт тегмаган эди. Юпқа лаблари ғунчадек қизариб, нимадир демоқчидай пичирлаётганга ўхшайди.

— Назо, жоним, Назо, айланай Назо... Нима қилиб қўйдинг. Етимлигим етмасмиди... Энди сен ҳам ташлаб кетяпсанми. Нега ўзингга раҳминг келмади? — Саломат озғин қўллари билан Назокатнинг жон талвасасидаги юзларини силади.

— Опа тўйдим. Мен... ёмон... ёнгилтак...

— Йўқ! — Саломат бор овози билан фарёд чекди. — Йўқ! Ановилар-чи... Улар нега ўлмайди? Улар нега ёнмайди?

— Вой, болам, вой, болажоним, биттагина меҳрибоним, ҳолимдан хабар олгувчим эдинг-ку...

Бу ўша Назокат дил-дилдан ташна бўлган, бироқ уйига кириб боролмаган холасининг товуши эди.

— Холажоним... қийналиб кетдим. — У холасига жон талвасасида қаради.

— Аканг келяпти, — хола Саломатга шивирлади.

— Акам... — Назокат ҳушёр тортди.

У акасини жуда ҳам соғинган эди. Бироқ Назокат кўзларини очиб қаролмади.

УНИНГ ЛАБЛАРИ ҚИМТИНИБ, пичирлагандай бўлди. У акасига нимадир демоқчига ўхшади...

Орадан икки кун ўтиб, Назокат жон берди. Қабристонда мўъжазгина қабр пайдо бўлди. Уни кўп ўтмай баҳор майсалари қоплаб олди.

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

МАЪНАВИЯТ ДАРЁЛАРИ

● МОНОМАФКУРА САБОҚЛАРИ ● ЎЗБЕКЛАРДАН НЕГА КОСМОНАВТ ЙЎҚ?
● АМАЛ ОТИДАГИ АЙБДОРЛАР ● МИЛЛИЙ ҒУРУР ЧЕГАРАЛАНГАНМИ?

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ОРАСИДА «шохли» Искандар ҳақида тўқилган эски ривоятни кўпчилик яхши билади. Унда нақл қилинишича, Искандар соч-соқолини олган сартарошни аямай-нетмай ўлдиртириб юбораверган. Ҳар бир воқеанинг мантиқий ниҳояси бўлганидек, бу воқеанинг ҳам хунук оқибати яшин тезлигида олис эл-юртларга маълум бўлган.

Одатдаги кунларнинг бирида Искандарнинг ҳузурига одмигина кийинган ёш сартарошни олиб келишади... Бу сартарош ҳам ҳукмдорнинг «сири»дан воқиф бўлади. Сартарош ялиниб-ёлворади, Искандар унинг ўтинчини инобатга олади ва у огоҳ бўлган сирни ҳеч кимга айтмаслик шарти билан қонидан кечади.

Ёш сартарош шартни бузмасликка қасам ичиб, шоҳнинг ҳузуридан омон-эсон чиқиб кетади. Орадан ҳафталар, ойлар ўтади. Сартарош кимгадир «ёрилиши» зарурлигини ҳис қилиб аллақандай эски, ташландиқ қудуқ тепасига келади ва бир неча бор «Искандарнинг шохи бор», дея қичқириб юборади. Шу тариқа Искандарнинг шохи ҳақида узоқ йиллардан бери яшириб келинган сир оммалашиб кетади. Форсларнинг «Деворда сичқон, сичқонда қулоқ бор» деган мақолида айтилганидек, шоҳнинг-ки, шохи бор экан, демак, қудуқда ҳам қулоқ бўлади...

Албатта, бу афсона замиридаги киноя тушунарли: халқдан ҳеч бир сирни пинҳон тутиб бўлмайди, у бир кун эмас, бир кун, албатта фош бўлади.

Биз узоқ йиллар давомида жамият ҳаётида етилган муаммоларни халқдан яшириб келдик. Уни баралла айтиш зарур бўлганида керакли жойларда эмас, Искандарнинг сочини олган сартарошга ўхшаб нуқул «қудуқ»ларга гапирдик. Аммо ҳақиқат барибир ошкор бўлди. Қайта қуриш бу жараённи тезлаштирди, холос. Аммо, барибир, айтаётган фикр-мулоҳазаларимиз ҳамиша ҳам инобатга олинаётгани йўқ. Маъмуриятчи раҳбарлар аллақачон даврга мослашиб, қайта қуриш «тўни»ни кийиб ҳам олдилар. Улар ҳамон турли йўллар ва усуллар билан ҳақиқатни бўғиш учун чора-тадбирлар изламоқда, найранглар ишлатмоқда.

Оролни асраш комитетининг одатдаги йиғинларидан бирида айрим министрларнинг фаолияти рўй-рост танқид қилинган эди. Журналистлар [illegible] фикри асосида махсус эшиттириш ва кўрсатув тайёрлашди. Минг афсуски афсонавий қудуқдан фарқли ўлароқ, бюрократ раҳбарларни фош этувчи «сир» одатдагидек эфир юзини кўрмади. Ҳатто республика Телерадио давлат комитети раиси ўринбосари В. Архангельский ўша эшиттиришни бекор қилиш учун шахсан ўзи студияга етиб келди...

Бу ва шунга ўхшаш турфа воқеалар кам дейсизми, бугунги жўшқин ва қарама-қаршиликларга тўла ҳаётимизда. Фарғона фожиаларининг асл сабаблари ҳам дастлаб мана шу тахлитда элдан пинҳон тутилди. Бор ҳақиқатни рўй-рост айтиш ўрнига турли мишмишлар, шов-шувлар тарқатилди. Масъул вазифаларни эгаллаб турган айрим раҳбарлар воқеанинг моҳиятини чуқур ўрганмай туриб, шоша-пиша хулосалар чиқардилар. Уларнинг фикрича, Фарғона фожиасининг айбдорлари бир гуруҳ, тайини йўқ миллатчилар эмиш. Бу ҳам етмаганидек, «валломат» генераллар «айбдорлар — гиёҳвандлар» деган асоссиз гапларни тўқиб чиқаришга уриндилар. Ишонарли далиллар йўқлиги туфайли бу «чўпчаклар» ҳам дарров диққат-эътибордан четда қолиб кетди ва, ниҳоят, янги айбдорларнинг «изи» топилди. Қўлга тушган ёшлардан бири ўзини «Бирлик»нинг аъзосиман деб таништирибди. Ўша раҳбарлар дарров «Фарғона фожиаси»нинг бош айбдори «Бирлик» норасмий ташкилоти» деб, хулоса чи[illegible] бошладилар. Қарангки, қара [illegible] ҳам таги очи[illegible] бу бўҳтон[illegible] фожиа[illegible]либ қолди. Фарғон[illegible] яна[illegible]си кадрлар масаласида [illegible] бир марта қўпол хатоларга йўл қўйилганлигини кўрсатди. Узоқ йиллар давомида юқори мансаб эгалари «ғалати принцип асосида иш юритиб келдилар: «мендан бир поғона паст креслода ўтирадиган ходимлар ўта итоаткор ва зеҳнлари паст бўлишлари керак».

Бу сийқаси чиққан, аммо ўта хавфли фалсафа узоқ йиллар давомида ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизнинг олға қараб силжишига тўсқинлик қилди. Аслида бу моҳиятан пуч бўлган якка мафкура — моноидеологияни жорий этиш учун бўлган уринишнинг айнан ўзи эди.

Мен олис болалик йилларимни аниқ эслайман. У пайтларда биз турли юртлардан кўчириб келтирилган миллатлар — руслар, яҳудийлар, полякларнинг болалари билан ёнма-ён яшар ва бирга ўйнар эдик. Оталаримиз ва акаларимиз эса бу вақтда умумий мақсад йўли[illegible] Биз ҳам [illegible] миллий ва бошқа тафовутларни сезмас, ҳис қилмас эдик. Охирги бурда нонимизни ҳам, сўнгги кийимларимизни ҳам ўша болалар билан баҳам кўрар эдик. Менинг бобом эса ҳар гал ўртоқларимга меҳр билан боқиб, уларни «фарзандларим» дер эди.

УРУШ ТУГАГАН ЙИЛИ қишлоғимизга район партия комитетининг биринчи котиби келди ва у қишлоқ аҳолисини йиғиб, барчага партия сиёсатини тушунтира кетди.

— Бизда ягона маданият, яъни монокультура мавжуд, — деди у виқор билан, — бас шундай экан, ҳаммамиз учун ягона эътиқод, ягона тил, ягона урф-одат, ягона удум бўлиши керак... Пахта бизнинг шон-шуҳратимиз, миллий ғуруримиздир. Кимдаким бошқача тарзда ўйласа ёки ҳаракат қилса, у албатта миллатчи саналади, бегона юртларга, Сибирга сургун қилинади.

Одамлар нима қилишларини билмай гангиб қолишди. Бу воқеа менинг онгимда абадий муҳрланиб қолган. Мана орадан ярим асрча вақт ўтди. Лекин ҳалига қадар «монокультура» тушунчасининг [illegible] оқибатлари б[illegible]нг аянч[illegible]майди, [illegible]изга тинчлик берма[illegible] асабимизни қақшатади. Қайта қуриш авж олган бугунги кунда барчага аён бўлдики, монокультура одамларга, миллатлар тенг ҳуқуқлигига, ошкораликка ва демократия равнақига ёрдам бермас экан. Ҳамма миллатлар учун ягона тил, ягона маданиятни тарғиб қилувчи бу идеология монокультура каби халқни «шилаяпти», маънавий соҳада турли хил «қўшиб ёзишлар»га рағбатлантирмоқда.

Бу ҳол кадрлар сиёсатимизни ҳам сийқалаштириб қўйганидан кўз юмолмаймиз. Гап шундаки, ҳозирги қайта қуриш даврида ҳам ишни эплай олмай, халқ орасида ўз обрў-эътиборини йўқотган раҳбарлар креслодан креслога ўтиб юришибди. Узоққа бориб нима қилдик, Оролнинг аянчли тақдирига алоқадор шахсларнинг бугунги мавқеларига кўз ташлашнинг ўзи кифоя. Денгизни қуритганлар, уни ҳалокат ёқасига олиб келганлар бугунги кунда риёкорлик йўли[illegible]моқдалар. Яқинда «Новий мир» журнали Орол денгизининг ўлимини тезлаштиришга ҳисса қўшган шахсларнинг исм-шарифларини эълон қилди. Мана улар: лоҳиҳа бош инженери Г. М. Дегтяров, «Средазгипроводхоз» институтининг бўлим бошлиғи Л. В. Эпштейн, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги Давлат комитети раисининг ўринбосари К. А. Ракитин, СССР сув хўжалиги министрлиги техника бош бошқармасининг бошлиғи Л. С. Литвак.

Орол-ку жон таслим қиляпти. Айбдорлар эса юқори мансаб курсларида ҳамон керилиб ўтиришибди. Пахта яккаҳокимлиги қарор топишига ҳисса қўшган, бунинг учун кўкси орден ва медалларга, олтин юлдузларга тўлган кимсалар ҳам мансаб пиллапояларидан юқорилаб боришмоқда.

Маънавий қўшиб-ёзишларнинг даҳшати пахтаникидан асло кам эмас. Шунга қарамай, бу ҳол ҳамон давом этмоқда. Товланиб, турланиб, янги тусга кириб, одамларнинг онги, тушунчасини кемириб ётибди. СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов, «Правда Востока» газетаси(1989 йил, 16 август) мухбири билан суҳбатида ўкинч билан деди: «Орол атрофига жой[illegible]ган қишлоқлар, шаҳар[illegible]нон юқумли ка[illegible] манбаига ай[illegible]лар аллақа[illegible]млик суви салликларнинг [illegible]ориланиб қолган. Ичи[illegible] ҳам турли хил заҳарли [illegible]лар билан тўйинган. Шу сабабли олдимизда турган асосий вазифалардан бири тақиқланган заҳарли дориларни назорат қилишни кучайтиришдир.

Болалар ва аёллар орасида камқонлилик касаллиги кенг тарқалган. Мен бориб кўрган касалхоналарнинг биронтасида ҳам камқонлилик касаллиги билан оғриган беморлар на олма ва на сабзи истеъмол қилишар экан».

Хўш, касал оналарни даволаш учун қандай чора-тадбирлар қўлланилмоқда? Бу саволга жавоб топиш мақсадида Қорақалпоғистон АССР соғлиқни сақлаш министрлигининг мутасадди ходимлари билан турфа суҳбатлар қуришга тўғри келди. Маълум бўлдики, беморларни даволаш соҳасида [illegible]монлар етишмайди. Кўп болали оналарни даволаш ўрнига айрим ҳолларда уларга туғишдан сақланиш учун фин спиралидан фойдаланиш тавсия қилинмоқда. Ахир, бу зарур чора эмас-ку!

1987 йили республикамизда 286 минг кишининг сариқ касаллиги билан оғриганлиги қайд этилган бўлса, бу рақам 1988 йили 47 минг кишига кўпайган. Турли хил сабаблар билан майиб ва мажруҳ бўлганларнинг сони эса йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили 42 минг киши ишга яроқсиз бўлиб қолмоқда. Туғилаётган болаларнинг онг жиҳатидан заифлиги жиддий ташвиш туғдиради. Масалан, 1986 йили 4,5 минг кишининг ақлий жиҳатдан заиф эканлиги қайд этилган бўлса, бу рақам 1987 йили 8,2 мингга етган.

Бу кўнгилсиз натижалар асло бесабаб эмас. Бир пайтлар бутун дунёни ҳайратга солган жаннатмакон боғлар кескин камайиб, ерларимиз эса химикат «ганги»си бўлиб қолган. Тутунлар, чанглар гирдобига ўралган об-ҳавомиз-чи? Республикамиз ўзининг гўзал ва шифобахш табиати, ранг-баранг ва бой табиий ресурслари билан халқимизнинг тўқ ва бадавлат яшаши учун ҳеч ерда йўқ имкониятларга эга эди. Биз табиат берган мана шу инъомлардан бебаҳра яшаётганимизни ақлга сиғдириб бўлмайди.

Мен яқинда «Огонёк» журналида Ф. Николаевнинг мақоласини ўқиб қолдим. Унда араб мамлакатларидан бири бўлган Қувайтнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволи таҳлил қилинган. «Табиат бу юртга битмас-туганмас табиий бойликлар ато қилган, — деб ёзади журналист. — Кечаги кўчманчи араблар бугунги кунда туялар ўрнига «мерседес» машиналари минмоқдалар. Улар ўз бойликларини ҳуда-беҳудага совураётганлари йўқ. Қирқ йил давомида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлдим, лекин ҳеч қаерда келгуси авлодлар учун ажратилган махсус фондлар борлигини эшитганим йўқ. Қувайтдек мўъжаз бир мамлакатда эса нефтдан олинадиган даромаднинг ўн фоизи ҳар йили болалар фондига келиб тушмоқда. Аммо бу доллар ажнабий мамлакатларнинг банкларида «ўлик юк» бўлиб ётгани йўқ. Улар тинимсиз равишда фойда келтириб турибди».

ҚУВАЙТ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОННИ бир-бирига қиёс қилишнинг ҳожати бўлмаса керак. Аммо жумҳуриятимиз ўзининг фойдали қазилмалари, ширин-шарбат мевалари, тилласи, пилласи билан дунёнинг истаган мамлакати билан беллаша олади. Пахтачи? Пахта, бу — бизнинг дардларимиз, ҳасратларимиз, изтиробларимиз. Пахта муаммосини тўла ижобий ҳал қилмай туриб, юртимизнинг қаддини кўтариб бўлмайди. Агар деҳқоннинг ўзига қўйиб берилганида эди, бу хилдаги паст нархда у ҳеч қачон пахта экмаган бўлар эди. Яқинда наманганлик олим Баҳодир Камолов пахта учун сарф қилинган меҳнат билан бошқа тур қишлоқ хўжалик маҳсулотларига сарфланадиган меҳнатнинг фарқини ўрганиб чиқди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, бир килограмм пахтанинг нархи 2 сўм 50 тийиндан кам бўлмаслиги керак экан. Агар шу нархда пахта сотилса деҳқон бир гектардан 7,75 минг сўмлик маҳсулот етиштира олади. Бу ҳолда пахтакорнинг даромади ҳам 2—2,5 баробар кўпайган бўлур эди.

Тасаввуримиз аниқроқ бўлиши учун айрим фактларга мурожаат қилайлик. Дунё бозорида бир кило пахта толасининг нархи 1,2—1,5 доллар атрофида баҳоланади. Беш миллион тонна пахта эса 2,1—2,2 миллиард сўм соф даромад келтиради. Деҳқон, умуман жумҳуриятимиз бу даромадлардан ҳам манфаатдор бўлиши керак.

[illegible]диган ай[illegible]қдирини [illegible]

Пахта[illegible]рим маҳсу[illegible] ҳам жиддий [illegible]нинг пайти етиб [illegible]салан, шелухани с[illegible]райлик. Хўш, нима учу[illegible]луханинг ҳар бир тоннаси [illegible] сўмдан гидролиз заводларига сотилади. Аҳоли эса шелуханинг тоннасини юз сўмдан ҳам сотиб олишга тайёр. Шелуха муаммосининг ижобий равишда ҳал қилинмаслиги туфайли кўрадиган заримиз тахминан 120 миллион сўмни ташкил этади. Кунжара-чи? Чорвачилик муаммолари, айниқса, ем-хашак муаммоларини ҳал қилишнинг асосий омилларидан бири бўлган кунжарани бошқа регионларга арзон баҳода пуллашни бас қилиш керак. [illegible] тайёрлаб беради. Пилланинг нархи эса, шу кунга қадар турли республикаларда турлича. Масалан, Озарбойжонда бир кило пиллани нархи 25 сўм, Қозоғистонда 22 сўм, Украинада 28 сўм баҳоланса, Ўзбекистон 6—12 сўмдан сотади. Дунё бозорида эса пилланинг нархи янада юқори. Ўзбекистон ҳар йили 30000 тонна пилла етиштириб, давлат омборларига топширади. Аммо топширилган бу пиллалар келтирадиган наф ҳамин қадар.

Хўш, бу бойликлар Қувайтдек бир мўъжаз юртда бўлганида нима бўлар эди. Тасаввур қилиш мумкин. Тарихнинг ўйинини қарангки, ўзининг табиий иқлими, қазилма бойликлари, пахтаси, мева-чеваси билан бутун дунёни ҳайратга солган, ҳавасини қўзғаган ўлка бугунги кунга келиб, бошқа [illegible]ровларга ялиниб-ёлвориб, улардан қарз сўраб ўтирса!

Яқинда газеталаримиз 1991—1995 йилларда республикамиз территориясида қурилиши лозим бўлган саноат корхоналарининг рўйхатини эълон қилди. Бу рўйхат билан танишган одамнинг ҳайратланмай иложи йўқ. Негаки, рўйхатда тилга олинган корхоналарнинг кўпчилиги атроф-муҳитни ифлослайдиган корхоналар. Таажжуб! Ҳамма жойдан қувилаётган корхоналар, заводлар, бирлашмаларни Ўзбекистонга жойлаштириш мўлжалланибди. Масалан, оқсил-витамин бирикмалари ишлаб чиқариш корхонасини Бухорода қуриш режалаштирилган. Масаланинг моҳиятини тушунмаган одам бизнинг фикрларимизни қабул қилмаслиги мумкин. Гап шундаки, чет элларда аллақачон оқсил-витамин бирикмаларини ишлаб чиқаришдан воз кечилган. Олимларнинг фикрича, бу концентрат билан озиқланган ҳайвонлар тез семирар экан-у, аммо уларнинг гўшти серсув ва мазасиз бўлиб, , истеъмол қилган одамларда аллергия қўзғатар экан.

Бундай саноат корхоналарини қуришдан асосий мақсад ишсизликни тугатиш. Хўш, қанча одам иш билан таъминланади? Баҳодир Камоловнинг ёзишича, биргина Наманган областида ҳозирги кунда 203 минг ишсиз бор, шундан 40 мингдан ошиқроғи ёш йигит-қизлардир. Мўлжалланган корхоналар қурилган тақдирда эса бор-йўғи 500 мингга яқин киши иш билан таъминланади, холос. Республикамизда эса 1 миллиондан кўпроқ ишсиз бор. Шунга қарамай, бу корхоналарнинг 10 фоизчасини ишсизлик даражаси кам бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент областида қуриш мўлжалланган. Бу ҳодисанинг сабаби нима? Яна четдан ишга одам жалб қилиш эмасми?

Рўйхатда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти керагу-нокерак корхоналар анчагина. Лекин маҳсулоти ўта камёб бўлган корхоналарга эътибор берилмаган, ҳатто хомашёси ўзимизда бўлса ҳам. Мисол учун Тўрақўрғон қуруқ мева заводи маҳсулоти анқонинг уруғи. Бундай корхоналар эса рўйхатдан ўрин олмай қолган. Ҳолбуки ҳозир Иттифоқимиз йилига 100 миллион сўмлик қуруқ мевани чет элдан сотиб олмоқда. Оддий томатни олинг. Уни 9 килограммлик катта идишларда чиқариб, чет элларга арзонгина сотамиз. У ёқда эса уни кичик идишларга жойлаб 5—10 баробар қимматига сотишади. Нима учун бу ишни ўзимизда амалга оширолмаймиз?

Мени яна бир муаммо жиддий ўйлантиради. Бу давлат томонидан қуриладиган уй-жойлар масаласи. Ҳукумат 2000 йилгача ҳар бир оилани уйли қилиш режасини илгари сурмоқда. Менимча бу муаммони ҳаммага уй-жой қуриб бериш йўли билан ҳал этмаслик керак. Давлат ҳар бир оиланинг уй-жой қуришига кўмаклашиши керак. Ер, қурилиш материали, лойиҳа ва ҳоказо ёрдамлар билан. Бу, биринчидан, социал адолатни тиклайди. Чунки баъзилар меҳнат ҳам, маблағ ҳам сарфламай тайёр уйга эга бўлмоқдалар. Баъзилар эса, булар жуда кўпчилик, ҳам меҳнати, ҳам ўз маблағлари [illegible]собига, болаларига едир[illegible]ирмай уй-жой қу[illegible] зиммаларига ол[illegible] Айниқса, йирик [illegible]нг бошқа жой[illegible] мо[illegible]учи жалб корхо[illegible]малга оши[illegible]лардан и[illegible]арини бас этиш мақсад[illegible]раётган қурили[illegible]КО[illegible] қилиш керак.

ДАВЛАТ ВА [illegible]**НАЛАР** ҳисобида[illegible] қуришга миллиардлаб с[illegible] сарфланмоқда. Бу маблағни зарур саноат корхоналари қурилиши, пахта хомашёси ва мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш учун сарфлаш ке[illegible] асосан қишлоқларда эканлигини ҳисобга олсак, уни тугатишнинг бирдан-бир йўли ерни қишлоқ хўжалигида ишлашни хоҳловчиларга тенг бўлиб бериш, фермер хўжаликларини вужудга келтиришдир.

Биз хоҳ маънавият, хоҳ мафкура, хоҳ иқтисод ҳақида фикр юритмайлик, барибир, экологик муаммоларни четлаб ўтолмаймиз. Чунки ҳаётимизнинг барча томонлари экология билан чамбарчас боғлиқ. Гап еримизни, сувимизни, ҳавомизни бузаётган, одамларни касал қилаётган заҳарли дорилар хусусида бормоқда.

Ҳозир «Узсельхозхимия» омборларида 5,3 минг тонна яроқсиз заҳарли химикатлар сақланмоқда. Уларнинг 2,8 минг тоннасини бутифос ташкил этади. Пестицидлардан фойдаланишни секин-аста қисқартириш масаласи кун тартибида турган бир пайтда, «Узсельхозхимия» 1989 йили олдинги йилларга нисбатан 20 фоиз кўп пестицидларни ишлатиш учун ҳаракат қилди. Ҳозир қишлоқ хўжалигида пестицидларнинг 80дан ортиқ тури кенг қўлланилмоқда. Минг афсуски қўлланилаётган пестицидлар устидан тўла назорат ўрнатилгани йўқ. Уларнинг атиги 14 хили лаборатория шароитида текшириб кўрилмоқда, холос.

1984 йилнинг 3 майида СССР Министрлар Советининг, орадан бир ой ўтар-ўтмас республика ҳукуматининг қарорлари эълон қилинди. Ҳар иккала қарорда ҳам заҳарли дориларни ва чиқиндиларни рўйхатга олиш ва шу асосда уларни эҳтиёт қилиб сақлаш масаласи жиддий қилиб қўйилган эди. Афсуски, ҳар иккала қарор ҳам қоғозда қолиб кетди ва узоқ йиллар давомида бу масъулиятли иш билан ҳеч ким астойдил шуғуллангани йўқ.

Шу ўринда СССР соғлиқни сақлаш министрлигининг 1989 йил 17 майида қабул қилган қарорини тилга олиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. СССР Давлат Бош санитар врачи А. И. Кондрусевнинг имзоси билан эълон қилинган бу қарорда пестицидлардан фойдаланиш масаласига бир қанча аниқликлар киритилган. «Текширишнинг натижалари асосида айтиш мумкинки, — дейилади қарорда, — аҳоли истеъмол қиладиган маҳсулотларнинг таркибида пестицидларнинг миқдори тобора ошиб бормоқда. Масалан, биргина Ўзбекистонда бу ҳодиса (1989 йили) олдинги йилларга нисбатан 26 фоиз ошди».

Қарорда айтилишича, 1989 йилнинг 1 июлидан бошлаб бинолари санитария ва гигиена талабларига жавоб бермайдиган хўжаликларга пестицидларни бермаслик кўзда тутилган. 1990 йилнинг 1 январидан бошлаб сув манбалари ва аҳоли яшаш жойларини муҳофазаловчи ҳимоя зонаси бўлмаган омборхоналарни қуришга рухсат бермаслик масаласи ҳам қатъий қилиб қўйилган. Аммо шунга қарамай, олти миллион сўмлик бутифос айрим бюрократ раҳбарларнинг айби билан ҳамон очиқ ҳавода сақланмоқда. Хўш, мабодо сув тошқини ёки зилзила рўй берса нима бўлади? Бу саволларга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмайди. Лекин кимдир жавоб бериши керак-ку, ахир!

Шу муносабат билан «Медицинская газета»нинг шу йил 18 январь сонида эълон қилинган мақоладан қуйидаги сўзларни айнан келтирмоқчиман: «Тақиқланган заҳарли дориларни йўқ қилиш масаласи барчани ташвишга солмоқда. Лекин бу муаммони шу кунга қадар на илм, на химия саноати министрлиги, на агросаноат бирлашмалари — биронтаси ҳал қила олганларича йўқ. Заҳарли дорилар сақланаётган бинолардан ҳеч бири санитария ва гигиена талабларига жавоб бермайди. Буниси ҳам майли. Бу дориларнинг ярмидан кўпи бевосита аҳоли зич яшайдиган жойлар яқинида сақланмоқда.»

СССР соғлиқни сақлаш министрлигининг бу ташвиши бежиз эмас. Гербицидлар ва пестицидлар туфайли 180-га яқин ҳайвон тури қирилиб битиш арафасида турибди. Инсон аъзолари ҳам бу офатлардан озмунча зарар кўраётгани йўқ. Сўнгги пайтда медиклар заҳарли дориларнинг ҳиссий аъзоларга салбий таъсирини ҳам рўй-рост айтмоқдалар.

Фарғона областининг Риштон районига қарашли «Фарғона» совхозида одатдан ташқари воқеа рўй берди. Совхознинг тўртинчи бригадасига қарашли эски омборхона тозаланаётган пайтида фентиурам препарати билан ишланган уруғли чигитнинг қолдиқлари топилган. Омборхонани тозалаш ишларида қатнашган йигирма тўрт [illegible]нинг ҳаммаси заҳарлан[illegible] Уларнинг иккитаси эса а[illegible]ладор бўлган...

[illegible]ган. [illegible]УНГА ЎХШАШ МИ[illegible] ҳоми[illegible] жамоат[illegible] мавжуд кимёвий моддалардан фойдаланишни тартибга солиш, уни кескин камайтириш устида ташвиш чекиб турган бир пайтда янги, янада заҳарли моддаларни жорий этишга уриниш ҳоллари тўхтамаганлиги ҳам ажабланарлидир. Бу «бухлофос» препаратини оммавий қўллашга уринишда намоён бўлмоқда. Аслида бухлофоснинг таркибида 90—92 фоиз бутифос хусусиятлари борлигини айтишнинг ўзи кифоя. Қисқаси, бутифоснинг укаси. Лекин шунга қарамай Фитопатология институти ва Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бу модда ғўза баргини тўкишда ишлатилишини ҳимоя қилиб чиқмоқда. Ҳолбуки, бутифос сингари кучли заҳарли моддалар аллақачон халқимиз саломатлигида қолдирган асоратлар ҳаммага маълум. Қорақалпоғистон, Хоразм, Қизил Ўрда, Тошовуз областларида истиқомат қилаётган аёлларнинг ёппасига анемия (камқонлилик) касаллигидан азият чекаётганлиги, саломатлиги ва жисмоний заифлиги туфайли ўзбек ёшларининг ҳарбий хизмат бурчини қурилиш батальонларида ўтаб келаётганлиги мана шу асоратлар билан чамбарчас боғлиқ. Космонавт В. Жонибековнинг ёзишича «Космонавтлар орасида биронта ҳам ўзбек йўқ, чунки уларнинг саломатлиги фазогирлар учун қўйилган талабларга мутлақо жавоб бермайди». Шу мулоҳазаларнинг ўзи бизга қатъий огоҳлантириш эмасми?!

Истайсизми-йўқми, бу муаммолар халқимизнинг миллий ўз-ўзини англаш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Чунки бутун бир халқнинг саломатлиги масаласи — бу аслида халқнинг, миллатнинг тақдири масаласидир. Халқ, миллат тақдири учун куйинганларни эса бюрократ-амалдорлар, тартиб-интизом жонкуярлари, уларни жиловлаш учун, миллатчиликда айблаб келдилар. Ҳолбуки, миллатчилик билан миллат тақдири учун куйинишнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бу тушунча қориштириб юборилгани учун ҳам кўпчилик мутахассислар, олимлар миллий ғурур ҳақида гапиришдан, ёзишдан хавфланар, миллатларнинг нормал мавжуд бўлиши, яшаши учун зарур нарсаларни тадқиқ қилишдан қочар эдилар. Шу важдан миллий ғурур қаерда тугайди-ю, миллатчилик илдизлари қаердан бошланиши масаласига ҳам аниқлик киритишнинг ўзи муаммо бўлиб қолди. Натижада одамлар «интернационал бирлик» деб номланувчи тушунчага ҳам ишонмай қўйдилар. Ваҳоланки, жидд роқ ўйлаб кўрилса, мил ўзига хосликсиз, мил бирликсиз интернацио бирликнинг бўлиши а мумкин эмас.

Албатта, миллатлар муносабатлар, интернацио бирлик, ҳамкорлик ҳақ бир эмас, ўнлаб китобл юзлаб мақолалар ёзил Уларда миллатлараро носабатларнинг умумий монлари умумий тарзда ба қилинар, охир-оқибат бар миллатлар бирлашиб, яго бир тил пайдо бўлади, дег тумтароқ хулоса бил якунланар эди. Натижада миллий тилларнинг ўзи хослиги, на миллий мадан ятларнинг ўзига хос тари жиддий таҳлил қилинди.

Ўзини баралла байналм лалчи деб эълон қилга бюрократлар ўрта мактабла нинг 9—10 синфлари пр граммасидан ўзбек тили да сини чиқариб ташладила Республика маданият ин титутининг ўзбек тили к федрасини ёпиб қўйдила Яхшиям энди бу хатони т затиш чора-тадбирлари кў рилмоқда. Мавриди келга да эслатиб ўтиш лозимк ўқитиш рус тилида олиб бо рилувчи мактабларда ҳа аҳвол шу тарзда. Бу қанда тилсиз маданият бўлди? Рес публика рус тили ва адабиё ти институтида ҳам таржи монлар курсига барҳам бе рилди. Таржимадан аълоро интернационал алоқаларн мустаҳкамлашга хизмат қилувчи восита борми?

Ўрта мактабларда ва ҳатто олий ўқув юртларида Ўзбекистон ССР тарихини ўқитиш масаласига ҳамон бир ёқлама ёндашувлар ўз кучида турибди. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти тарих ва жамиятшунослик лабораториясининг мудири, педагогика фанлари кандидати Н. Ремеевнинг айтишича, «Ўзбекистон ССР тарихи»ни ўқитиш учун жами 50 соат вақт ажратилган. Шундан 6 соати СССР тарихи дарслиги таркибида ўқитилади, қолган 34 соат дарс 7—10 синфлар бўйича қуйидагича тақсимланган: 7-синфда — 8 со[illegible] 8-синфда — 3 соат, 9[illegible] — 17 соат, 10[illegible] синф[illegible]ат. Бу ман[illegible]да — 6 назар [illegible]ага чуқурроқ ҳам, [illegible]шласангиз, фанга [illegible]қувчиларга ҳам раҳ[illegible] келади. Нега? Фан[illegible] ўзбек халқининг ўз тарихи деярли унутиб юборилган. Ўқувчиларга келганда эса, биз она-Ватан тарихини билмайдиган манқуртларни тайёрламаяпмизми, дея ташвишга тушмасдан илож йўқ. Чунки 7- синфда Ўзбекистон территориясида ибтидоий жамоа ва қулдорлик тузумидан то Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёни эгаллашигача бўлган неча минг йиллик тарихимизни кўпи билан 8 соатда ўқиб-ўзлаштириш керак. Ёки бўлмаса XVII — XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган 2—3 асрлик тарихий воқеаларни бор-йўғи 3 соатда ўрганиш керак. Бунга нима дейсиз? 9 — 10 синфларда эса аҳвол бундан ҳам ёмон.

Мен Москвада Болтиқбўйи республикаларида тарих ўқитиш муаммоларига бағишланган кўп анжуманларда иштирок этганман. Болтиқбўйи республикалари 7 — 10 синфлардаги ўлка тарихини ўрганишга энг ками билан 100 — 150 соат дарс ажратганлар. Хўш, нима учун шу хилдаги эзгу ишларни бизнинг жумҳуриятимизда ҳам амалга ошириш мумкин эмас? Мумкин. Бунинг учун фақат бир нарсага — эски стреотиплар асосида ишлашга чек қўйишимиз керак. Қайси соҳада: халқ таълими министрлигидами, маданият жабҳасидами ёки, айтайлик, қишлоқ хўжалиги соҳасидами, меҳнат қилишимиздан қатъий назар, узоқ йиллар давомида ўрганиб келинган юқоридан кўрсатма кутиб ишлаш услубидан воз кечишимиз керак. Бундай иш услуби якка мафкурачиликдан қолган асоратлардир. Шу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Каримовнинг «Янгиланиш нишоналари» мавзуидаги суҳбатида айтилган ушбу фикрларни эслаш кифоя:

«Ҳар бир миллат ва элат, сони ва мавқеидан қатъи назар, ўз анъаналарига, тилига ва маданиятига иложи борича кўпроқ ҳурмат ва эътибор билан қарашни талаб этишини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Агар биз ўзимизни ақл-идрокли кишилар деб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда мана шу оддий ҳақиқатни аввалроқ пайқашимиз лозим эди».

МАНА ШУ АВВАЛДАН пайқалмаган, тўғрироғи, яккамафкура услубида иш олиб бориш натижасида ўйлаб кўришга, ҳал этишга журъат этилмаган муаммолар йиғилиб асоратга айланди. Оқибатда халқнинг маънавият дарёлари саёз тортди.

Бу дарёнинг қайта жўш урмоғи бугун халқнинг ўз қўлида. Халқ инон-ихтиёрини ишониб топширган фар

ҲАЗИНАЛАР ОЛАМИДА НИМА ГАП?

Ошкоралик замони китоб ва китобхонликка доир маълумотларга ҳам аниқлик киритди. Бизда китоблар кўп ва хўб нашр этилади, адабий эҳтиёж тўла қондирилади, биз энг кўп ўқийдиган мамлакатимиз, деган гаплар ҳақиқатдан анча узоқда экан. Аслида-чи? Ҳозирча китобга бўлган талабнинг ярми бажарилмоқда. Жон бошига қоғоз ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 42-ўринни маҳкам ушлаб турибмиз. Китоб танқислиги бадиий адабиётгагина эмас, дарсликлар, луғатлар, турли маълумотномалар, илмий-техник ахборот тўпламларига ҳам тааллуқли. Полиграфия саноатида жиддий ўзгаришлар юз бераётгани йўқ. Босмахоналарнинг аҳволи оғир...

Китобхонларнинг Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтган IV съезди аҳволни танқидий таҳлил қилиш, кўнгилли жамият фаолиятини қайта қуриш талаблари асосида янада кучайтириш руҳида ўтди. Китобхонлар Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти марказий правлениесининг раиси, академик И. В. Петрянов-Соколовнинг ҳисобот доклади аввалги тантанавор анъаналарга ўхшамади. Нотиқ бажарилган ишларни санаш, ўтказилган тадбирлар рўйхатини эълон қилиш ўрнига гапни энг дардли жойдан бошлади-қўйди.

— Ёшларнинг китобга бўлган муносабати ёмон, — деди у залга мурожаат этиб. — Улар китоб ўқимай қўйишди. Ёшлигида китоб мутолаа қилмаган, китоб саҳифаларидаги бебаҳо бойликлардан баҳраманд бўлмаган бадиий тафаккур зиёсидан руҳланмаган кишиларнинг келгусида юксак фазилат эгалари бўлиб етишуви қийин.

Бунинг боиси нимада? Съезд қатнашчиларининг умумий фикрига кўра, биз энг аввало китоб маданиятимизнинг пастлигини тан олишимиз лозим. Китобга бўлган муносабат жамиятдаги ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Шоир Е. Евтушенко таъбири билан айтганда, «Яхши китобларнинг етишмаслиги оқибатда яхши одамлар [illegible]игига олиб келади». [illegible] ураяпти[illegible] биз фақат [illegible] йиллар давомида [illegible]тоб — китобхон — [illegible]изиғи эътибордан [illegible]либ кетди. Кичик [illegible]иқ тўғрисидаги эсдаликлар «ҳаёт дарсликлари», «келажак қўлланмалари» деб эълон қилинди, ҳақиқий дарсликлар, қўлланмаларнинг йўлига эса тош бостирилди. Ёшлар орасидаги бугунги беқарорлик, бош-бошдоқликнинг сабаблари ҳам шунда эмасмикан?!

Ноширларнинг заҳматли меҳнатларини эътироф этган ҳолда, айтиш мумкинки, бу хайрли ишнинг кўпгина жиҳатлари юқоридан белгиланаётган «қатъий план»га боғлиқ бўлиб қолмоқда, боз устига нашриётларнинг даромад топшириқлари тўхтовсиз ўсмоқда (ўзимизда яқинда ташкил этилган «Юлдузча» нашриётининг молиявий мажбуриятлари бунга мисол бўла олади). Планни бажариш мақсадида ноширлар китоб баҳосини сунъий равишда оширмоқдалар. (Ноширлик фаолиятим мисолида айтишим мумкинки, бунинг йўллари айниқса кўп.) Мазмун, шакл, полиграфик ижро ўзгаришсиз қолаётгани ҳолда нарх-наво фалакка бўй чўзмоқда.

Китобхонлар анжуманининг ҳамма тафсилотларини келтириб ўтириш шарт эмас. Аммо куюнчаклик билан ўртага ташланган кўп масалалар борки, улар сиз билан бизга ҳам тегишли. Жумладан, мамлакат миқёсида, хусусан Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда шахсий кутубхоналар сони ошиб бормоқда. Минг-минглаб кишилар бу хазиналардан баҳраманд бўлмоқдалар. Аммо бизда ва чет элларда чоп этилган энг нодир нашрларни ғайриқонуний имтиёзлар бил[illegible] қўлга киритаётган, ул[illegible] безак, жиҳоз сифати[illegible]лаётганлар оз эмас. [illegible] делегати Абдуна[illegible] [illegible]евнинг фикри[illegible] китобларни [illegible] да турсин[illegible] ларига Таассу[illegible] дира кенг [illegible] [illegible]евнинг ш[illegible] насидаги к[illegible] лақачон 10 [illegible] ошиб кетган [illegible] ги ҳамки[illegible] миша [illegible] хона[illegible] [illegible] янги бинога кўчиб ў[illegible] ҳамюртларимиз — И[illegible] [illegible]аюмова, Аҳмаджон Ту[illegible] [illegible]нинг шахсий кутубх[illegible] да [illegible] тўғрисида ҳам шу[illegible] сунок[illegible]иқ сўзларни айти[illegible] налари [illegible] дай [illegible] муаммо бу мумкин[illegible]

кутубхоналар масаласи. Съезд делегатлари кўпчилик кутубхоналар пастқам, зах, тор, нурай бошлаган эски иморатларга жойлашганлигини ачиниб гапирдилар. Инсоннинг социал-маиший эҳтиёжлари сари юз бурилган бугунги кунда кутубхоналар, ўқув заллари, қироатхоналар қуриш мутасаддиларнинг диққат-эътиборида бўлмоғи лозим. Аммо бу гап ҳамон орзулигича қолиб кетмоқда. Тошкентда республикамизнинг бош кутубхонаси қачон қуриб битказилади, пойтахт областининг бош кутубхонаси қачон қурилади, область, шаҳар, район марказларида замонавий жиҳозланган қироатхоналар қачон ишга тушади — бу саволларга ҳамон аниқ жавоб йўқ. Ёзувчилар уюшмасининг нашриёти марказқўмда айтилганидек, 1990 йилдан иш бошлаши керак эди. Йил якунланишига эса ҳеч қанча вақт қолмади...

Съездда ўзбекистонлик делегатлар номидан республика «Китобхон» жамиятининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом сўзга чиқиб жамият иши[illegible] яхшилаш, иқтисодий б[illegible]ни мустаҳкамлаш[illegible] ўринли таклифла[illegible] Матбуот [illegible] га ташлади. СС[illegible] янги давлат комите[illegible]нинг чи[illegible] раиси Н. И[illegible] ме[illegible]да қо[illegible]иши эса [illegible] қолдир[illegible] ришиқ б[illegible] чўзилган ди. Ан[illegible] на[illegible]ҳат бир оҳан[illegible] делегатлар[illegible] [illegible] чапак[illegible] билан бўлиниб турди. Нотиқ ўзи[illegible] берилган кўп саволлар[illegible] баҳоли қудрат жавоб [illegible]тарар экан, «Атом[illegible] айни пайтда энг издат» ишлаётган нашриёт яхш[illegible]ида тилга олди. Океан[illegible] икки ёғида ракеталар[illegible] майдалашаётган бир [illegible]йтда ноширларни «Атомиздат»дан ўрнак олишга даъват этишди. Эҳтимол, бу коллективнинг ташкилотчилик [illegible] чиндан ҳам диққатга [illegible]зовордир. Аммо ноширчили[illegible]мизнинг, китоб маданиятимизнинг бутун аҳволи бе[illegible]сита боғлиқ бўлган Давлат матбуот комитети ўз ишини қайта қуришга киришилмаётгани ҳам факт. Қайта қуриш бу идора эшикларига бош суқмас экан, китобхонларнинг, яъни сиз билан бизнинг кўпгина орзуларимиз орзулигича қолиб кетаверади.

А. МЕЛИБОЕВ

МИЛЛИЙЛИК НАФАСИ

«Ўзбекфильм» киностудиясининг дубляж бўлими ҳақи- батафсил ёзишнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлай- из. Чунки бу бўлим фаолияти бир неча йиллардан буён ттифоқ миқёсида юқори баҳоланиб келинади. Тил, мил- ий маданият, маънавият, анъана ва урф-одатлар масала- кун тартибида турган бир пайтда, шубҳасиз, дубляжнинг ҳам ўзига яраша вазифалари ҳамда муаммолари ярқ тиб кўзга ташланиб қолди. Дубляж бўлимининг бош му- аррири, таниқли киношунос Баҳодир МУҲАМЕДОВ илан суҳбатимиз ана шу хусусда бўлди.

— Баҳодир ака, аввало, шу нгача кенг муҳокама қилиб линаётган тил хусусидаги асалага муносабатингизни илмоқчи эдик.

— Бир нарса мени ажаблан- ради. Умуман, нега энди ўз- ек тилига давлат тили мақо- и берилишини муҳокама қи- иб ўтиришимиз керак. Наза- имда, бундай муҳокамага рин йўқ. Чунки халқ, миллат ўлиши учун биринчи навбат- а тил бўлиши шарт экан, ўз на тилида гапириш, эркин улоқотда бўлиш, давлат иш- арини олиб бориш ҳар бир иллатнинг қонуний ҳақи. Шун- ан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекфильм» киноларининг убляж қилинишига мутлақо аршиман. Гуржистон, Болтиқ- бўйи киносанъатининг асосий отуғи ҳам уларнинг фильм- ларни ўз она тилларида сурат- а олишларида. Нима, бизда шундай қилиб бўлмайдими? Албатта, бўлади. Баъзан рус актёрлари қандай қилиб ўзбекча гапирадилар, дейишади. Биринчидан, ўз кадрларимиздан унумли фойдаланиш йўлларини излашимиз керак. Иккинчидан, масалан, француз ва итальян актёрлари ҳамкорликда фильмларда суратга тушишларини ўйлаб кўрайлик. Бундай актёрларни махсус тайёрлайдилар, яъни маълум муддат улар таржимонлар билан машғулот ўтказадилар, тил ўрганадилар. Шундай экан, нима учун ўзбек актёри рус тилида сўзлаши керак? Агар, шу тилни мукаммал билмайдиган актёр бўлса, нима бўлади? У текст ҳақида ўйлайдими ёки роль ҳақида ўйлайдими?

Тўғри, ҳозир бу масалага бирмунча ижобий ёндашиб, деярли барча фильмларни ўзбек тилида топширишга ҳаракат қилиняпти. Лекин бу ҳали етарли эмас. Мен бу билан ўзбек киноси фақат ўз қобиғига ўралашиб қолиши керак, демоқчи эмасман. Зеро, фильмлар ўзимиз учунгина эмас, Бутуниттиф[illegible]рои жаҳон экранларига чи[illegible] халқи мўлжаллаб яратилад[illegible] яққол сез[illegible]ир, ҳар қан- керак. Тил эса бун[illegible] киномизда воситаларидан бириди[illegible] миллий мазкур газета саҳиф[illegible]уриши А. Жўраевнинг «Яхшидур[illegible] аччиқ ҳақиқат» мақоласи муносабати билан бошланган миллий кино ҳақидаги мунозара қизғин давом этаяпти. Афсуски, унда таниқли киношуносларнинг қатнашмаётганлигини тўғри деб бўлмайди. Мунозара қатнашчилари қайта-қайта таъкидлаганидек, ҳар бир республика кинематографияси том маънода миллий бўлгандагина совет киноси ўз номи билан байналмилал бўла олади.

— Миллий кинонинг етук намуналари яратилиши, аввало, режиссёрларга боғлиқ. Шу хусусда нима дейсиз?

— Республикамиздан Бутуниттифоқ кинематография институтига борган талабалар 5 йил давомида кўпроқ ғарб фильмларини кўриб, таҳлил қиладилар. Айтайлик, Бергман, Феллини, Антониони асарларини. Лекин уларнинг асарлари том маънода миллий бўлгани учун қадрли. Демак, улар ғарбдан тўғридан-тўғри эмас, ижодий андоза олишлари мақсадга мувофиқ!

Кези келганда, аччиқ ҳақиқатни очиқ айтиш керак деб ўйлайман. Бизнинг режиссёрларимиз ўзбек халқи ҳаётини яхши билмайдилар, ўзбек ёзувчиларининг асарларини, деярли ўқимайдилар. Ўртада яна бир нозик масала бор. Республикамиздан борган талабалар, албатта, у ерда турли миллат вакиллари билан бирга ўқийдилар, дўст тутинадилар. Кейин эса, фаолият бошлангач, ошна-оғайнигарчилик таниш-билишчилик қиладилар-да, истаган миллат вакили, айтайлик, москвалик сценарийчиларнинг асари асосида фильм оладилар. Бундай «ҳамкорлик» қандай самараларга олиб келаётганини ҳаёт кўрсатиб турибди. Шу ўринда, ҳеч бўлмаса, ён қўшнимиз «Қирғизфильм» кинематографчилари ижоди ўзбек киночиларига сабоқ бўлиши керак.

— Энди бевосита дубляж бўлими фаолиятига тўхталсак. Бизни, биринчи навбатда, фильм танлаш масаласи қизиқтиради.

— Асосан, ўзбек томошабинлари дидига мос асарни танлашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун бизда алоҳида комиссия фаолият кўрсатиб турибди. Бир йилда қардош республикаларда ишланган 60та фильмни ўзбек тилига ўгирамиз. Улар орасида мультфильмлар ҳам бор.

—Кечирасиз, сўзингизни бўлдим. Телевидениемиз орқали деярли ўзбекча мультфильмлар берилмайди. Ахир, жажжи фарзандларимиз ўзлари севган бу томошани она тилларида кўрсалар, шодликлари бундан ҳам ортарди.

— Жуда тўғри. Агар республика телевидениеси орқали ўзбекча мультфильмлар деярли кўрсатилмас экан, бунда бизнинг айбимиз йўқ. Қолаверса, ўзимизда ишланаётган мультфильмларни дубляж қилаётганимизга нима дейсиз? Ҳар ҳолда бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсак, ёмон бўлмасди. Кези келганда, яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим, деб биламан. Бир пайтлар телевидениеда дубляж группаси бор эди. Назаримда, кинокўрсатувлар редакциясида қайтадан шундай группа ташкил этиш керак. Чунки, бизда ҳужжатли ва телевизион фильмлар кўплаб суратга олинади. Улар кинoредакцияга келади. Иложи борича, шундай фильмларни ўзбекчага ўгириш зарур. Ана шунда ўзбекча кўрсатувлар орасида рус тилидаги кадрлар ҳам аралашиб юрмасди.

Шу ўринда фильмларни танлаш масаласига яна бир бор қайтсак. Очиғини айтганда, биз кино танлашга жуда қийналамиз. Гап шундаки, кундан кунга халқимиз ҳаёти ур[illegible]ан одатига тўғри келмайди[illegible]бор- беҳаё фильмлар кўпайиб [illegible]улиб, [illegible]. М[illegible]ьмларини прокатга сотиш, яъни тезда пуллаш мақсадида очиқдан-очиқ фаҳш саҳналарини тиқиштирмоқдалар. Ҳатто бизда ҳам шундай «анъана» пайдо бўлди. Қамара Камолованинг «Ёввойи», Шуҳрат Аббосовнинг «Катта урушдаги кичик одам» фильмларида ана шундай сохта саҳналар бор. Уларни олиб ташласангиз, фильм ҳеч қандай зарар кўрмайди. Хўш, прокатга сотиш учун фаҳш саҳналарни қўшиш шартми? Агар фильм зўр бўлса, шусиз ҳам томошабин яхши қабул қилиши маълум-ку! Сергей Бондарчукнинг «Инсон тақдири»ни, Григорий Чухрайнинг «Турналар учганда» фильмларини ёки совет киносининг шоҳ асарларини эсланг.

Умуман, мен санъатнинг (кинони, театрни) хўжалик ҳисобига ўтказилишига қаршиман. Санъатни давлатнинг ўзи пул билан таъминлаши керак.

—Баҳодир ака, ўзингизга ҳам маълум, бизнинг томошабинлар ҳинд фильмларини севиб томоша қиладилар...

— Тушундим. Ва шундай саволни кутган эдим. Дубляж бу борада қандай ишлар қиляпти, демоқчисиз-да. Ҳинд фильмларини ўгиришга киришяпмиз. Бир неча картинага буюртма берганмиз. Лекин, бу масалада битта тўсиқ бор. Иттифоқ кинопрокати бироз қаршилик қиляпти. Очиғи, ҳинд кинолари учун ортиқча пул сўраяпти. Улар билишмайдики, ҳинд кинолари бизда ўша ортиқча пуллардан ҳам катта фойда келтиради. Чунки халқимиз уларни қайта-қайта кўришдан зерикмайди. Демак, кинода эскича иш услуби — марказдан тазйиқ ўтказиш ҳали тугагани йўқ. Қайси фильмни таржима қилиш бизнинг ихтиёримизга қўйилиши керак.

Бундан буён ҳинд фильмлари дубляжига, иложи борича, шу тилни биладиган таржимонларни жалб этмоқчимиз. Бевосита таржимага нима етсин!

—Гап ўз-ўзидан таржимонлар масаласига келиб тўхталди. Айтинг-чи, бу масала бугунги кунда қай аҳволда! Умуман, дубляж коллективи ҳақида гапириб берсангиз.

— Дубляжнинг мураккаб томонларидан бири шундаки, ҳамма ҳам таржима қилавермайди. Эркин таржимага ўрин йўқ. Чунки кинонинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шу маънода кино санъатидан хабардор таржимонлар танлашга ҳаракат қиламиз. Биз ҳозир бўлимдаги муҳаррирларнинг ўзларига кўпроқ таржима қилдиряпмиз. Албатта, бу забардаст таржимонлардан воз кечиш дегани эмас. Қодир Мирмуҳамедов, Низом Комилов, Ҳасан Тўрабеков, Ғани Расулов, Миад Ҳакимов каби таржимонлар, Шарофат Қўшбоева, Эркин Абдуллаев, Санъат Йўлдошева, Маҳсума Раҳматуллаева каби муҳаррирлар меҳнатидан мамнунмиз.

Шунингдек, дубляж режиссурасининг ҳам ўзига хос томонлари бор. Бошқа режиссёрлар бу вазифани бажаролмайдилар. Бугунги кунда Мирғиёс Соатов, Мукамбар Раҳимова, Камолиддин Усмонов, Йўлдош Абдукаримов каби режиссёрларимиз самарали ижод қилмоқдалар. Ҳозир дубляжга кўпроқ ёш актёрларни таклиф этишга ҳаракат қиляпмиз. Албатта, шу вақтга қадар дубляж устаси сифатида танилиб келган санъаткорларни ҳам унутаётганимиз йўқ. Маълумки, марҳум Ҳамза Умаров ҳамда Воҳид Қодиров, Обид Юнусов, Тўлқин Тожиев, Римма Аҳмедова каби актёрлар аллақачон дубляжда ўз мактабларини яратиб қўйганлар. Биз янги авлод орасидан ҳам ана шундай санъаткорлар кўплаб етишишини истаймиз.

—Дубляж қилинган фильмлар экранларда кетиши бугуннинг талабига жавоб берадими?

— Тўғриси, барча кинотеатрлар дубляж фильмларини бирдек намойиш этяптилар, деб бўлмайди. Умуман эса, республикамиздаги, пойтахтимиздаги ҳамма кинотеатрларда ўзбек тилидаги фильмлар намойиш қилиниши керак. Бу — замон талаби. Шунингдек, область кинопрокатлари ходимлари дубляж фильмларни тарғиб қилишда ёрдам бе[illegible]лари лозим.

— Яна қандай муа[illegible]такларингиз бор!

— Шу кунга[illegible] фильмларини [illegible]и- лан бароб[illegible]бажаролмасдик[illegible] кечикардик. Яқин[illegible]инолаборатория иш[illegible] билан бу муаммо б[illegible]тилади, деб ўйлай[illegible]езерв кадрлар тайёр[illegible] масаласига жиддий эътибор беряпмиз. Университетнинг журналистика факультетидан практикантлар қабул қилмоқчиман. Ўзбек дубляжи сифат жиҳатидан Иттифоқда биринчи ўринда. Лекин бизда жаҳон киносанъатининг энг сара асарларини дубляж қилиш имконияти чекланган. Бу, юқорида айтганимдек, марказлаштириш оқибатидир. Менингча, ҳар бир дубляж устахонаси мустақил бўлиб, танлаш ҳуқуқи унинг ўзига берилиши керак.

Республикамизда ҳужжатли фильмлар ўзбек тилида яратилиши лозим. Бизда эса, Иттифоқ миқёсидаги энг яхши ҳужжатли лентларни ўзбек тилига ўгириш йўлга қўйилиши керак. Бизнинг ишимиз фақат фойда келтирадиган эмас, томошабинларга манзур бўладиган фильмларни дубляж қилишдир,

Суҳбатни Гулчеҳра
УМАРОВА олиб борди



БИР СУРАТ ШАРҲИ

Ўзбекнинг ўзига ўхшаб, унинг ўйинлари ҳам гоҳ шижоатли, гоҳ жўшқин бўлади. Бошидаги ола дўппи, эгнидаги беқасам тўн, белидаги шокилали атлас белбоғ, оёғидаги ярақлаган хиром этик ҳар сафар гурсиллаганда рақсоснинг завқига завқ қўшилади. Аму каби жўшмаса, Сирдарёдай тошмаса, Зарафшондай пишқирмаса, ўзбек рақсга тушгандай бўлмайди. Ўйини қовушмайди. Қовушмаган ўйинни эса халқимиз ёқтирмайди...

Ушбу суратда ниҳоятда қайнаб, катта маҳорат билан ўйин тушаётганлар даврасининг биринчи қаторидаги йигитни дарҳол танидингиз. Шундайми!.. Ҳа, у Ўзбекистон ССР халқ артисти Ботир Зокиров!

Уни фақат республикамиздагина, Иттифоқимиздагина эмас, балки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида яхши танишарди ва севишарди. Унинг дардли, ўктам овозини эшитган қалблар чинакамига яйрарди, яйраб туриб, оҳу афғонларига чидолмай йиғларди. Бу овоз «Араб тангоси», «Хаёлимда бўлдинг», «Раъно», «Маро бебус», «Эй, сарбон...», «Ҳабиба», «Мажнун монологи», «Ёр, кел», «Яроғ этма» сингари ўнлаб ўзбекча, арабча, форсча, французча, русча қўшиқларни миллионларнинг қалбларига муҳрлади. Париждаги машҳур «Олимпия» саҳнасига чиқиб куйлаганда эса уни фаранг журналистлари жаҳон эстрадасининг ёрқин юлдузларидан бири Шарль Азнавурга тенглаштириб ёздилар.

У 49 йиллик умри давомида ўзбек совет эстрада санъатига асос солди. Ўнлаб ажойиб суратлар чизди. Либретто ва ҳикоялар ёзди... Юқоридаги суратда эса Ботир Зокиров истеъдодининг яна бир қирраси, яъни, миллий рақсларимизни ҳам ҳақиқий раққослардек юксак маҳорат билан ижро этгани кўриниб турибди.

Суратни кўриб, хаёлимга сўнгги пайтларда айниқса ёшларимиз миллий рақсларимиздан йироқлашиб кетмаяптимикан, деган ташвишли фикр келди. Шу маънода юқоридаги сурат ота-боболаримизнинг мардларча ўзбекона рақс тушганликларини бизга ҳамиша эслатиб туради, ҳамиша шундай қайнаб, жўшиб, қарсиллатиб рақс тушишга даъват этади!

Созанда Анвар Иноқов шахсий архивидан редакцияга тақдим этган ушбу сурат 1957 йили Москвада ўтган VI Бутунжаҳон ёшларининг тинчлик ва дўстлик фестивали кунларида суратга олинган.

А. ОЧИЛОВ

САЙЁҲЛАР ВА ОҲ-ВОҲЛАР

АҲОЛИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ савиясини кўтаришда туризм ва саёҳатларни ташкил этиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бу масалага эътибор анчагина кучайди. Айниқса, касаба союз ташкилотлари томонидан туризм кенгашлари ишига раҳбар[illegible]лишда жиддий [illegible]йилди. Ҳозир [illegible]нинг деяр[illegible]ида ту[illegible]енгашлари [illegible]рнинг мамлака[illegible]лар ва областлари [illegible] саёҳатга чиқиш ишти[illegible]и ортиб бораётганини ҳисобга олиб, туризм ташкилотларининг моддий-техника базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Улар учун янги меҳмонхоналар ва бошқа бинолар қурилмоқда. Турист ва саёҳатчиларнинг сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Аммо Республика халқ контроли комитетининг назоратчилари яқинда туризм бўйича республика ходимлари иштироки[illegible] «Тошкенттурист» бирлашмаси, «Чимён» туристик комплекси, «Янгиобод» туристик базаси ва Самарқанд областидаги «Гулибоғ» автокемпинги фаолиятида жиддий камчиликлар кўзга ташланди. Маданий-спорт ва туристик ишнинг савияси паст, меҳмонхоналардаги хойларнинг бир қисми замон талабига жавоб бермайди, таомлар ва ичимликларнинг турлари етарли эмас.

«Чимён» ва «Янгиобод» туристик комплексларида турист анжомлари етишмайди. Айрим туристик маршрутларда Чимён, Белдарсой зоналари, Чорвоқ сув омборининг ажойиб табиий шароитларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Маданий-спорт ва туристик ташкилий ишлар бўш йўлга қўйилганлиги сабабли айни мавсум палласида (15 июнда) «Чимён» турокомплексида 550та жойдан фақат 180таси банд. Албатта, бу ўринда шундай савол туғилиши табиий: хўш, кўпчилик ёз ойларида дам олишни истаб, йўлланма тополмай юрган бир пайтда нега бу жойлар бўш ётибди? Гап шундаки, ўша мавжуд жойлари тўлмаётган комплекслар таркибидаги ресторан, кафе ва барларда хизмат кўрсатиш сифати жуда паст. Бу ҳол, шубҳасиз, туристларнинг кайфиятига салбий таъсир этмоқда. Масалан, «Чимён» турокомплексининг буфетида кўпинча оддий бутербродлар, шарбат ва турли ичимлик сувларининг йўқлиги ажабланарли ҳолдир. «Оқсой» кафе-бари ва пазандалик маҳсулотлари магазинида ҳатто таклиф ва шикоятлар учун дафтар ҳам тутилмаган. «Янги[illegible]

Туристларга хизмат қилувчи Тошкентдаги «Москва» меҳмонхонасининг 68та хонаси текшириб кўрилганда, улардан 31тасида турли камчиликлар топилди. Жумладан, хоналарда шамоллатиш асбоблари, телевизорлар, телефонлар ишламайди, иссиқ сув йўқ ва ҳоказо. Бир неча хоналар ва ёрдамчи хизмат кўрсатувчи хоналарда санитария-гигиена ҳолати қониқарсиз. Меҳмонхонада ахборот воситалари етишмайди, эълон, қўшимча хизматлар кўрсатиш рўйхати ва ҳатто конвертлар йўқ. Буларнинг ҳаммаси туристлар учун ноқулай эканлиги ўз-ўзидан аён.

«Чимён» турокомплексида ҳам кўпчилик хоналарнинг аҳволи қониқарли эмас. Масалан, 1-турар-жой комплексида 19та хона ремонтга муҳтож. Кўп хоналар яхши тозаланмаган. Сабаби — механизациялаштирилган тозалаш ускуналари етишмайди.

Ишга халақит бераётган яна бир ҳолатга тўхталиб ўтиш лозим. Гап шундаки, аллақачон бажарилиши лозим бўлган ишлар шунга мутасадди одамларнинг лоқайдлиги туфайли ҳамон ўрнидан силжимаган. Масалан, Самарқанд областидаги «Турист» комплексида туристлар томонидан шикоятлар дафтарига ёзиб қолдирилган еттита таклиф ва мулоҳазалардан бирортаси бўйича тегишли чора кўрилмаган. Бу ерда ҳатто туристик-саёҳат ва маданий-оммавий тадбирларни ҳисобга олиб бориш учун журнал тутилмаган. Шу областдаги «Гулибоғ» кемпингида [illegible] етишмайди, ҳолга келиб қолган. Кемпинг билан шаҳар орасида телефон ва транспорт алоқаси яхши йўлга қўйилмаган. Албатта, буларнинг бари туристларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Бизнингча, саёҳатчиларга хизмат кўрсатишдаги нуқсонларнинг содир бўлишига асосий сабаблардан бири республика ва область турист ҳамда саёҳат кенгашлари кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига кам эътибор бераётганларидадир. Бунинг устига айрим турист ташкилотларида кадрларнинг қўнимсизлик кўрсаткичи 30—50 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, кўп лавозимлар бўш ётибди. Масалан, Тошкентдаги «Москва» турокомплексидаги 768та штатли лавозимдан текшириш пайтида 165таси бўшлиги, шу жумладан, 104 та ўрин бир йилдан бери, 11 та ўрин икки йилдан бери бўш эканлиги аниқланди. Штат доирасидаги 14 ошпаз, 41 официант, 5 буфетчи ва 37 бошқа техник ходимларнинг лавозимлари бўш бўлиши хизмат кўрсатиш савиясига салбий таъсир этиши шубҳасиздир. Буни туристлардан тушган шикоятлар ҳам тасдиқлаб турибди. Худди шунга ўхшаш аҳвол 1987 ва 1988 йилларда «Чимён» ва «Янгиобод» туристик комплексларида ҳам юз берди. Бу иккала комплексда сўнгги икки йил мобайнида маданий тадбирлар ташкилотчиси лавозимлари бўш ётганлиги сабабли туристларга маданий хизмат кўрсатиш иши бўшашиб кетган.

Туристик комплекслар моддий базасига доир камчиликларнинг бир қисми хўжалик [illegible]. Гап шундаки, туризм ва саёҳатлар республика кенгашига қарашли бу бошқарма қурилиш ҳамда ремонт ишларини чўзиб юбормоқда. Жумладан, бошқарма «Чимён» турокомплексидаги 2-ётоқхона корпуси ремонти масаласида белгиланган муддатга риоя қилмади, ремонт ишларининг сифати паст бўлишига ва қурилиш материалларини хўжасизларча сақлаш фактларига йўл қўйилди.

«Чимён» турокомплекси ва Тошкент область туризм совети раҳбарларининг айби билан умумий қиймати 17 минг сўмлик 6та коттеж типида ёғоч уйлар жуда секин суръатлар билан қурилмоқда. Шунингдек, қурилиш материаллари ёмон аҳволда сақлангани учун уларнинг бир қисми ишга яроқсиз ҳолга келган. «Саёҳат» турокомплексида ходимларга берилган махсус кийимларнинг қиймати (3 минг сўмга яқин) улардан ундириб олинмасдан, ҳотамтойликка йўл қўйилган.

Албатта, юқоридаги камчиликларнинг содир бўлишида, аввало, «Москва», «Чимён», «Саёҳат», «Янгиобод», ва «Турист» турокомплексларининг раҳбарлари айбдор. Шу билан бирга бу соҳада уларга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, транспорт масаласини олайлик. Гражданлар авиацияси ташкилотларининг айби билан туристлар учиши мўлжалланган рейслар бекор қилиниб туради. Худди шунга ўхшаш, тегишли темирйўл составлари ажратилм[illegible] қолади, Автомобиль транспо[illegible]ти министрлиги туристларни ташиш учун юмшоқ ўринли автобусларни керагича бермайди ва ҳоказо. Савдо ташкилотлари эса туристлар учун ажратилган фондлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларини етарли ва тўлиқ ассортимент асосида бермайдилар. Буларнинг ҳаммаси туристларга хизмат кўрсатиш сифати[illegible] олиб келяпти.

НАЗОРАТЧИЛАР ўтказган текшириш материаллари яқинда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг топшириғи асосида туризм ва саёҳатлар бўйича Республика кенгашининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилди. Аниқланган камчиликлар ҳар томонлама таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Жиддий нуқсонларга йўл қўйган туристик ташкилотларнинг айрим раҳбарлари жазоланди. Назоратчилар келгуси йили бу масала бўйича қайта текшириш ўтказишни режалаштириб қўйдилар.

Т. ХОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг бўлим мудири

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР...

Ҳурматли редакция!
Сўнгги йилларда қўшиқчилик санъати оламига кўпл[illegible] истеъдодли ёшлар кириб келаётганлиги кишини қувонт[illegible]ради. Ўз овози, ўз сози билан қўшиқ мухлислари қалбида жой олаётган ёш истеъдодли хонандалардан бири Ғи[ёс] Бойтоевдир. Унинг ҳар бир янги қўшиғини сабрсизли[к] билан кутамиз. Агар имкон туғилса шу хонанда ҳақид[а] мақола берсангизлар.

Дилором ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар, 25-дорихона провизор-технологи

Оқиб кетди сувларда
Тоҳир,
Зуҳра йиғлаб қолди қон
бағир,
Келганда ҳам замонам
охир,
Меҳр қолур, муҳаббат
қолур...

Азиз газетхон назаримда, сиз ҳам бу қўшиқ ижрочисини дарҳол танидингиз. Чунки унинг ҳар бир қўшиғи гўё ҳаётнинг бир парчаси. Унинг қўшиқлари меҳр-муҳаббатни тараннум этади. У шунчаки эмас, дилдан ёниб куйлайди.

Қўшиқ мухлислари қалбига кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ, лекин кўп ашулалари одамлар оғзидан тушмай қолди. Нозик, ширали, ўктам овозга эга бу йигит Ғиёс Бойтоевдир!

Ғиёс Чимкент обла[illegible]тининг Сайрам районидаг[и] Қизил қишлоқда, санъаткорлар оиласида ўсиб-улғайди. Акаси Аваз Бойтоев ва усто[з]и Саидакбар Саидовдан таълим олди.

Хонанда билан учрашувимиз машқ пайтига тўғри келиб қолди. Машқ узоқ давом этди. Орадаги қисқа муддатли танаффусда суҳбатлашишга имкон туғилди.

— Сизларга қийин экан. Ҳар бир қўшиқнинг яратилиш жараёни шундай кечса...

— Қайдам? Бизга сезилмайди, — дея жавоб берди Ғиёс. — Биз асосан ишдан кейин, бўш пайтларимизда машқ қиламиз. Албатта, ҳар бир ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади.

— Қўшиқни қандай танлайсиз?

— Ажойиб шоир[лар]имиз Эркин Воҳидов ва [illegible]тийнинг ғазал-шеърлари [illegible]ни беихтиёр куйлатиб к[illegible]ради. Қачондан буён изла[б] юрган нарсангни топгандек севиниб кетасан. Ёш ижодкорлардан Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Умида Абдуазимова, Сирожиддин Саидов, Эшқобил Шукуров шеърларини севаман...

Ҳақиқий санъаткор учун чуқур билим, тажриба зарурлигини ҳис қилган Ғиёс 1978 йили Тошкент давлат маданият институтининг халқ чолғу асбоблари бўлимига ўқишга келди. Шубҳасиз, хонанда камолотида билим даргоҳи муҳим аҳамият касб этди. Устозларидан санъат сирларини ўрганиш билан бирга институт қошидаги Т. Ҳасанов раҳбарлигидаги «Нилуфар» ансамблида қатнашиб, репертуарини бойи[illegible]борди. [illegible] йили институтни муваф[illegible]ятли тугатиб, Чимкентда[illegible]16-мактабда музи[illegible] бера бошлади. Ҳозирги [illegible] давлат [illegible] Тошкент даният саро[illegible]ситети ма- бари бўлиб [illegible]музика раҳ- санъаткор [illegible]дўкда. Ғиёс Акбарали, [illegible]бол[illegible] — жон, Ғафуржо[н] бил[illegible]руф- галикда ўтган [illegible]или [illegible]бир- умидлар билан [illegible]узилган ан- самблга «Умид» [illegible]б ном бе- ришди. Бу ансамбль концерт программалари била[н] [illegible] кўп- чиликнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Ай[ниқ]са, «Умидим», «Сени ўйлайм[ан]», «Айрилдим», «Саодатнома», «Турналар» каби қўшиқла[ри] тилга тушди.

— Ансамбль ижодий сафарларда бўлиб турадими?

— Тўғриси, ижодий сафарларда кўп бўлолмаймиз. Чунки имкониятларимиз етарли эмас. Ҳозир Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети ҳамда Маданият министрлигининг раҳбарлигида шароитимиз яхшиланди.

Кимга қандай, билмайман-у, лекин менга муҳташам саҳналардан кўра қишлоқларда, меҳнаткашлар ҳузурида куйлаш ёқади. Қишлоқни яхши кўраман. Назаримда, узоқ вақт қишлоққа келолмасам нимадир йўқотгандек бўлиб юраман.

Болалигимизда «Артист келибди» деган хушхабарни эшитсак, эрталабдан кўримсиз клуб олдида пайдо бўлардик. Шунда ҳам кўпинча жой етмай қоларди. Лекин дераза раҳларига осилиб бўлса-да, ўша артистни ўз кўзимиз билан кўриб, ашулаларини эшитардик. Узоқ вақтгача руҳланиб юрардик. Энди шароитлар анча яхшиланиб қолди. Аммо ҳали ҳам республикамизнинг [illegible]кка гўшаларида концерт, [illegible] кўрмай ўтаётганлар [illegible] деб ўйлайсизми? Эрта- Би[illegible] шомгача далада. Га[illegible] ва уй. [illegible]тистлар [illegible] олд[illegible] борган ар- [illegible]азига, [illegible]н район мар- [illegible]раҳбар-

лари йўлланмаси билан қишлоқларга борадилар. Менингча, санъаткорлар биринчи навбатда энг чекка колхоз совхозларда бўлишлари лозим. Яна бир истак. Ёшлар ижодига, айниқса, олис қишлоқлардаги ёшлар ижодига кенгроқ ўрин берилса...

— Агар сир бўлмаса, орзу-ниятларингиз билан ўртоқлашсангиз?

— Ўз миллий санъатимизни янада чуқурроқ билиш ниятидаман. Ҳар бир халқнинг давраларда бирга куйлайдиган қўшиқлари бўлади. Масалан, грузинлар, руслар ва бошқа кўпгина қардошларимиз тўй-давраларда ажойиб жўровоз бўлиб куйлашади. Нега биз жўр бўлиб куйлолмаймиз. Оилавий ансамбларимизнинг кўпайиб қолгани шу маънода қувонарли ҳолдир. Бу йўналиш ривож топса дейман.

Суҳбатни
Д. САФАРОВА
ёзиб олди

МУЗИКА—ХАЛҚ РУҲИ

Яқинда Самарқанд давлат опера ва балет театри навбатдаги мавсумини бошлади. Шу муносабат билан мухбиримиз театр бош дирижёри Фазлиддин ЁҚУБЖОНОВга учрашиб суҳбатлашди.

— Театр 26-мавсумини бошлади. Ўтган чорак аср, сизнингча, қандай ижодий анъаналар билан эсда қолади?

— Аввало шуни айтиш керакки, яқинда, 29 октябрь куни театримиз очилган кунга роппа-роса 25 йил тўлади. Чорак аср илгари театримиз Мухтор Ашрафийнинг «Шоир қалби» операси билан очилган эди. Театримиз бу давр мобайнида ўзбек операсининг ўзига хос мактабига айланди. Маҳаллий муаллифларнинг кўплаб асарлари ҳаётга илк бор бизнинг саҳна орқали йўл олди.

— Композиторларимиз яратаётган янги асарлар бу борада сизни қониқтираяптими?

— «Майсаранинг иши», ўйлаб қарасам, миллий руҳи устиворлиги, музикали драмадан узоқлашиб кетмаганлиги учун ҳам томошабин эътиборида экан. Композиторларимиз кейинги йилларда, ҳеч бўлмаганда, «Дилором» савиясидаги миллий руҳга эга опера ярата олишмабди. Мен бу ҳақда композитор дўстларимизнинг кўпчилигига очиқдан-очиқ айтдим. Ахир, композитор халқ учун музика ёзади-ку. Қандайдир «ғат-ғут»ни қоғозга тушириб, ультра замонавий музика ёздим, хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам эшитасан, деб оёқ тираб туриб олиш инсофдан эмас.

— Бу йилги репертуар планини тузишда ижодий сафарлар сабоқлари ҳам эътиборга олиндими?

— Албатта. Биз музикали драмага яна қайтмоқчимиз. Яъни репертуаримизда музикали драма асарлари ҳам бўлади. Бу ҳолда биз халқ ижрочилигидан узоқлашиб кетмаймиз. Актёрларимизнинг ижро диапазони кенгаяди. Балки бу ҳол опералар ижросига ҳам халқона руҳни олиб киришга ёрдам берса ажаб эмас. Биринчи бўлиб М. Маҳмудов ва Р. Муҳаммаджоновнинг «Ака-ука совчилар» драмасини саҳналаштирамиз. Шу йилнинг ўзида ундан ташқари яна битта музикали драма саҳнага қўямиз.

Тез орада Штрауснинг «Кўршапалак» асари устида [illegible]

[illegible] компо[illegible]ертуа[illegible] ўзбек [illegible]ри бу[illegible]орларининг [illegible]йиш[illegible]авсумда [illegible] асарла[illegible]иладими? намо-

бил[illegible]а. «Майсара[illegible] лар[illegible] «Шоир қалб[illegible]» о[illegible] қўй[illegible] ўзбек ва рус ти[illegible]лар[illegible]а- ми[illegible]ади. Томошабинлари «То[illegible] Самарқанд афсонаси» қа[illegible] ва Зуҳра», «Са[illegible] ран «Уйғониш» каби [illegible] [illegible]ни кўришлари мум[illegible] Ш[illegible]нгдек, Верди, Р[illegible] [illegible]уно, Бизе, Чайк[illegible] [illegible]сси-

[illegible]нинг классик композиторлари[illegible] асарлари ҳам янги мав[illegible] томошабинларимизга [illegible]тазир.

5 Улуғ Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдамиз. «Дилором» операмизнинг саҳна б[illegible]лари ва режиссёр т[illegible] бирмунча эскириб қол[illegible] санага «Хамса»нинг [illegible]бъаи сайёр» достон[illegible]да яратилган ана [illegible]ни қайта саҳналаш[illegible]

ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЯЙЛИК

Кейинги пайтларда чет эллик мутахассислар, ёзувчи, шоир ва олимлар республикамизнинг маданий, илмий марказларига тез-тез ташриф буюришмоқда. Халқимизнинг ғоятда бой маданий тарихи, қадимий асори атиқалар уларда кучли қизиқиш уйғотаётир. Мухбиримиз ЎзФА Тил ва адабиёт институти директори Бахтиёр Назаров билан АҚШдаги Гарвард университети докторант-ходими Қаҳҳор Баротнинг суҳбатларида иштирок этди.

СУРАТДА: Б. Назаров ва Қ. Барот

Б. НАЗАРОВ: — Аввало, газетхонларимизга Қаҳҳор Баротни таништирсак. У асли хитойлик, Ғулжада туғилган, Пекинда туркологиядан таълим олган. Кўплаб туркий халқлар тиллари қатори ўзбек тилида ҳам жуда эркин гаплаша олади...

МУХБИР: — Ўлкамизга ташриф буюришдан қандай мақсадларни кўзда тутгансиз? Гарвард университетида халқимиз тарихининг кўпроқ қайси даврларига қизиқиш кучли?

Қ. БАРОТ: — Гарвард университетининг Ўрта Осиё ва олтойшунослик комитети АҚШдаги бошқа университетлар, жумладан, Индиана, Колумбия, Сиэтл университетларига қараганда туркий халқларнинг бир қадар қадимийроқ тарихий маданияти билан шуғулланади. Тунгус-манжур тили тадқиқидан Ўрта Осиёнинг исломгача бўлган тарихий-маданий обидалари, тили, ёзма ёдгорликларини ўрганиш ишлари комитетимизнинг фаолият доирасига киради. Мен исломгача бўлган туркий халқлар маданияти ва тили тарихини ўрганяпман. Тошкентга келишимдан асосий мақсадим Ўзбекистонда Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихи бўйича амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишишдир. Шу дамгача Қўлёзмалар институтида, Тошкент давлат университетида, Шарқшунослик, Тил ва адабиёт институтларида бўлдим. Самарқанддаги Археология институтини кўрдим. Бу даргоҳлардаги ўртоқларнинг ёрдами билан анча ишлардан хабар топдим.

Бир нарса мени жуда хурсанд қилди. Сизларда халқингизнинг маданияти тарихини ўрганадиган, агар таъбир жоиз бўлса, бутун бошли қўшин бор экан. Ажойиб мутахассисларни, ўз ишининг чинакам фидойиларини кўрдим, гаплашдим, таассуротлар кўп. Сизларда тил, адабиёт, орфография соҳаларида жуда кўп ишлар амалга оширилибди. Афсуски, биз америкалик туркологлар бу ишлардан бехабармиз.

Б. НАЗАРОВ: — Шу ўринда мен қадимий обидаларимизга халқнинг қизиқиши кучайганини таъкидлаб ўтишни истардим. Журналларимиз буни эътиборга олиб шу йилнинг ўзида «Ўғизнома», «Турк-уйғур ёзуви» каби ёзма ёдгорликларни эълон қилди. Айни пайтда «Суғд палеографияси», қадимги уйғур тили графикаси ва палеографияси тадқиқига доир «Қадимги уйғур ёзма ёдгорликлари. XI—XIV асрлар», «Ўрхун-Енисей. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда фольклор проблемалари» каби бир қанча мавзуларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбек халқининг этногенези ва шаклланиши бўйича изланишлар давом этмоқда...

Қ. БАРОТ: — Мен эроний (форсий эмас, айнан эроний), суғдий, қадимги хитой тиллари бўйича бир қадар дуруст таълим олишга муваффақ бўлганим туфайли манбаларга таяниб дадил айта оламанки, ўзбек халқининг маданий, адабий тарихи, баъзилар даъво қилаётганларидек, XI асрдан эмас балки анча қадим даврлардан бошланган. VIII—IX асрларга доир 300—400га яқин қадимий обидалар, ёдгорликлар, шу асрларда қадимги уйғур ёзувида битилган неча минглаб Турфон-уйғур (бизда шундай аталади) матнларининг мавжудлиги шунга далилдир. Бу манбаларнинг яратилган жойидан қатъи назар, уларнинг пайдо бўлишида бугунги ўзбек халқининг қадим она тилининг хизмати бўлган. Умуман, бу ёдгорликлар Енисейдан Волгагача яшаган барча туркий халқларнинг қадимий меросидир. Мен Ўзбекистонда бўлиб туриб, мана шу ғоятда бой ва жуда қадим маданият тарихини ўрганишда ҳамкорлик қилишимиз зарур эканлигини ҳис қилдим. Ҳозир жамиятингизда кечаётган ижобий ўзгаришлар Гарвард университети билан Тошкентдаги илмий марказлар орасида мустаҳкам алоқа ўрнатишга умид уйғотади. Туркистон билан аспирантлар алмашиш ҳар иккала томон учун фойдадан холи бўлмайди. Сизга маълумдир, АҚШда ўзбеклар кўп, энди Туркистон билан америкалик ўзбеклар орасида маданий, илмий алоқаларни тиклашга уриниш керак. Бизнинг университетимизда ўзбек тилидан дарс берадиган мутахассисларнинг савияси мақтанарли эмас. Умид қилардик, бу ишда Ўзбекистондан мутахассислар ёрдамга келса, ахир, ўзбек тили бўйича ким ҳам ўзбек олими даражасида билим бера оларди.

Николай ШАМСУТДИНОВ,

РСФСР Ёзувчилар уюшмаси Тюмень область бўлимининг бюро аъзоси

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Адабиёт доимо ҳаракатдаги, янгиланиб турадиган дарёга ўхшайди. Агар бу дарё бир жойда тўхтаб қолса — айнийди. Адабиёт ҳам шундай: янгиланиб турмаса, турғунлик ҳолатига тушиб қолади. Янгиланиш деганда, мен фақатгина адабиётга янги авлодларнинг кириб келишини, унинг янги шакллар ҳамда мавзулар билан бойишини, шунингдек, бошқа халқларнинг адабиётлари билан ҳамкорлигини ҳам тушунаман. Шу маънода Тюмень областида бўлиб ўтган ўзбек Маданияти кунлари ва бугун бу қадимий юртда ўтаётган Тюмень области маданият кунлари катта аҳамиятга эга. Бизнинг бир-биримиздан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп. Айтайлик, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда қадимдан сув танқислиги ҳукмрон. Табиий шароитнинг ўзи шундай. Ўзбек халқи табиатнинг ана шу нотантилигининг ўрнини босиш учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида жуда катта тажрибага эга. Сувдан хўжасизларча фойдаланилаётган бугунги кунда бизнинг Тюмень меҳнаткашлари учун ўзбекларнинг ана шу тажрибалари жуда ҳам зарур. Тюмень области ер-сувидан фойдаланишда чидаб бўлмас даражада хўжасизлик юз бермоқда. Ўрмонлар кесиб ташланяпти, унумдор тупроқлар турли техника ғилдираклари остида қотиб кетяпти. Бир йилнинг ўзида Ғарбий Сибирь тупроғини 12 миллион тонна нефть ифлос қилди. Юзлаб жойларда ёниб турган газ оловлари атроф-муҳитни булғамоқда. Тюмень областида металлургия заводи қуриш мўлжалланмоқда. Бу заводга хомашё четдан келтирилмайди. Областдаги ер майдонлари, ўрмонлар яроқсиз ҳолга келган ёки ишлатилмай қолиб кетган минглаб тонна трубалар, турли темир-терсакларга тўлиб кетган. Завод ана шуларни қайта ишлашга мўлжалланган. Энди ўйлаб кўринг, ўша трубаларнинг катта қисми чет элдан валютага сотиб олинган... Мана хўжасизлик нималарга олиб келади. Биз ижодкорлар ана шулар ҳақида бонг уришимиз керак. Лекин, афсуски, областда хўжасизликка, табиатни, атроф-муҳитни нобуд қилаётганларга қарши курашувчи кучлар етарли даражада бирлашмаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, хоҳ адабиётда бўлсин, хоҳ ижтимоий ҳаётда бўлсин, ўзаро мулоқотларсиз, борди-келдисиз, шахсий дўстлашувсиз бирон-бир иш амалга ошиши амримаҳол. Шу жиҳатдан бизнинг амалий таклифимиз шундай: кўпроқ борди-келди қилайлик, кўпроқ мулоқотда бўлайлик. Шоирларимиз, ёзувчиларимиз бир-бирлари билан дўстлашсин. Уюшмаларимиз бу борада амалий тадбирлар ишлаб чиқишсин. Ана шунда халқларимиз, адабиётларимиз ўртасидаги дўстлиқ янада мустаҳкамланади.

Қадим Югор элининг (Ғарбий Сибирнинг қадимий ва ҳақиқий номи) кўп куйчилари, ажойиб достоннавислари, носирлари бор. Андрей Тарханов шу элнинг кўзга кўринган куйчиларидан. Рус тилида ёзса ҳам ўз элюртини жондан севади, севиб куйлайди, қайғусидан қайғуради, қувончидан қувонади.

Шоирнинг кўп шеърий тўпламлари Москва, Свердловск, Тюмень нашриётларида чоп этилган, халқлар назарига тушган, меҳрини қозонган.

Андрей ТАРХАНОВ

●

Елиб борар ўрмонда буғу,
Шохларига шафақ илашган.
Ириллайди бўрилар қувиб
Очлигидан тишлар қамашган.
Чулғаб борар борлиқни даҳшат,
Буғу жони ҳалак, бўғилар.
Бўри кўзи чақнагувчи ҳад,
Чақноқ ҳаддан шиддат туғилар.
Буғланади зумда жароҳат,
Эриб тушар қизарган қатлам.
Алам қотар кўзларда фақат,
Шафақ сўнар шохларида ҳам.

Ёдгор ОБИД таржимаси

БОБУР ЭЛИДА

Ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, тарихчи ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг номи Андижондаги марказий кўчалардан бирига берилди. Жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати билан улуғ юртдошимиз номини абадийлаштириш ишлари қайта тикланмоқда. Шаҳар марказидаги Бобур хиёбонида шоирнинг ҳайкалини ўрнатиш, ёдгорлик ансамбли бунёд этиш режалаштирилмоқда.

Андижон шаҳар ижроия комитети меҳнаткашларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, «Китобхон» жамияти область ташкилоти номига область агросаноат банки қошида 00700929-рақамли ҳисоб очди. Якка шахслар, коллектив ва ташкилотлар маблағ ўтказиш йўли билан Бобур номини абадийлаштириш ишига ўз улушларини қўшишлари мумкин.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси Андижон область бўлими ва «Китобхон» жамияти область ташкилоти Бобур ҳаёти ва ижодий меросини чуқур ўрганиш мақсадида шу йил 30 октябрь — 1 ноябрь кунлари Марғилон, Конибодом, Ленинобод, Косонсой ва Ахси шаҳарларига саёҳат уюштиради. Саёҳат давомида шеърият мухлислари билан учрашувлар, илмий-адабий мунозаралар, ғазалхонлик кечалари, мушоаралар ўтказилади.

Шарифа АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон илм-фани, адабиёти, халқ маорифи оғир жудоликка учради. Маорифимизнинг кекса вакили, филология фанлари кандидати, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Шарифа Абдуллаева 75 ёшида тўсатдан вафот этди.

Шарифа Абдуллаева 1914 йили Тошкентда камбағал оилада дунёга келди. Ота-онадан ёш етим қолган Шарифа Абдуллаева Зебунисо номидаги машҳур мактабни тугатгач, пионерларнинг Бутуниттифоқ слётида қатнашиб, Н. К. Крупская суҳбатида иштирок этишга мушарраф бўлди. 1930 йили педагогика билим юртини тамомлаган Шарифа Абдуллаева Китоб районида саводсизликни тугатиш ишларида фаол қатнашди; кейинчалик Самарқанд педагогика билим юртида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

1935 — 37 йиллари Шарифа Абдуллаева Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасида таҳсил кўрди. 1937 йилдан то нафақага чиққунча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ишлади. Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги йилларда Шарифа Абду институтнинг ўзбек тили адабиёти факультетида йигирма йилдан зиёд адабиёти кафедрасинин дири вазифаларида ишл

Шарифа Абдуллаева биётимизнинг толмас қотчи ва тарғиботчиси Унинг «Навоий «Хамса хотин-қизлар образи» рисоласи, ўзбек адабиёт рихи ҳамда халқ оғзаки дига доир ўнлаб илмий лалари адабиётшунослиг ривожига муайян улуш қў Шарифа Абдуллаева биётшунослик терминлари ғати», «Адабиёт тарихи хр матияси», ўзбек халқ оғ ижоди фани программаси аллифларидан бири ҳисс нади. Ўзбекистон ССР ФА бир аъзоси Олим Шаро диновнинг илмий меро тўплаш ва нашр этишда Шарифа Абдуллаеванинг матлари каттадир.

Заҳматкаш олима, жамо муаллима, мунис мураб Шарифа Абдуллаеванинг лоқ хотираси кўп сонли гирдлари, сафдошлари, қа дошлару дўстлари қалб абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

Олим УСМОНОВ

Ўзбек тилшунослиги оғир жудоликка учради. Узоқ давом этган касалликдан кейин таниқли тилшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Олим Усмонов вафот этди.

Олим Усмонов 1912 йили Жалолобод шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келган. У дастлаб Самарқанд таълим-тарбия техникумида ва Фарғона педагогика институтида, кейинчалик Москва давлат университетида таълим олди, Тил ва адабиёт институти аспирантурасини тугатди. Шундан кейин бутун фаолияти мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар яратиш билан боғлиқ бўлди. Улуғ Ватан уруши йилларида О. Усмонов Фарҳод ГЭС қурилиши ишларига жалб этилди, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Давлат радиоэшиттириш комитети раисининг муовини вазифасида иш олиб борди.

Улуғ Ватан урушидан сўнг О. Усмонов Тил ва адабиёт институти луғат секторини бошқарди. Сўнг Низомий номидаги Тошкент педагогика институти ва Тошкент давлат университетида ўзбек тилидан дарс берди.

1958 йилдан бошлаб О. Усмоновнинг бутун фаолияти Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти билан боғлиқ бўлди. У бу ерда илмий ходим, катта илмий ходи бўлим мудири вазифалари сидқидилдан самарали иш ол борди.

Олим Усмонов таниқли ти шунос олим эди. У тузг дастлабки мактаб дарсли лари («Ўзбек тили граммат каси», 1938 йил) қайта-қай нашр этилди.

У 1947 йили «Алишер На воийнинг «Муҳокамат ул-лу ғатайн» асари ҳақида канди датлик диссертациясини ёқла ди. Ўзбек тилининг назарий ма салалари ва имло қоидалари га доир бир қанча илмий ма қолалар, рисолалар эълон қилди. Олим Усмонов ўзбе тили тарихи соҳасида ҳам унинг терминологияси соҳаси да ҳам йирик билимдон олим эди. Айниқса, луғатчилик соҳасидаги ишлари уни жумҳуриятимизда кенг танитди. 1940—1949 йилларда нашр этилган имло луғатлари, «Интернационал сўзлар луғати», унинг иштирокида яратилган 5 жилдлик «Русча-ўзбекча луғат», «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати», «Ўзбек тили лексикаси тарихидан» каби асарлари халқимиз тил маданияти хазинасига қўшилган ҳиссадир. Олим Усмонов кўпгина тилшунос олимларнинг устози ва маслаҳатчиси эди. Унинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ

ИЛЗА СИРТАУТАС РЕДАКЦИЯМИЗДА

Аввал маълум қилганимиздек, ўзбек адабиётининг хориждаги таржимонларининг Тошкентда ўтган биринчи семинар-кенгаши қатнашчилари пойтахтимизнинг турли жойларида бўлишди. Улардан бир гуруҳи редакциямизга ҳам ташриф буюришди. Меҳмонларни жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси Бадиий таржима ва адабий алоқалар марказининг раиси, шоир Муҳаммад Али таништирди ва кенгашда амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берди.

Америкалик таржимон Илза Сиртаутас кенгашдан кейин Ойбекнинг «Болалик» қиссасини, Ҳабибулло Қодирийнинг Абдулла Қодирийнинг сўнгги кунлари ҳақидаги асарини, ўзбек халқ мақолларини инглиз тилига ўгириш фикри туғилганлигини билдириб, бундай деди: «Мен, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигини ўқиб бораман. Газетангиз университетимиз кутубхонасига, гарчи уч ой кечикиб бўлсада боради. Ҳафталик 1987 йилдан бери жуда муҳим масалаларни кўтариб чиқмоқда. Айниқса, тил, маданият муаммолари ҳақидаги материаллар жудаям қизиқарли ва актуал. Бу борада ўзбек ижодкорлари ўз халқининг виждони бўлиб қолишлари керак. АҚШда оддий одамлар Ўзбекистон ҳақида кам маълумотга эга. Шунинг учун мен талабаларимга ўзбек тилини ўргатишдан олдин, бу халқ ҳақида яхши тасаввур берувчи лекциялар ўтаман, яъни уларда бу халққа нисбатан муҳаббат уйғотаман. Шунда уларнинг тил ўрганишлари ҳам осон кечади. Мен шу сабабли ўзбек ижодкорлари ва бу ҳафталик ўз ўқувчилари қалбига юртига муҳаббат туйғусини олиб киришини истайман».

Қозоғистонлик таржимон Зулқарнай Соқиев ўзбек ва қозоқ адабиётлари, ҳафталиклари орасида ҳамкорликларни кучайтириш тўғрисида фикр юритди.

Газета бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев редакция фаолияти, адабиётлар дўстлиги, муштарийларнинг газетага киритаётган таклиф ва мулоҳазалари ҳақида, бош муҳаррир ўринбосари Иброҳим Ғафуров газетанинг адабиёт, бугунги ҳаёт муаммоларига фаол аралашаётгани, айниқса эски ўзбек тилини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

Мулоқотда ижодкорлардан Ж. Камол, М. Аъзам, Ш. Холмуродов ва редакция ходимлари қатнашдилар.

СУРАТДА: редакциямиз меҳмонлари

«ОСИЁ-БАНК» ДУНЁ БОЗОРИГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида Тошкентда «Осиё-Банк» тижорат банки фаолият кўрсата бошлагани ҳақида хабар берилган эди. Шундан сўнг редакциямизга кўплаб хатлар келди. Муштарийларимиз бу янги банк фаолияти ҳақида тўлароқ маълумот беришимизни илтимос қилишган. Мухбиримиз «Осиё-Банк» ҳайъати раиси Бахтиёр ХАЛИЛОВга бир неча савол билан мурожаат қилди:

— Бахтиёр Халилович, «Осиё-банк»ни ташкил этиш фикри қандай пайдо бўлди?

— Маълумки, кейинги йилларда мамлакат экономикаси издан чиқди. Пул муомаласи инқирозга учраяпти. Бунинг олдини олиш учун Иттифоқ бўйича тижорат банкларини очишга рухсат этилди. Бугунги кунда СССРда 150дан кўпроқ шундай банклар фаолият кўрсатаяпти. «Осиё-банк» ҳозирча Ўрта Осиёда ягона. Мен аввал ҳам банк системасида ишлаганман. Ўзбекистонда ҳозир айрим кишилар қўлида бир неча юз миллион сўм пул борлигини ўқиб қолдим. Бундан ташқари, бир неча катта корхоналарнинг анчагина пуллари кассаларда ишлатилмай ётганидан хабардор эдим. Нега энди шу пуллар ҳисобига республика экономикасини кўтаришга ёрдам берадиган банк очиш мумкин эмас? Бир-иккита ҳамфикр ўртоқлар билан маслаҳатлашдик. Барча маъқуллади. Кейин эса чоп-чоп бошланди. Ниҳоят, бир йилдан сўнг ниятимизни амалга оширдик.

— Тижорат банкининг вазифалари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Аввало тижорат банкларининг давлат омонат банкларидан фарқи ҳақида икки оғиз сўз. Давлат омонат банклари фақат пул муомаласи билан шуғулланади. Тижорат банклари эса, номидан ҳам айтиб турибдики, бевосита савдо-сотиқ билан ҳам шуғулланади. Бундан ташқари, банкимизнинг биринчи галдаги вазифаси республикада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳисса қўшиш. Биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган корхоналарни қайта жиҳозлаш учун қанча пул керак бўлса, топиб беришга тайёрмиз. Яна пудратчиларга ҳам қарз берамиз. Низомимизда кооперативларни ҳам пул билан таъминлаш кўзда тутилган. Лекин кейинги пайтларда кооперативлар фойда кетидан қувиб, ўз оёғига ўзлари болта ураяпти. Шунинг учун биз фақат келажаги бор ўз чўнтагини эмас, халқни ўйлаб маҳсулот ишлаб чиқараётган кооперативларгагина қарз бераяпмиз.

Энди савдо-сотиқ ҳақида. Дунёда қанча маданиятли халқ бўлса, шуларнинг биттаси ўзбеклар. Тарихимизга бир назар ташланг. Барча фанларнинг бобокалонлари бизнинг аждодларимиздан. Бундан ташқари, шу кунларгача етиб келган обидаларни айтинг. Самарқанд, Бухоро, Хевани ким билмайди, ким бир бор кўришни орзу қилмайди? Умуман, дунёда Ўрта Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга қизиқиш катта. Ҳозир меҳмонхоналар камлиги ва бошқа турли сабабларга кўра республикамизга келишни истовчи сайёҳларнинг ўндан бир қисмини қабул қила олаяпмиз, холос. Бу сайёҳлар чўнтагини тўлдириб валюта олиб келади. Лекин сотиб оладиган ҳеч вақо йўқлигидан валюталарни яна қайтиб олиб кетади. Қани энди магазинларда совғабоп буюмлар тўлиб-тошиб ётса. Чет эллик сайёҳлар жон-жон деб сотиб олган бўлардилар. Умуман, Самарқанд, Бухоро, Хева ёки Шаҳрисабз тарихига оид открткалар ҳам йўқ ҳисоби. Наҳотки, шуларни ишлаб чиқариш қийин бўлса! Ахир бу жарақ-жарақ валюта деган гап-ку! Шуларни ҳисобга олиб, биз банк қошида совғалар тайёрловчи устахоналар очмоқчимиз. Бунинг учун жой ҳам, пул ҳам бор. Фақат бизга ишбилармон усталар керак.

— Бахтиёр Халилович, валюта ҳақида гап кетганидан фойдаланиб бир савол берсам. Бизнинг республикамиздаги кўпгина нашриётлар валюта йўқлиги туфайли жаҳон классик ёзувчиларининг асарларини жуда қийинчилик билан нашр этадилар. Бу билан нашриётларга моддий, китобхон халқимизга маънавий зарар етади. Сизнинг банкингиз шу хусусда нашриётларга ёрдам бера оладими?

— Ҳозирча қарз беришга бизда валюта йўқ. Лекин ишончим комилки, яна бир-икки йилда анчагина валютага эга бўламиз. Нашриётларга ёрдам беришнинг бошқа йўллари бор. Биз ҳар қандай чет эл китоб сотувчи компанияси билан алоқа қилиш ҳуқуқига эгамиз. Қани энди бизнинг нашриётларимиз халқимиз тарихига оид китобларни, масалан, яқинда «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган Бўрибой Аҳмедовнинг «Мирзо Улуғбек» тарихий-биографик қиссасини хорижий тилларда чиқарса, биз уни чет элда валютага соттириб беришни ўз бўйнимизга олишга тайёрмиз.

— «Осиё-Банк» низомида ёшлар марказларини ҳам пул билан таъминлаш ҳақида алоҳида боб бор экан.

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда жуда кўплаб ёшлар марказлари ташкил этилди. Жумладан, ҳозирнинг ўзида Тошкент вилоятида 100 дан ортиқ ёшлар маркази фаолият кўрсатаяпти. Албатта, буларнинг ҳаммасини давлат омонат банклари пул билан таъминлай олмайди. Шунинг учун уларга пул қарз беришни биз бўйнимизга олганмиз. Бундан ташқари, «Осиё-Банк»ни ташкил этишда Тошкент вилояти комсомол комитети бизга катта ёрдам берди. Умуман, бизнинг ёшлар билан алоқамиз мустаҳкам бўлади. Айниқса, ёшлар техника уйлари билан ҳамкорликни яхшилаймиз. Ўзингизга маълумки, узоқ йиллар бизда бюрократик тўсиқлар техника, фақат техникагина эмас, балки бошқа соҳалардаги янгиликларни ҳам амалиётга тадбиқ этишга тўсқинлик қилиб келди. Масалан, ёш ихтирочи Анвар Рустамовнинг пахта териш машинаси ҳақидаги можаролар. Биз бундай ихтироларни биринчи навбатда маблағ билан таъминлаймиз.

— Яқинда барча газеталар «Осиё-Банк» очилгани тўғрисида эълонлар берди. Шундан сўнг сизларга қарз сўраб мурожаат қилаётганлар сони кўпайган бўлса керак...

— Ҳа, анча кўпайди. Катта ташкилотлар билан бирга, айрим одамлардан ҳам хатлар келаяпти. Мана бу хатга эътибор беринг:

«Ҳурматли «Осиё-Банк» ходимлари. Мен Тошкент вилояти, Ғалаба районининг Қўрғонча қасабасида яшайман. Ўтган йили «Правда Востока» газетасида канопнинг ёқиб юбориладиган қолдиғидан уй қуриш мумкинлиги ҳақида мақола билан чиққан эдим. Ҳисоб-китобларга кўра, давлат 80 квадрат-метр уй қуриш учун 25-30минг сўм пул сарфлайди ва қурилишига уч ой вақт кетади. Мен таклиф қилаётган уйни қуриш учун 8-10 минг сўм етади, кейинчалик уни 6-8 минг сўмга тушириш ҳам мумкин. Қуриш учун эса 10-12 кун кифоя. Сизлардан илтимос, менга ўн минг сўм қарз бериб турсаларингиз?

Салом билан Т. Дурхўжаев».

— Қарз бердиларингизми?

— Ҳозирча йўқ. Аммо Дурхўжаевга хат ёзиб юбордик. У барча ҳисоб-китоблар билан келса, аҳллашамиз. Умуман, бундай фойдали таклифлар билдирилган хатлар кўп келаяпти. Масалан, қўқонлик бир киши ижарага Польшада ишлаб чиқарилган юк туширувчи машина олиб беришимизни илтимос қилибди. Машинанинг иш унумдорлиги ойига 25-30 минг сўмни ташкил этаркан.

— Агар сизлар бу машинани олиб берсаларингиз, фойда қандай бўлинади?

— Тенг шерикликка. Дейлик, машина 28 минг сўмлик иш бажаради. 14 минг сўми бизга, 14 минг сўми шу машинадан фойдаланган корхонага.

— Чет эллар билан бўладиган ҳамкорлик ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Бугунги кун шароитида тижорат банклари фаолиятини чет эллар билан алоқасиз тасаввур этиш қийин. Мамлакат экономикасини кўтариш учун бу жуда зарур. Биз ҳозир чет эл компаниялари билан ҳамкорликда завод ёки фабрика қуришни ҳоҳлаганларга пул беришга тайёрмиз. Бу бизнинг чет эл компаниялари билан алоқаларимизнинг бошланиши бўлади. Бундан ташқари чет эллар билан мол айирбошлашни ҳам амалга оширамиз. Ҳозир Туркия билан музокара олиб борилаяпти. Туркияга тери етказиб бериб, улардан болалар кийимлари олмоқчимиз. Кейинроқ дунёнинг жуда кўп мамлакатида бизнинг вакилларимиз бўлади. Хуллас, дунё бозорига кенг йўл очилади.

— Бахтиёр Халилович, газетхонларимизни қизиқтирадиган яна бир саволга жавоб берсангиз. Ўз жамғармаларини «Осиё-Банк»да сақлаганлар қандай рағбатлантирилади?

— Маълумки, давлат омонат банклари сақланган жамғарманинг уч фойизи миқдорида қўшимча пул беради. Биз беш фойизгача қўшимча пул берамиз. Бундан ташқари, ўзаро келишув асосида жамғарма қанча кўп сақланса, унга тўланадиган процент миқдори ҳам ошиб боради. Яна бир гапни айтиб қўйишим керак. Бизнинг банкимизда исм-фамилиясини ёзмасдан омонат дафтарча номери билан ҳам пул сақлаш мумкин. Банкимиз жамғармаларни сир сақлашга юз фоиз кафолат беради.

— «Осиё-Банк» инқирозга учраши, яъни синиши мумкинми?

— Йўқ. Биздан қарз олган корхона ёки шахс қарзи миқдоридаги мол-мулкини бизга гаровга қўяди. Гаровга қўйилган мол сўғурта қилинган бўлиши шарт. Шундай экан, банкнинг синиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни
Беккул ЭГАМҚУЛОВ
олиб борди

МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ

Узоқ йиллардан буён кўп болали оилалар, кексалар, ногиронлар ҳамда айрим ижтимоий ҳимоясиз кишилар тақдири билан турли давлат ташкилотлари ва жамиятлар шуғулланиб келмоқдалар. Улар соғлигини сақлаш, ижтимоий фаровонлигини ошириш муассасалари, Қизил Ярим Ой жамияти кабилар тузилди. Бу ташкилотлар қанчалик жонбозлик кўрсатмасинлар, барибир, кўпларнинг яшаш шароити оғир аҳволдалигича қолмоқда. Кўпгина кексалар ва ногиронларнинг оладиган нафақалари бугунги нарх-навони ҳисобга олсак, ҳатто оддийгина кун кўришлари учун ҳам етарли эмаслиги аён-ку. Ногиронларни иш билан таъминлаш ушалмас орзу бўлиб қолди гўё. Қашшоқлик, ҳимоясизлик, ҳуқуқсизлик улар кундалик ҳаётининг мазмунига айланган. Бир неча вақт улар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Натижада оғир шароитга тушиб қолишди. Керакли жиҳозлари йўқлиги сабабли на театрларга, на концертларга, на зарур бўлган ташкилотларга боролмас эдилар. Шаҳар транспортларидан кексалар ва ногиронларнинг қийналмай фойдаланишлари учун бирон-бир қулайлик яратилган эмас. Уларнинг узоқ жойларга саёҳатга чиқишлари эса ниҳоятда қийин.

Ногиронлар аравачалари, дори-дармонлар доимо етишмайди. Неча марталаб танқид қилинишига қарамай, аравачаларнинг, ортопедия аппаратларининг, ясама аъзоларнинг сифатлилик даражаси урушдан олдинги йиллардаги ҳолича қолмоқда.

Хайриятки, қайта қуриш туфайли ҳамма жабҳада ҳам муносабатимиз ўзгарди. Халқимизнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган хайрия ташкилотлар юзага келди. Шулардан бири сифатида 1989 йил июнь ойида Тошкент шаҳрида кексалар, ногиронлар ва қаҳрамон- байналмилалчилар ташаббуси билан «Меҳрибонлик» ўзаро ижтимоий ёрдам жамияти тузилди. «Меҳрибонлик» жамияти барча ногиронлар, кексалар ҳамда муҳтожларнинг ижтимоий ҳаёт тарзини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшишни муқаддас бурчи деб билади. Бунга уларнинг олий таълим олиши, ишга жойлашиши, уй-жой шароитларининг яхшиланиши, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши киради. Қолаверса, ногиронларнинг оила қуришлари ва бола тарбиялашлари учун ҳам зарур ёрдамлар бериш кўзда тутилади. «Меҳрибонлик»нинг асосий вазифаси — жамиятимиз кишиларининг янада инсонпарвар бўлишлари йўлида ўсмирларни яқинлари ва атрофдагиларга нисбатан меҳр-шафқатли қилиб тарбиялаш учун интилишдир.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Тошкент шаҳрида халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар тузишимиз зарур. Унда асосан кексалар, ногиронлар уй хизматчилари, ўсмирлар ишлашади. Шу орқали бир неча муаммони ҳал қилишимиз мумкин. Масалан, **биринчидан** — жамиятимиз аъзолари меҳнат қилиш ва иш ҳақи олиш имконига эга бўладилар. Жумладан, уй-жой олишга ҳам эришадилар. **Иккинчидан** — ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобидан жамиятнинг кексалар, ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали оила аъзоларига ёрдам бериш имкони туғилади. **Учинчидан** — бу халқ эҳтиёжи моллари сонининг ошишига, кўпайишига туртки бўлади.

Лекин «Меҳрибонлик» жамияти ўзида ташаббускор кишиларни бирлаштиргани билан ҳозирча моддий ёрдамга муҳтож. Баъзи етишмовчиликлар туфайли биз ўз эзгу мақсадимизни амалга оширолмай турибмиз.

Қадрли юртдошлар! Сизларга ташаббусимизни қўллаб-қувватлашингизни сўраб мурожаат қилмоқдамиз. Умид қиламизки, ёрдам қўлини чўзасизлар, яхшилар!

Бизнинг ҳисоб сонимиз 000609297.
Тошкент шаҳри, уй-жой социал банки.
Код. 73427.

«МЕҲРИБОНЛИК» ЎЗАРО ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ ЖАМИЯТИ ҲАЙЪАТИ

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Латвияда бўлиб ўтган М. И. Глинка номидаги вокалчиларнинг XIII Бутуниттифоқ конкурси ниҳоясига етди. Конкурсда Иттифоқимизнинг барча республикалари, Москва ва Ленинграддан ташриф буюрган истеъдодли вокалчилар иштирок этишди.

Конкурснинг опера-концерт бўйича ўтказилган кўригида муваффақият билан қатнашган тошкентлик Муяссар Раззоқова IV даражали мукофотни олишга сазовор бўлди. Ҳамюртларимиздан Лидия Бондаренко ва Лола Неъматова ҳам конкурс дипломлари билан тақдирландилар.

БИЛДИРИШ

Шу йил 2 ноябрь соат 19.00 Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида шоиралар иштирокида Орол мушоараси ўтказилади. Мушоарага барча қизиққан ўртоқлар таклиф этилади.

Шеърият оқшомини Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, шоира Ойдин Ҳожиева олиб боради.

ОРОЛНИ АСРАШ КОМИТЕТИ

САТИРА, ЮМОР

КОМИССАР КАТТАНИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Доимо ғамгин, лекин осойишта комиссар Каттани илкис бошини кўтарди ва жилддан бир варақни суғуриб терговчига қаради. Комиссарнинг ҳафсаласи пир бўлганга ўхшарди. Рост-да, комиссарга битта қотилликни очиш нима бўпти. У мамлакатимизда жиноят кўпайиб кетгани туфайли ўз тажрибасини ўртоқлашиш учун Италиядан таклиф этилганди.

— Мана, масала кундай равшан, сэр, — деди у терговчига. — Агар қийналиб қолмасангиз, мен бошқа ишларга ўтсам, ҳам, ўртоқ Аҳмадов.

Комиссар «Аҳмедов» деёлмай «Аҳмадов» деди. Қизиқ-да, баъзиларнинг сўз бошидаги «А»га тили балодай келишади-ю, охирроғидагига келганда айтишолмайди. Каттани шу ерда ҳам ўзини кўрсатди.

— Бажарилади, жаноб комиссар, — деди терговчи Аҳмадов.

— Мана, умумий хулоса шундай, — комиссар Каттани қоғозни терговчининг яқинига сурди. — Қотиллик содир бўлган жойда «Жигули» машинаси ғилдиракларининг изи бор. Аввал мана шу машинани топиш керак. Бир кунда топса бўлади.

Терговчи бўшашиб деди:

— Жуда қийин, жаноб комиссар.

— Ие, нимаси қийин? — сўради комиссар ҳайратланиб.

— Бизда тўрт хил машина бор, холос. Унинг ҳам энг кўпи «Жигули»...

—Аммо, сэр, бу «Жигули»нинг баллонлари сийқа, чананинг ўзгинаси, тишларининг изини зўрға суратга туширишди.

— Ҳаммасиники ҳам сийқа-да, жаноб комиссар. Бизда баллон анқонинг уруғи, чайқовдан тополсангиз, бир юзу йигирма сўм.

Каттани ручкани иягига тираганча ўйланиб турди-да, қоғоздаги икки сатрни чизиб ташлади.

— Хўп, унда болтага ўтамиз, — деди комиссар кўзларини қисиб. — Марҳум болта билан уриб ўлдирилган. Уйида болтаси борларнинг рўйхатини тузинглар.

— Ҳамманикида болта бор, жаноб комиссар, — дея дарров жавоб қайтарди терговчи Аҳмадов.

Комиссар терговчига бошдан оёқ синчков тикилди.

— Нима, сизларда ҳамма одам чопадими?

— Э, йўқ, ўтин ёришади. Бизда газ йўқ-да.

— Бўлмаса, тиш қўйдиргани келганларни текширинглар. Чунки қотилнинг битта тилла тиши тушиб қолган.

— Жаноб комиссар...

— Яна нима?!

— Қотилнинг тиш қўйдиришга боришини камида бир-икки йил кутиш керак бўлади. Унгача навбат келмайди, — деди терговчи худди бунга ўзи айбдордай ийманиб.

Комиссар Каттани қўлларини орқага қилганча асабий уёқдан буёққа юрди, кейин деразa ёнига бориб пардани хиёл очиб қаради.

— Ўртоқ, қаранг, ановилар машина ўғирлаб кетишяптими?

Терговчи тез комиссарнинг олдига борди. Кўчада уч киши тўнкайишиб бир машинани итариб кетишаётганди.

— Моторни юргизишмоқчи, жаноб комиссар, — деди терговчи. — Аккумулятори ўтириб қолган. Бизда аккумулятор масаласи чатоқроқ.

Комиссар жаҳл билан қўл силтади ва деразадан нари кетди.

— Хўп, ишга ўтайлик... Қотил иркит юради. Бармоқ излари кир, кўприк панжарасига илиниб қолган кўйлагининг ипи ифлосликдан рангини йўқотган. Лекин экспертизанинг аниқлашича, ранги қизил экан...

— Бундан ҳам ҳеч қандай натижа чиқмайди, жаноб комиссар. Чунки бизда анчадан бери совун йўқ. Оила бошига ҳар икки ойга бир кулча совун берилади, талон билан.

— Ҳм-м... — комиссар Каттани иягини ушлади. —Менга машина чақиринг.

— Хўп бўлади... Лекин, айбга қўшмайсиз-да, бензин масаласи чатоқроқ эди. Ҳозир квартал охири, лимит тугабди. Шу...

Шундай оғир, босиқ италиялик комиссар Каттани ер тепиниб қичқириб юборди:

— Вой, қанақасизлар ўзи?! Пиво борми, асабимни босишим керак!

Терговчи Аҳмадов ночор елкасини қисди.

— Пиво йўқ, жаноб комиссар. Ичкиликбозликка қарши қарор чиққандан кейин...

— Сигарет беринг, сигарет! Ё чекишга қарши ҳам қарор чиқдими?!

— Йўқ, сигаретлар қарор чиқишини кутиб ўтирмай ўзидан-ўзи гум бўлиб қўя қолди. Нос обкелайми? Пастда бир чол сотади...

Қилни қирқ ёрадиган комиссар Каттани доғда қолганига иқрор бўлганича оҳ урди-да, шилқ этиб ўтириб қолди.

Ориф ФАРМОН

ТАЪҚИБ

Турмат навбатга туриб ўн дона совун харид қилди. Совунни тўрхалтасига солиб катта кўчага чиқди. Соқоллари тиканак, озғиндан келган, эгнида исқирт кўйлак, дазмолланмаган шим, яғири чиққан ботинка кийиб олган киши орқасидан таъқиб қилиб келаётганини сезиб қолди. У орқасига ўгирилиб қараган эди, ҳалиги киши тўхтади. Турмат яна йўлнинг танобини тортди. Нотаниш киши ҳам таъқибни давом эттирди. Турмат хавотирланди. Ичига ғулғула тушди, бадани енгил титради: «Бу ким бўлди экан?» Алғов-далғов хаёлларга борди. Манзили у томонга бўлмаса ҳам таъқибчини чалғитмоқ ниятида тор кўчага бурилди. Нотаниш киши ҳам ўша ёққа юрди.

Турматнинг кўнглида шубҳа уйғонди: «Орқамдан келаётган одам ўғри бўлса керак. Пайт пойлаб менга ҳужум қилмоқчи...» Шу хаёллар билан қадамини тезлатди. Нотаниш киши ҳам оёқларига зўр берди.

Энди Турматнинг вужудини қўрқув эгаллади. Пешонасидан совуқ тер оқиб, оёқлари мадорсиз бўлиб қолди. Тезроқ кўздан ғойиб бўлмоқчи бўлиб югурар, лекин оёқлари унга бўйинсунмасди. Таъқибчи эса тобора унга яқинлашиб келарди.

Турмат таъқибчини кўзини шамғалат қилмоқчи бўлиб, бирор муюлишга яширинишга қарор қилди. Тез-тез юриб, бир уйнинг муюлишига яширинди. Бир лаҳза нафас олмай, деворга қапишиб турди. Нотаниш киши ёнидан тинкаси қуриган итдек ҳансираб ўтиб кетди.

Турматнинг шубҳаси тўғри чиқди. «Бу — ўғри, бирор ўлжа илинжида кетимдан...» У ўзига бошдан-оёқ қараб чиқди. Қўлга илинадиган бирор нарсаси йўқ. Чўнтагига қўл солди. Тўрт-беш чақадан бошқа ҳеч вақо чиқмади. Унда нотаниш киши нимага орқасидан тентирайди?

У ўзини ўнглаб олиб, у ёқ-буёққа қаради. Нотаниш киши кўринмади. Йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилгач, йўлга тушди. Яна катта кўчага чиқди. Чўчиб орқасига қаради. Не кўз билан қарасинки, ҳалиги киши яна...

Одам гавжум бекатда автобус пойлади. Ундан ўн қадамча нарида нотаниш киши ҳам қаққайиб турарди. Автобус келди. Ура солиб олдинги эшикдан ўзини ичкари урди. Автобус юриб кетди. Эркин нафас олди. Пешанасидаги терни қўлини орқаси билан билан сидириб ташлади. Секин орқасига ўгирилди. Йиғлагудек бўлиб, тишларини ғижирлатди, чунки нотаниш киши ҳам шу автобусга чиққан экан-да...

Тўғри келган биринчи бекатда автобусдан тушди. Оёғини қўлига олиб қочмоқчи бўлди. Аммо иложи бўлмади. Унинг қаршисида нотаниш киши пахса бўлиб турарди. Турмат жаҳл билан нотаниш кишининг ёқасига чанг солди. Нотаниш киши ҳам бўш келмади. Иккаласи муштлашишга тушиб кетди. Иккаласи ҳам тоза ҳолдан тойишди. Бир пас иккаласи икки томонга ҳурпайиб, бир-бирига ўқрайди.

Турмат нотаниш кишига бақирди:

— Нега орқамдан дайди итдек эргашиб юрибсан?

Нотаниш киши унинг тўрхалтасидаги совунга ишора қилиб:

— Совунни қаердан олдинг? Жойини айт-да, йўлингдан қолма.

Турмат мадорсиз ерга ўтириб қолди.

Илҳом ЗОИРОВ

НОЁБ ЎҒИРЛИК

Участка инспекторининг хонасига ранги ўчган, сочлари тўзиб ёқа тугмалари қадалмаган, янги дўпписини қўлида чангаллаган ҳолда ўрта ёшлардаги йигит ҳовлиқиб кириб келди.

— Ўртоқ милиционер, — деди нафаси оғзига тиқилиб, — худо урди! Куппа-кундузи уйимни ўғри уриб кетди!

Бундай воқеаларни кўравериб, сочи оқарган инспектор уни столга ўтқазди. Чойнакдан совиган чой қуйиб узатаркан:

— Ўзингизни босинг, ўғрини топамиз, қани, бир бошдан гапириб беринг-чи? — деди у совуққонлик билан.

— Келинингиз уйда йўқ эди. Мен молдан хабар олгани далага кетгандим. Юрагим ғаш бўлаверди. Шошиб қайтиб келсам, дарвоза ланг очиқ. Катта уйнинг зулфи суғурилган. Югуриб уйга кирдим. Не кўз билан кўрайки, шифонерлар сандиқлардаги ноёб молларим титкиланганидан ақлдан озай деб қолдим. Яқинда қизимизни чиқармоқчи эдик. Унинг тақинчоқлари, сарполари ер билан битта бўлиб сочилиб ётибди. Номардлар тилла заём билан пулларни ҳам сочиб ташлашибди.

— Эй-й, пулларга тегмаган бўлса, нимани олибди? — ажабланди инспектор.

— Бирон кунимга яр деб сандиқ тагига иккита кир совун ташлаб қўйгандим. Шуни ўмариб кетишибди.

— Об-бо, номард-эй!

Акбархон ИКРОМОВ

ЎНДАН ЎН ҚАЛАМА

Юсуф ЖУМАЕВ

ДОНОЛАР ЙИҒИНИ

Ҳазил

Дастурхонда нон қолмади,
Нетсак, нонга тўлади?
Кўчадаги шиорларни
Алмаштирсак бўлади!

Дастурхонда нон қолмади,
Не қилсак бўлур бунёд?
Ҳар кун мажлис қилмоқ
керак,
Ҳосил бўлғуси мурод!

Дастурхонда нон қолмади,
Барча тадбирлар бекор —
Эълон этмак даркор эрур
Ҳар лаҳзада минг қарор.

Дастурхонда нон қолмади,
Қани, ўйлаб кўрамиз...
Бир йўли бор,
қабрин бузиб
Ўлганларни ўрамиз.

Бари бекор, қачонгача
Бундайин оч ётамиз —
Бас, нонга пул топиш
учун
Дастурхонни сотамиз!

ФАЛОНИЙНИНГ ФАЛСАФАСИ

Қўшнисининг кулбасини
Олов ямлаб олади.
У бепарво: «Шеър
битайин,
Шоирдан шеър қолади».

Хотинининг чўнтагига,
Йўлтўсар қўл солади.
У бепарво: «Менга нима,
Шоирдан шеър қолади».

Дедиларки, келди офат,
Миллатинг йўқолади.
«Менга нима, ашъор тўқ,
Шоирдан шеър қолади».

Дунё ёнар, у индамас,
Ўйин шеърга солади.
Шеър қолади, тўғри, лекин
Ахир, кимга қолади?

* * *

Мендан кўп сўрайди дўст-ёр, жўралар:
— Нега бир-бирини ейди тўралар?
— Халқни еб тўймаган ютоқлардирлар,
Энди бир-бирини емоқдадирлар.

* * *

Сийраклашиб борар каминада соч,
Қолган йилларимдек нетай, не илож,
Ўзимни яланғоч қилган бу дунё,
Бошимни қилмоқда энди яланғоч.

* * *

«Кўнглинг тўлмас, афсус, ҳеч кимдан,
Ишонмайсан ҳеч кимга, иним».
Қўл соларкан киссамга зимдан,
Шундоқ деди ўғри танишим.

БИР ҲАМЮРТИМИЗГА

Онанг севингандир кўрдим деб ўғлон,
Суюнчи бергандир падаринг шодон.

Ўғил бўлар деб эл сенга кўз тиккан,
Сени ҳам эркак деб бир шўрлик теккан.

Боланг ота дейди, нега ҳам эй сен,
Жинсинг деган жойда эркакман дейсан?!

Ахир, кун ўртада бир сўз айтасан,
Афсус, шу сўзингдан пешин қайтасан.

Ўйлама, эркакман, бошимда телпак —
Барча телпак кийган саналмас эркак!

КУЛАЁТГАН БОЛАЛАР

◆

— Ҳа, болакай, нега йиғлаб ўтирибсан?

— Ойим кўчани кесиб ўтишда аввал машиналарни ўтказиб юбор, сўнгра ўзинг ўтгин деб тайинлагандилар.

— Жуда тўғри айтибди. Нега йиғлаб ўтирибсан?

— Бажара олмаганим учун йиғлаяпман-да. Бир соатдан бери кутиб ўтирибман, биронта машина ўтмаяпти.

◆

— Марио, бу нима деган гап, яна балчиққа ағанаб шимларингни ифлос қилиб келибсан-ку.

— Ойижон, кечиринг. Мен балчиққа шунчалар тез ағанадимки, шимимни ечишга улгуролмай қолдим.

◆

— Нега шундай кир қулоқларинг билан мактабга келдинг, Олаф.

— Отин ойи, менда бошқа қулоқ йўқ-да, алмаштириб келгани.

◆

Бир бола кўчада кетаётган эди, уни бир аёл тўхтатди.

— Тўхта-чи, ўғлим, ёшинг нечада?

— Саккизга кирдим, — деди бола.

— Ҳеч ишониб бўлмайди, наҳотки бор-йўғи саккиз йил ичида одамнинг юз-қўллари шунчалар кир бўлиб кетса?!

◆

Ролф билан Рене боғда ўтиришар, Ролф ҳадеб олманинг данагини чайнарди.

— Олма данагининг нима фойдаси бор? — сўради Рене.

— У одамнинг ақлини пешлайди.

— Менга ҳам озгина бер!

— Йўқ, аммо жудаям хоҳлаётган бўлсанг, бир жуфтини бир маркадан сотиб олишинг мумкин.

Рене данакни сотиб олгач, чайнаб кўриб қичқириб юборди:

— Ўта кетган алдоқчи экансан-ку, ахир мен шу бир жуфт данак учун тўлаган бир маркага ярим кило олма сотиб олишим мумкин эди-ку. Ярим кило олмада қанча уруғ бўлади, биласанми?

— Тўхта-чи, энди мени койимасанг ҳам бўлади. Мана, қара, уруғ қанчалик тез таъсир этди. Ақлинг дарров пешланди қолди.

◆

—Айтолмайсанми дўстим, карнавалга қанақа ниқоб кийиб борсам экан?

— Яна қанақа ниқоб? Юз-қўлингни яхшилаб ювиб бор, ҳеч ким танимай қолади.

Немис тилидан
Йўлдош ПАРДАЕВ
таржимаси

БИЛСА ҲАЗИЛ, БИЛМАСА ЧИН



ЯШАСИН ОШКОРАЛИК!..

Рассом Н. БЕРДИЕВ

Рассом М. УНГАРОВ

МЎЪЖИЗАНИ СЕЗДИНГИЗМИ?

Ҳурматли муштарийлар!

Газетамизнинг 20 октябрь сонида эълон қилинган «Дардингни олай, одамлар!..» сарлавҳали давра суҳбатини ўқиб чиққан бўлсангиз керак. Борди-ю бирор сабаб бўлиб ўқимаган бўлсангиз, шошилинч равишда ўқиб чиқишингизни, ўқиган бўлсангиз, такрор мутолаа қилишни маслаҳат берамиз. Ўқиётган пайтингизда сизга бирор кимса халақит бермаслиги, ён-атрофингизда қалампир, мурч, саримсоқпиёз ва шунга ўхшаш ўткир ҳидли гиёҳлар бўлмаслиги лозим. Тўйиб овқатланмаган бўлсангиз, янада яхши.

Кайфиятингиз яхши бўлсин. Касалингиз, жароҳатларингиз, баъзи нуқсонларингиз тўғрисида (борди-ю улар мавжуд бўлса) ўйламасликка, оила ва ишхонадаги ташвишларни эсламасликка ҳаракат қилинг. Аниқ бир маромда нафас олинг. Ўзингизни енгил тутинг. Гўёки сиз ҳозир севимли газетангиз қанотида парвоз қилмоқдасиз. Осмон беҳудуд, хаёллар оғушида учиб бормоқдасиз...

Мана, давра суҳбатининг сўнгги сатрларига ҳам етиб келдингиз. «Тортишдир» деган сўнгги сўзга қўйилган сўнгги нуқтага бироз тикилинг. Раҳмат! Экстрасенсларнинг сиз билан қилган биринчи мулоқоти тугади.

Орадан бир-икки кун ўтди. Сизга берадиган саволимиз қуйидагича:

1. Ўзингизда бирон-бир ўзгариш сездингизми? Сезган бўлсангиз бу ҳақда бизга маълум қилинг.
2. Ўзгариш содир бўлмаган бўлса — ташвиш тортманг. Газетанинг шу саҳифасини кўзингиз тез-тез тушиб турадиган жойга осиб қўйинг ёки қулай тарзда буклаб ёнингизда олиб юринг. Орадан 4-5 кун ўтсин. Хўш, энди-чи?

Юқоридаги икки саволга жавоб ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз. Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот беришни ҳам унутманг. Чунки йил охирида экстрасенслар редакциямизга яна ташриф буюришади. Улардан бирор нимани сўрамоқчи бўлсангиз — марҳамат: жавоб хатингиз орқали саволингизни, баъзи мулоҳазаларингизни ҳам ёзиб юборинг. Биз ундан навбатдаги давра суҳбатида фойдаланишимиз мумкин.

Экстрасенслар билан мулоқотнинг якка-ю ягона шарти — газетамизга обуна бўлиш, холос. Дарвоқе, обуна тугашига саноқли кунлар қолди. Шошилинг, азиз муштарийлар!

Хатларингизни кутамиз!

Чавдар ШИНОВ (БХР)

ЯРАМАСЛАР

Автобус бекатга келиб тўхтаганида ундан уч киши тушди.

— Яна бир киши тушиши керак! — дея эълон қилди паттачи аёл. — Мен шу бекатгача 20 тийиндан тўрт кишига патта берганман...

Йўловчилардан садо чиқмади.

— Яна бир киши тушсин деяпман! — авзойи бузилиб такрорлади аёл.

Ҳайдовчи сигарет чекди.

— Одамлар ноинсоф бўлиб кетишаяпти! — деди у ва сигаретини қаттиқ тортиб, ойнага ёпиштирилган яланғоч аёл суратига қараб пуфларкан, давом этди: — Алдайдилар, шилиб кетадилар, безорингни чиқарадилар!...

Автобус гулдираб жойидан қўзғалди.

— Огоҳлантириб қўяй! — қичқирди паттачи аёл. — Бундан буён тушувчиларни текшириб тушираман!

Йўловчилар бир-бирларига жимгина қараб қўйишди.

— Иблислар! — ғазаб билан ўшқирди аёл, ўтирган одамларга бирма-бир кўз югуртириб.— Бу қанақа одамлар-а! Ҳаммаси қаергадир судралади, ҳар ким қаергадир бориши керак! Машина оладилар, дала ҳовли қурадилар, яна ҳаммаси жамиятнинг ҳисобидан! Юлғичлар, нусхалар...

Нусхалар эса ўринларида тошдек қотиб ўтираверишди.

Автобус зўриқиб жойидан жилди.

Навбатдаги бекатда аёлгина тушувчиларни бирма-бир чиғириқдан ўтказиб, кейин туширди. Уларнинг орасида паттасиз йўловчи йўқ экан.

— Алдоқчилар! Ўзини олиб қочганига ўлайми! — дея давом этди паттачи аёл, автобус яна ўрнидан қўзғалганидан сўнг, — Муттаҳамлар! товламачилар!

Ҳайдовчи ён ойнани очиб сигарет қолдиғини улоқтирди, ва орқасига ўгирилиб йўловчиларга хўмрайганча:

— Босқинчилар! — деб қўшиб қўйди.

Навбатдаги бекатда яна беш киши тушди.

Йигирма тийинлик патта билан олтмиш тийинлик масофани босиб ўтган қаллоб-ўғри буларнинг орасидан ҳам чиқмади.

Қоида бузарни кейинги бекатда ҳам тутолмадилар.

— Баъзи бировларнинг асаби пўлатданми, дейман-а! — дарғазаб бўлиб қичқирди паттачи. — Мен зинҳор чидолмасдим, портлаб кетардим!

— Вей, булар бўлса пинагини ҳам бузишмайди-я! — бақирганча унга жўр бўлди ҳайдовчи. — Одатланиб қолишган-да! Булар одамгарчиликдан чиқиб кетишган! Жиноятчилар!

Хайрият, автобус сўнгги бекатга яқинлашиб қолди. Унинг ичида бор-йўғи уч киши қолганди. Улар бир-бирларига ҳадиксираб қараб қўйишарди.

— Ҳеч қиси йўқ, ҳисоб-китоб қиладиган вақт яқин! Ҳақиқатдан қочиб қутулолмайсан! — Худди радиодаги дикторлардек дона-дона қилиб гапирарди паттачи аёл. — Ҳозир биз у ярамаснинг ҳақиқий башарасини очиб ташлаймиз ва жарима соламиз! Кейин жамоатчилик судига оширамиз, у ёқдан эса қамоқхонагача бир қадам. — Совуққон қози каби ўзини бепарво кўрсатганча уч йўловчига кинояли қараб писанда қилиб борарди у.

Ҳайдовчи тез-тез орқасига ўгирилиб қўяр ва бўм-бўш автобусни бошига кўтариб:

— Жин урсин! У ярамаснинг афт-ангори қанақа экан-а? Сира ақл бовар қилмайди! Бунақа разил одамлар энг хавфли ҳисобланади! — деб қичқириб қўярди.

Сўнгги бекатда текширсалар қолган уч кишининг патталари ҳам жой-жойида эканлиги маълум бўлди.

Паттачи аёлнинг нафаси ичига тушиб кетди, кейин секингина чарм сумкачасини очиб пуллар-у чақаларни санай бошлади. Қолган патталарни назорат варақасига солиштириб кўрди... ва:

— Вой, хато ўтибди! Учта 20 тийинлик паттанинг ўрнига тўртта ёзиб юборган эканман!.. Бунақа фаросатсиз йўловчилар асабнинг эгови... Шунақанги шайтон одамлар билан ишлагандан кейин бундан ҳам баттар хатолар ўтиши мумкин... — деди у ўзини оқлаб.

— Тўппа-тўғри, мен йўловчилар ҳақида ҳеч қачон бир оғиз ҳам яхши сўз айтмайман, — дея уни қувватлади ҳайдовчи ва яна сигарет тутатар экан:

— Бу ярамас йўловчилардан ҳар нарсани кутса бўлади! — деб қўшиб қўйди.

Русчадан
Т. ДОЛИЕВ
таржимаси

ЖУМА
КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.
Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; секретариат — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р — 12052. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Б. — 3156. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12